

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

**АХМЕДОВА ЗЕБИНИСО ЖУМАҚУЛОВНА**

**УЎК: 82.091:398.21(=512.133)(043.3)**

**“МИНГ БИР КЕЧА” ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ СЮЖЕТ  
ТИЗИМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: М.ЖЎРАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,  
филология фанлари доктори, профессор

**Тошкент – 2021**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I боб. “МИНГ БИР КЕЧА”НИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ТАРКИБИ ВА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ</b> .....	16
1.1. “Минг бир кеча”нинг юзага келиши ва манбалари.....	16
1.2. “Минг бир кеча”нинг туркий ва ўзбек филологиясида ўрганилиши тарихи .....	31
<b>II боб. “МИНГ БИР КЕЧА” ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯСИ</b> .....	55
2.1. Араб ва ўзбек мажозий эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили .....	55
2.2. “Минг бир кеча” ва ўзбек халқ сеҳрли эртакларидаги “сайёр сюжет”лар.....	72
<b>III боб. ЎЗБЕК ҲАМДА АРАБ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА ЭВРИЛИШ ВА САФАР МОТИВЛАРИНИНГ ЭПИК ТАЛҚИНИ</b> .....	91
3.1. Ўзбек ва араб халқ эртакларида эврилиш мотивининг ўзига хос эпик талқини.....	91
3.2. Ўзбек ва араб халқ эртакларида сафар мотивининг ўзига хос хусусиятлари.....	117
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	138
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	142

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида эпик сюжетларнинг шаклланиш тарихи, манбалари, бадий эволюцияси ва тарихий-тадрижий тараққиёти масалаларини тадқиқ этиш етакчи тамойиллардан бирига айланди. Бу йўналишдаги тадқиқотлар ўрта аср Европа эпосининг ривожланишига тарихий-генетик асосларига кўра Шарқ халқлари, жумладан, қадимги ҳинд, форс, араб ва туркий халқлар фольклор анъаналарига боғлиқ сюжетлар муҳим роль ўйнаганлигини исботлашга асос берадиган илмий хулосалар чиқарилди. Бу эса дунё халқлари эпик тафаккури тараққиётининг негизини ташкил этувчи “сайёр сюжетлар” назариясини янада такомиллаштириш имконини берди. Фольклоршуносликдаги “миграцион мактаб”нинг илмий-назарий концепцияларининг такомиллаштирилишига асос берадиган бундай янги тадқиқот усуллари ва методологиясини ўзбек фольклоршунослигига татбиқ этиш халқ эртаклари сюжет тизимининг муттасил бойиб бориши ва эртакчилик анъаналари ривожига Шарқ халқлари фольклорининг таъсири масаласини фундаментал тадқиқ этишнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Дунё халқлари маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган “Минг бир кеча” номи билан машҳур бўлган араб эртаклар мажмуасининг жаҳон фольклори анъаналарининг юзага келиши ва тараққий этишига кўрсатган таъсири алоҳида эътиборга моликдир. Айниқса, фольклорнинг эпик жанрлари тараққиётига “Минг бир кеча” тўплами катта таъсир кўрсатган.

Дунё фольклоршунослигида эпик сюжетлар миграциясининг бадий-эстетик қонуниятлари ва маънавий-маданий асосларини ойдинлаштириш натижасида фольклор ижрочилиги анъаналарининг ривожига ўзаро адабий таъсир натижасида ўзлаштирилган “сайёр сюжетлар”нинг тарихий-фольклорий жараёнда тутган ўрни белгилаб берилди. Хусусан, ҳинд-форс-араб эртакчилиги анъаналарининг бадий синтези сифатида шаклланган “Минг бир кеча”нинг турли тилларга қилинган таржималари “сайёр

сюжетлар”нинг тарқалиш ҳудуди ва кўлами кенгайишига, жаҳондаги кўплаб халқларнинг фольклоридаги анъанавий сюжетлар тизимининг бойиб бориш манбаларидан бири вазифасини ўтаганлиги исботланди. Бинобарин, Ўрта Осиё туркий халқлари орасида “Алф лайла ва лайла” номи билан машҳур бўлган бу адабий ёдгорлик ўзбек эртақчилиги репертуаридаги кўплаб мажозий, сеҳрли-фантастик, новеллистик, ишқий-саргузашт ва ҳаётий-маиший эртақларнинг юзага келишига замин бўлган. Бугунги кунда фольклоршунослигимиз тарихида ўзбек халқ оғзаки ижодини дунё халқлари фольклори тизимида тадқиқ этиш, фольклор алоқалари ва типологик муштараклик ҳодисаларини ёритиб бериш, “сайёр сюжет”ларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. “Алф лайла ва лайла” номи билан шуҳрат қозонган бу асар ўзбек халқ насрининг ўзига хос табиатини белгилаш, эртақ жанрининг генезиси ва поэтикасини кенг кўламда ўрганишга йўл очади.

Учинчи ренессанс пойдеворини яратиш борасида изчил иш олиб борилаётган мамлакатимизда маънавий қадриятларни тадқиқ этиш, халқимиз бадиий тафаккурининг қадимий илдизлари ва манбаларини аниқлаш, айниқса, номоддий маданий мерос дурдонаси ҳисобланган фольклор асарлари замиридаги эзгу ғояларни кенг кўламда тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ҳам фольклор асарларини ўрганиш ва халқимизнинг миллий меросини авайлаб-асраш масалаларига катта эътибор бериб, қадимий ёзма манбаларни асраш ҳақида шундай деган эдилар: “...халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда”<sup>1</sup>. Бинобарин, маънавий-маданий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини

мероснинг ажралмас қисми ҳисобланган халқ эртакларининг сюжет тизимини илмий тавсифлаш, эртакчилик анъанасининг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини аниқлаш, ўзбек халқ эртакларининг миллий ўзига хослиги ва типологиясини тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг долзарб масалалари сирасига киради.

“Минг бир кеча” таъсирида яратилган ўзбек халқ эртакларининг генезиси ва поэтикаси билан боғлиқ хусусиятларни тадқиқ этишга йўналтирилган мазкур ишда ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта “Минг бир кеча” мажмуасининг яратилиш тарихи, шаклланиши, юзага келиши ва манбалари, таркиби ва ўрганилиши, ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимига таъсири, араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий таҳлил этилиши, сюжет қурилишида ҳаётий-маиший вазифаларни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ушбу ишда “Минг бир кеча” туркумидаги араб эртаклари ва ўзбек халқ эртакларининг мотивлар таркиби ҳам ўрганилади. Мажозий ва сеҳрли эртаклардаги “сайёр сюжет”лар, бу сюжетларнинг ўзбек халқ эртаклари ривожига кўрсатган таъсирига жиддий эътибор қаратилади. Тадқиқотда “Минг бир кеча” асосида шаклланган ўзбек халқ эртакларининг ўзига хос хусусиятлари, туркий халқлар фольклоридаги типологик кўринишлари каби масалалар ҳам назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги,

2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 21 апрелдаги VMQ-228-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослигида ўзининг ранг-баранг эртаклари билан дунёни лол қолдирган асар “Минг бир кеча” мажмуасини жиддий илмий ўрганиш ишлари XVIII асрнинг охири – XIX аср аввалида бошланган. Шарқ халқлари бадий тафаккури тарихида муҳим ўрин тутган “Минг бир кеча” эртақлар мажмуаси ҳақида жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида А.Сальхани, А.К.Горстер, И.Эструп, М.Герхард, Х.Л.Борхес, Г.Э.Грюнебаум, С.Цвейг, Мунира Кхерибиш, Хасен Шахризад, каби олимларнинг тадқиқотлари мавжуд.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Горстер А.К. К литературной истории “Тысяча и одна ночи” / Юбилейный сборник в честь Всеволода Миллера. – М.: Типография А.Васильева, 1892. – С.231-240; Эструп И. Исследование о “1001 ночи”, ее состав, возникновение и развитие. Перевод с датского

А.Крымский, М.А.Салье, И.М.Фильштинский, В.В.Лебедев сингари рус олимлари “Минг бир кеча”нинг юзага келиш тарихи ва араб фольклори таракқиётида тутган ўрнига доир тадқиқотлар яратишган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, “Минг бир кеча” тилшунослик йўналишида ҳам ўрганилган<sup>2</sup>.

“Минг бир кеча”нинг туркий халқлар фольклори, хусусан, эртакчилик анъаналарига таъсири масаласи қозоқ<sup>3</sup> ва татар<sup>1</sup> олимларининг ишларида яхши ўрганилган.

---

Т.Ланге. – М., 1904; Герхард М. Искусство повествования. Литературное исследование “1001 ночи”. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1984; Борхес Х.Л. Переводчики “Тысяча и одной ночи” // Борхес Х.Л. Письмена Бога. – М.: Издательство “Республика”, 1992. – С.119-138; Грюнебаум Г.Э.Элементы греческой формы в сказках “1001 ночи” / Арабская средневековая культура и литература. – М.: Наука, 1978. – С.163-190; Цвейг С. Драматизм “Тысячи и одной ночи” / Собрание сочинения в семи томах. Т.VII. – М.: Правда, 1963. – С.361-370; Мунира Кхерибиш. Национально-культурная специфика русских и арабских народных сказок // Русский язык за рубежом. – М., 2007. – №2. – С.76-83; Шу муаллиф. Сборник “Тысяча и одна ночь” как отражение арабской культурно-языковой традиции // VI Степановские чтения. Язык и культура. – М.: РУДН. 2007. – С.477-478; Хасен Ш. “Тысяча и одна ночь”: история и переводы” // Филология и культура. – СПб., 2018. – №3(53). – С.242-246.

<sup>1</sup> Крымский А.Е. Тысяча и одна ночь. Общий историко-литературный очерк. – Труды Лазаревского института восточных языков. Вып. 8. – М., 1904; Шу муаллиф. История новой арабской литературы (XIX – начало XX века). – М.: Гл. ред. вост. лит., 1971. – С.4-26. Салье М.А. Ленинградская рукопись “1001 ночи” // Известия АН СССР. VII серия. – М., 1928. – №3. – С.185-196; Шу муаллиф. Материалы для датировки сказки об Ала ад-Дине Абду-ш-Шамате // Известия АН СССР. VII серия. – М., 1928. – №4. – С.299-310; Шу муаллиф. Неизвестный вариант сказки о рыбаке и духе из “1001 ночи” // Записки коллегии востоковедов. Т.5. – М., 1930. – С.405-428; Салье М.А. Предисловие / “Книга тысячи и одной ночи” в восьми томах. – Т.1. – Ташкент: “Гослитиздат”, 1959. – №-12. Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М., 1965. Лебедев В.В. Записи средневекового арабского фольклора в рукописном собрании Государственной Публичной библиотеки им. М.Е. Салтыкова-Щедрина / Письменные памятники Востока. Ежегодно - 1973. – М., 1979. – С.125-145; Шу муаллиф. Проблемы источниковедения средневекового арабского фольклора : По материалам арабоязычных письменных памятников VII-XVIII вв.: Автореф. дисс ... доктора филол. наук. – Л., 1979; Шу муаллиф. Средневековые арабские рукописи и фольклор / Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. Часть II. – Л., 1981. – С.75-83;

<sup>2</sup>Беляев В.И. Диалектизмы в “Тысяча и одной ночи” // Вопросы филологии Азии и Африки. Вып.1. Сборник в честь проф. И.Н.Винникова. – Л., 1971. – С.19-27; Исаева Ф.А. Диалектизмы в “Тысячи и одной ночи”: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1978. – С.23.; Темуров Дж.Р. Антропонимия “Тысяча и одна ночь”: лингвистический аспект: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2018. – С.22.

<sup>3</sup> Қасқабасов С. Таңдамалы. Т.3.Фольклорная проза казахов (Избранные исследования). – Астана: Фолиант, 2014. – С.9-10. Дербісәліев Ә. «Мың бір түн» елінде / Очерктер, әңгімелер. – Алматы: Жалын, 1986. – Б.184.; Жармагамбетов Н.К. Поэтическая трансформация сюжетов “Тысячи и одной ночи” и “Калилы и Димны” в казахской

Қозоқ фольклоршуноси С.А.Тулеубаева тадқиқотида “Минг бир кеча” ва қозоқ халқ эртакларини қиёсий - текстологик таҳлил қилиш асосида ҳар икки халқ эртакчилиги анъанаси учун муштарак ҳисобланган сюжет, мотив ва образлар тизими, шунингдек, бир-бирига ўхшаш бадиий воситалар ифодаси аниқланган<sup>2</sup>. “Минг бир кеча” ва озарбайжон эртаклари орасидаги параллел сюжетлар Камола Исламзоданинг тадқиқотида ойдинлаштирилган<sup>3</sup>. Л.М.Байрамова бу адабий манба таъсирида озарбайжон фольклорида юзага келган эртак сюжетларининг миллий вариантларини таҳлил қилган<sup>4</sup>. М.Маммедов “Минг бир кеча” сюжетлари асосида яратилган озарбайжон эртакларини аниқлаган бўлса<sup>5</sup>, И.Рустамзода “Минг бир кеча” сюжетларининг эпик трансформациясини тадқиқ этган<sup>6</sup>. Турк фольклоршуноси Зияд Абдулмажид Аккойунли “Минг бир кеча”даги анъанавий сюжетларнинг контаминацияси натижасида янги эртак сюжетлари шаклланди аниқлаган<sup>7</sup>.

---

литературе XIX – начала XX в.: автореф. дисс... канд. филол. наук. -- Алма-Ата, 1985. – С.26.

<sup>1</sup> Зулкарнаев С.Ш. Арабские заимствования в татарских фольклорных жанрах (на примере байтов) // Вестник Чувашского государственного университета. – Чебоксары, 2008. – С.285-287; Гилемшин Ф.Ф. Татарский перевод “Тысяча и одной ночи” (языковые и стилистические особенности): Автореф. дисс. канд. филол.наук. – Казань, 1998. – С 21. Гилемшин Ф.Ф. Арабские сказки в системе татарской культуры и языка: татарские переводы сборника “Тысяча и одна ночь”: язык, образы, стиль. – Казань: Казанский гос. ун-т, 2008. – С.113.

<sup>2</sup> Тулеубаева С.А. “Тысяча и одна ночь” в казахской фольклорной традиции (на примере казахского сказочного эпоса): Автореф. дисс. канд филол. наук. – Алматы, 2004; Шу муаллиф. “Тысяча и одна ночь” в казахской фольклорной традиции. – Алматы: Арыс, 2009. – С.199.

<sup>3</sup> Kəmalə İslamzadə. «Min bir gecə» ilə Azərbaycan nağılları arasında paralellər və yaxud ərəb mənşəli süjetlər // Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatına dair tədqiqlər. – Bakı: Elm və təhsil, 2017. – №2 (51). – S. 91-104.

<sup>4</sup> Bayramova L.M. «Min bir gecə» ərəb ədəbiyyatının mədəni-tarixi abidəsi kimi: Filol. elmləri namizədi alimlik dərəcəsi almaq üçün təqdim edilmiş dissertasiyanın avtoref. – Bakı, 2006. – S. 28

<sup>5</sup> Məmmədov M. Azərbaycan nağıllarında «Min bir gecə» süjetləri // Dil ədəbiyyat jurnalı. – Bakı: 2011. – №3. – S.190-195.

<sup>6</sup> Rüstəmzadə İ. Azərbaycan nağıllarının süjet göstəricisi (Aarne-Tompson sistemi əsasında). – Bakı: Elm və təhsil, 2013. – S.190-195.

<sup>7</sup> Ziyat Abdülmecit Akkoyunlu. “Binbir Gece” Masallannın Türk Masallanna Tesiri. Hacettepe Üniv. Basılmamış Doktora Tezi. – Ankara, 1982.



Ўзбек фольклоршунослигида “Минг бир кеча”нинг эртакчилик анъаналарига таъсири масаласи бир қанча фольклоршунослар - Ғ.Жалолов<sup>1</sup>, Х.Эгамов<sup>2</sup> ишларида ҳам қисман ёритилган. М.Жўраев “Минг бир кеча”нинг таржима қилиниши ва халқ оммаси орасида тарқалиши натижасида араб эртакчилигига хос бўлган кўплаб сюжетлар ўзбек эртакчилари репертуарига кўчган”лигини қайд этган<sup>3</sup>. Ш.Шомусаров эса “Алф лайла ва лайла”нинг шаклланишига асос бўлган бирламчи манбалар ва унинг тараққиёти босқичлари, “Минг бир кеча” таркибидаги эртакларнинг Ўрта Осиё араблари оғзаки ижодидаги бадиий талқинлари, эртак жанрининг араб фольклорида тугган ўрни, араб эртакларининг поэтик хусусиятларини ёритган<sup>4</sup>. У ўзбек ҳамда араб эртакларининг сюжетидаги ўхшашликнинг юзага келишига қўйидаги омиллар асос бўлган, деб ҳисоблайди: “а) эртак сюжетларининг жонли оғзаки ижро орқали тарқалиши; б) китобат қилинган адабий эртаклар, биринчи навбатда, “Минг бир кеча” мажмуасининг Ўрта Осиё халқлари орасида оммаланиши”<sup>5</sup>.

“Минг бир кеча”нинг ўзбек тилига таржима қилиниши, аёллар образининг бадиий талқини ва унинг таржимада акс эттирилиши, шеърӣй

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.153-154.

<sup>2</sup> Эгамов Х. Сайёр сюжетлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. Шу муаллиф. Ранг-баранг олам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.42-43; Шу муаллиф. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

<sup>3</sup> Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.77.

<sup>4</sup> Шомусаров Ш. Араб фольклори. – Тошкент, 1992. – 86 б.; Шу муаллиф. Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №4. – Б.38-44; Шу муаллиф. Араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №5. – Б.24-28; Шу муаллиф. Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили. – Тошкент, 2002; Шу муаллиф. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фанлари док. дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Шу муаллиф. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002; Шу муаллиф. Специфические особенности фольклорных связей тюркских народов Центральной Азии и среднеазиатских арабов // Восток. – М., 2009. – №1. – Б.124-132; Шу муаллиф. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – С.304

<sup>5</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. – Б.252.

матнларни ўзбек тилига ўгиришда таржимон маҳорати, ушбу мажмуанинг шаклланиш тарихи, моҳияти ва ундаги фольклор жанрлари таснифи, “Минг бир кеча”нинг ўзбек адабиётига таъсири каби масалалар Г.А.Остонова томонидан ҳам ўрганилган.<sup>1</sup>

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот режасининг “Миф ва унинг ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва араб халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий-типологик таҳлили асосида “Минг бир кеча” таркибидаги анъанавий эпик сюжетларнинг генезиси, поэтик трансформацияси ва халқ эртаклари сюжет тизимининг тадрижий ривожидида тутган ўрнини аниқлаш ҳамда бу адабий манбанинг ўзбек фольклорига кўрсатган таъсирини “сайёр сюжетлар”лар миграцияси мисолида ёритиб беришдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Минг бир кеча”нинг ўрганилиши тарихига доир манбаларни илмий тавсифлаш;

“Минг бир кеча”нинг юзага келишига асос бўлган манбаларини аниқлаш ҳамда ҳинд-эрон ва араб эртакчилигининг ўзаро алоқалари тарихини ёритиш;

ўзбек халқ сеҳрли эртакларидаги “ўзлаштирама эпик сюжетлар”нинг қиёсий-тарихий таҳлили асосида “сайёр сюжет”ларнинг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштириш;

“Минг бир кеча”нинг туркий, жумладан, ўзбек эртакчилиги анъанасига таъсирини асослаш ва “сайёр сюжет”лар таъсирида шаклланган халқ эртакларининг ўзига хос хусусиятларини ва поэтик табиатини очиб бериш;

“Минг бир кеча” таркибидаги эртаклар билан ўзбек халқ мажозий эртакларининг сюжет тизимини қиёсий таҳлил қилиш;

---

<sup>1</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари ўзбекча таржималарининг қиёсий тадқиқи (давр, услуб ва таржима аниқлиги муаммолари): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – Б.7-8.

“Минг бир кеча” таъсирида шаклланган сеҳрли эртаклардаги эврилиш мотивининг генезиси ва эпик талқинини ўрганиш;

Анъанавий “сафар” мотивининг араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет қурилишидаги ўрни ҳамда функционал-семантик моҳиятини ойдинлаштириш;

“Минг бир кеча”нинг ўзбек халқ эртакчилиги ривожда тутган ўрни ва аҳамиятини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Минг бир кеча”нинг ўзбек тилидаги 8 жилдлик таржимаси ҳамда ўзбек халқ эртакларининг турли йилларда чоп этилган мажмуалари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “Минг бир кеча” таъсирида яратилган ўзбек халқ эртакларининг спецификаси, генезиси, “сайёр сюжетлар” асосида юзага келган эртакларнинг мотивлар таркиби ва бадий эволюцияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, структурал-семантик ва бадий-эстетик таҳлил методлари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Минг бир кеча”нинг юзага келиши ва манбалари ҳинд, форс ва араб эртакчилик анъаналари билан боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиш жараёни қадимги ҳинд мифологик сюжетларининг эпик трансформацияси натижасида вужудга келган “Ҳазор афсона” мажмуасининг араб тилига таржима қилиниши, XII-XIII асрларда Бағдод ва унинг атрофидаги ҳудудда яратилган халқ эртакларининг туркумлашиши ҳамда XIV асрда Қоҳирада тизимлаштирилган анъанавий араб эртакларининг киритилишидан иборат кўпқатламли босқичдан иборатлиги далилланган;

“Минг бир кеча” мажмуаси таркибидаги эртаклар сюжетининг этномаданий асослари ва эпик трансформациясини ўрганиш асосида ушбу ёдгорликнинг шаклланишига асос бўлган дастлабки манба ҳинд фольклори эканлиги аниқланган ҳамда қадимги ҳинд эртакчилиги анъаналари таъсирида

шаклланган сюжетларни ўзида акс эттирган паҳлавий ёзма ёдгорликлари оралик тип, яъни эпик сюжетлар миграциясидаги ўрта бўғин вазифасини ўтаганлиги исботланган;

Ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг асосий қисми тарихий асосларига кўра, қадимги ҳинд, форс ва араб эртакчилиги анъаналарининг таъсирини ўзида мужассамлаштирган “сайёр сюжетлар” асосида яратилганлиги асосланган ҳамда тарихий-фольклорий жараён давомида бундай ўзлашма эпик қатлам эртакчиларнинг бадиҳагўйлиги ва ижодкорлиги туфайли такомиллашиб борганлиги аниқланган;

Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжетини ҳаракатга келтирувчи ва эпик асар композицион қурилишини шакллантирувчи асосий сюжет халқаларидан бири ҳисобланган эврилиш мотивининг генезиси қадимги тотемистик ва анимистик тасаввурларга бориб тақалиши исботланган;

“Минг бир кеча” таркибидаги эпик сюжетлар миграцияси натижасида шаклланган ўзбек халқ сеҳрли эртакларида эврилиш мотивининг хиёнаткорлиги сабабли жазоланган қаҳрамоннинг ўз кўринишини ўзгартириши, қаҳрамоннинг душман таъқибидан ўзини ҳимоя қилиши ҳамда душман томонидан сеҳрланиши, кабутар-париларнинг антропоморф қиёфа касб этиши каби уч асосий типи мавжудлиги аниқланган;

Ўзбек ва араб халқ эртакларидаги сафар мотиви қадимги синовинициация маросимлари тўғрисидаги халқ қарашларининг мифопоэтик талқинлари ҳамда эпик трансформацияси натижасида юзага келганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Минг бир кеча” ҳинд фольклори таъсирида X асрда китобат қилинган форс эртаклари, X-XII асрларда Бағдодда яратилган саргузашт қиссалари ва ҳаётий эртаклар ҳамда XIII-XV асрларда Қоҳирада шаклланган новеллистик эртаклар асосида яратилганлиги ойдинлаштирилган;

“Минг бир кеча”нинг туркий ва ўзбек филологиясида ўрганилиши тарихи ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган бўлиб, бу адабий манбанинг

фольклор ва ёзма адабиётга кўрсатган таъсири араб эртакларининг таржима қилиниши билан боғлиқлиги асосланган;

“Минг бир кеча”даги эврилиш мотивида қаҳрамоннинг ўз кўринишини ўзгартириши муайян нарса-ҳодисалар (сув, тупроқ каби) ҳамда сўз магияси (афсун) воситасида амалга ошиши тасвирланса, бу эпик мотивнинг ўзбек халқ эртакларидаги талқини вербаль воситалар билан боғлиқлиги кўрсатилган;

қадимги овчиларнинг тотем-аждод қиёфасидаги рамзий-магик рақсларидан иборат ритуаллари ҳамда жоннинг турли нарса-ҳодисаларга айланиши мумкинлиги ҳақидаги анимистик қарашлари, шунингдек, ҳомий-руҳларнинг “ўзга олам”га сафари билан боғлиқ тасаввурлар эврилиш мотивининг юзага келишига асос бўлганлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** “Минг бир кеча” таркибидаги эртакларнинг ўзбек халқ эртакчилиги анъанасига таъсири ва “сайёр сюжет”лар миграцияси, эпик сюжетлар генезиси ва эпик трансформацияси тарихи, эврилиш ва сафар мотивининг эртак бадий структурасидаги талқинига оид илмий-назарий хулосалар бевосита эртаклар матни билан боғлиқ ишончли манбаларга таянилган ҳолда чиқарилгани ҳамда умумлашма хулосалар нуфузли назарий адабиётлар асосида далилланганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “Минг бир кеча”нинг туркий халқлар фольклорига таъсири масаласини эпик жанрлар материаллари асосида кенг кўламда тадқиқ этиш, хусусан, Ўрта Осиё туркий халқлари эртакчилик анъаналарининг ривожига “сайёр сюжет”ларнинг тутган ўрни ва поэтик трансформацияси, анъанавий мотивларнинг тарихий асослари ва эволюцияси каби масалаларни ўрганишга назарий асос бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация илмий-назарий хулосалари ва уларнинг натижаларидан олий ўқув юртлари, академик лицейларда “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди”, “Ўзбек адабиёти тарихи” фанларидан ўқув

дастури, дарслик, ўқув қўлланмаси, маъруза матнларини тайёрлашда, магистратура босқичида халқ достонлари поэтикаси бўйича махсус курс ҳамда семинарлар ўтишда, магистрлик диссертациялари, битирув-малакавий ва курс ишлари ёзишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

“Минг бир кеча”нинг ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг шаклланиши ва бадий эволюциясига таъсирини қиёсий тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диссертациянинг “Минг бир кеча” асосида яратилган ўзбек халқ эртаклари сюжетидаги анъанавий эпик мотивлар ва образлар тизимининг генезисига доир назарий хулосаларидан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 21 июндаги 17.01/125-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиётидаги мифологик образларнинг тарихий асослари Шарқ халқлари, жумладан, қадимги ҳинд, форс ва араб фольклорининг архаик қатламига мансуб мифопоэтик контекст билан бевосита боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланган;

тадқиқотнинг “Минг бир кеча”нинг туркий эртакчилик анъанасига таъсири натижасида шаклланган “сайёр сюжет”ларнинг ўзбек фольклоридаги эпик талқинларини мажозий ва сеҳрли-фантастик эртаклардаги эврилиш ҳамда сафар мотивлари мисолида таҳлил қилиш асосида чиқарилган хулосаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими томонидан ўтказилган “Навойлик ёш навоийхонлар”, “Маънавиятли ёшлар Ватанни мадҳ этади”, “Мен шеър (ҳикоя, эртак) ёзаман”, “Ёш китобхон” каби танловларнинг сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 25 июндаги 01-03/874-сонли

маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ эртақларида ўз ифодасини топган дидактик қарашлардан етук ёш авлодни тарбиялашда фойдаланишнинг илмий-педагогик мезонларини ишлаб чиқишга эришилган;

тадқиқотчининг ўзбек халқ эртақларининг ўзига хос бадиий хусусиятлари, сюжет тизимининг манбалари ва шаклланиш тамойилларига доир илмий қарашларидан Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг “Маънавият сарчашмаси”, “Долзарб мавзу”, “Адабий муҳит”, “Маънавият гулшани” каби телекўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 январдаги 03-02/15-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек фольклори асарларининг қадимий асослари, араб ва ўзбек эртақчилиги анъаналарининг ўзаро алоқалари, “сайёр сюжет”лар асосида юзага келган халқ эртақларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар кенг кўламда оммалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан хорижий журналларда 1та, республика журналларида 6 та мақола нашр қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 157 саҳифадан иборат.

## **“МИНГ БИР КЕЧА”НИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ТАРКИБИ ВА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ**

### **1.1. “Минг бир кеча”нинг юзага келиши ва манбалари**

Маълумки, Ўрта Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек эртақчилигининг тараққий этиши ва эртақлар сюжет тизимининг шаклланишида ҳам халқ насри жанрлари ривожининг миллий анъаналари билан бир қаторда ўзаро адабий-фольклорий таъсир, фольклор алоқалари ҳамда “сайёр сюжет”лар муҳим аҳамият касб этган. Чунки ўзбек халқ эртақларининг ўзига хослигини кўрсатувчи эпик сюжетлар силсиласининг шаклланиши ва тараққиёти бевосита фольклор алоқалари билан боғлиқ бўлиб, эртақчилар репертуарининг бойиб бориш манбаларидан бири қардош ва қардош бўлмаган халқлар оғзаки бадиий ижодидан ўтган “ўзлашма сюжетлар” ҳисобланади. Шарқ халқлари орасида жуда катта шуҳрат қозонган “Тўтинома”, “Калила ва Димна” ва айниқса, араб халқ эртақлари мажмуаси “Алф лайла ва лайла”, яъни “Минг бир кеча”нинг ўзбек тилига таржима қилиниши эртақчилик анъанасига катта таъсир кўрсатган.

Шарқ халқлари эпик ижодиёти тарихида халқ эртақларини муайян тизим ҳолида туркумлаштириш анъанаси мавжуд бўлган бўлиб, форс тилида яратилган “Ҳазор афсона” тўплами ҳамда араб халқ эртақларидан тузилган “Алф лайла ва лайла”, яъни “Минг бир кеча” мажмуаси ана шу бадиий анъананиннг ўзига хос талқинлари саналади. Айниқса, ўзига хос мураккаб композицион қурилишга эгаллиги, сюжетлар силсиласи, мотивлар таркиби ва образлар тизимининг ранг-баранглиги ҳамда бадиий матнининг мукамал ишланганлиги алоҳида ажралиб турадиган “Минг бир кеча” жаҳон халқлари бадиий тафаккури тараққиётида муҳим ўрин тутган. Жаҳон фольклоршунослигида “Минг бир кеча” мажмуасининг яратилиш тарихини ўрганиш ушбу асар илк бор ўзга тилларга таржима қилина бошлаган даврда,



яъни XVIII асрдан бошланган бўлса-да, ҳозирга қадар ушбу нодир адабий ёдгорликнинг юзага келиши ва қадимий манбалари ҳақидаги баҳс-мунозаралар тўхтаган эмас.

“Минг бир кеча”нинг яратилишини ўрганишда бу мухташам эртақлар мажмуаси юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб борган А.Сальхани<sup>1</sup>, А.К.Горстер<sup>2</sup>, А.Крымский<sup>3</sup>, М.А.Салье<sup>4</sup>, И.Эструп<sup>5</sup>, М.Герхард<sup>6</sup>, И.М.Фильштинский<sup>7</sup>, В.В.Лебедев<sup>8</sup>, Хасен Шахризад<sup>9</sup>, Ш.Шомусаров<sup>10</sup> каби олимларнинг асарларидаги илмий қарашлар ва фактик маълумотлар муҳим илмий қимматга эга. Бу олимлар ўз мақола ва илмий асарларида “Минг бир кеча”нинг юзага келиши ва манбалари ҳақида чуқур мулоҳаза юритган

---

<sup>1</sup> 1888-1890 йилларда “Минг бир кеча” тўпламини Байрутда чоп эттирган араб олими А.Сальханининг мазкур китобнинг биринчи жилдига сўзбоши тариқасида ёзилган мақоласини А.К.Горстер рус тилига таржима қилиб, ўзининг “К литературной истории истории “Тысяча и одной ночи” номли ишининг ичида “қистирма тадқиқот” сифатида чоп эттирган. Қаранг: Горстер А.К. Статья А.Сальхани / Юбилейный сборник в честь Всеволода Миллера. – М.: Типография А.Васильева, 1892. – С.231-240.

<sup>2</sup> Горстер А.К. К литературной истории “Тысяча и одна ночь” / Юбилейный сборник в честь Всеволода Миллера. – М.: Типография А.Васильева, 1892. – С.231-240.

<sup>3</sup>Крымский А.Е. Тысяча и одна ночь. Общий историко-литературный очерк. – Труды Лазаревского института восточных языков. Вып. 8. – М., 1904; Шу муаллиф. История новой арабской литературы (XIX – начало XXI века). – М.: Гл. ред. вост. лит., 1971. – С.4-26.

<sup>4</sup> Салье М.А. Ленинградская рукопись “1001 ночи” // Известия АН СССР. VII серия. – М., 1928. – №3. – С.185-196; Шу муаллиф. Материалы для датировки сказки об Ала ад-Дине Абду-ш-Шамате // Известия АН СССР. VII серия. – М., 1928. – №4. – С.299-310; Шу муаллиф. Неизвестный вариант сказки о рыбаке и духе из “1001 ночи” // Записки коллегии востоковедов. Т.5. – М., 1930. – С.405-428; Салье М.А. Предисловие / “Книга тысячи и одной ночи” в восьми томах. – Т.1. – Ташкент: “Гослитиздат”, 1959. – №12.

<sup>5</sup> Эструп И. Исследование о “1001 ночи”, ее состав, возникновение и развитие. Перевод с датского Т.Ланге. – М., 1904.

<sup>6</sup>Герхард М. Искусство повествования. Литературное исследование “1001 ночи”. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1984.

<sup>7</sup>Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М., 1965.

<sup>8</sup> Лебедев В.В. Записи средневекового арабского фольклора в рукописном собрании Государственной Публичной библиотеки им. М.Е. Салтыкова-Щедрина / Письменные памятники Востока. Ежегодно - 1973. – М., 1979. – С.125-145; Шу муаллиф. Проблемы источниковедения средневекового арабского фольклора : По материалам арабоязычных письменных памятников VII-XVIII вв.: Автореф. дисс ... доктора филол. наук. – Л., 1979; Шу муаллиф. Средневековые арабские рукописи и фольклор / Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. Часть II. – Л., 1981. – С.75-83;

<sup>9</sup> Хасен Ш. “Тысяча и одна ночь”: истории и переводы // Филология и культура. – СПб., 2018. – №3(53). – С.242-246.

<sup>10</sup> Бу ҳақда қаранг: Шомусаров Ш. Араб фольклори. – Тошкент, 1992. – Б. 86.; Шу муаллиф. Араб ва ўзбек халқ эртақлари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №5. – Б.24-28; Шу муаллиф. Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили: Филол. фанлари док. дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Шу муаллиф. Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили. – Тошкент, 2002; Шу муаллиф. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – С. 304. Шу муаллиф. Араб ва туркий халқлар эртақлари сюжетининг қиёсий таҳлили // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳарир М.Жўраев. – Тошкент: 0‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.521-533; Шу муаллиф. Поэтика и типология арабской народной сказки. – Тошкент, 2019. – Б. 238.; Шу муаллиф. Поэтика арабских народных сказок. – Тошкент, 2020. – С.320.

бўлиб, ана шу материаллар таҳлиliga доир илмий қарашларни умумлаштириш фольклоршунослик учун муҳим назарий аҳамиятга эга.

Шу ўринда бевосита “Минг бир кеча” эртаклари тўпламининг шаклланиши тарихи ва манбалари масаласида фикр юритишдан аввал унинг жанрий мансубияти тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Ш.Шомусаровнинг қайд этишича, “Минг бир кеча” ўрта аср араб халқ адабиёти, яъни оғзаки бадий ижодининг бир неча жанрларини, хусусан, эртак, нақл, латифа ва қиссаларни ўз ичига олган мураккаб композицион тузилишга эга бўлган мажмуадир. Бу мажмуанинг асосини эса араб “адабий эртаклари” ташкил этади<sup>1</sup>. Назаримизда, ўрта аср араб халқ оғзаки ижодида оммалашган ва бошқа халқлар эртакчилиқ анъаналаридан ўзлаштирилган эртаклар бир тизимга келтирилиши жараёнида бадий жиҳатдан ишлов берилганлиги, яъни қайта ишланган бўлиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, Ш.Шомусаров “Минг бир кеча” тўплами асосини ташкил этувчи фольклор материалларининг жанрий атамасини “адабий эртак” сифатида белгилаган кўринади. Бизнингча ҳам, шу илмий қараш “Минг бир кеча”нинг бевосита оғзаки жонли ижро шароитларида ёзиб олинган ёки айтилиб юрган халқ эртакларидан фарқли равишда адабий эртаклардан иборатлигини кўрсатади.

Маълумки, “Минг бир кеча” Яқин Шарқ, Ўрта ва Жанубий Осиё халқларининг ёдгорлиги саналади. Чунки унда эрон, араб, ҳинд колорити сақланиб қолган. Шаҳриёр, Шоҳзамон, Шаҳризод, Шопур исмлари форсий номлар бўлса, Довуд, Сулаймон яҳудий, Хатун, Алибобо туркий ва Синдбод ҳиндча исмлардир. Шу сабабли ҳам ушбу эртаклар тўпламини ўрганган олимларнинг эътироф этишларича, унинг таркибидаги эпик сюжетлар ўзининг тарқалиш ҳудуди, яъни жўғрофий ареали ҳамда шаклланиш даврига кўра уч гуруҳга бўлинади: а) ҳинд-эрон туркумига мансуб илк сюжетлар; б)

---

<sup>1</sup> Шомусаров Ш. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – С.46.

Бағдод туркумини ташкил этувчи ўрта давр сюжетлари; в) кейинчалик Мисрда шаклланган сюжетлар<sup>1</sup>.

Араб фольклорининг жанрлар таркиби ва поэтикасини тадқиқ этган Ш.Шомусаровнинг ёзишича, “келиб чиқишига кўра форс ва хинд фольклорига бориб тақаладиган эртақлардан тузилган “Ҳазор афсона” (“Минг ҳикоя”) тўплами даставвал IX асрда Ироқда араб тилига таржима қилинган. Шундан кейин Ироқда бошланган бу ижодий жараён Сурия ва Мисрда давом эттирилиб, бир неча аср мобайнида ушбу манба араб халқ эртақлари, ҳикоят, нақл ва латифалари билан тўлдирилиб, бойитилган. Шундай қилиб, “Минг бир кеча”нинг илк асосини – ўзагини “Ҳазор афсона”дан ўтган балиқчи ва рух, Қамаруззамон ва Будур, шоҳ Бадр ва Жавҳара ҳақидаги эртақлар ташкил этган. Кейинчалик ана шу каби дастлабки эртақлар мажмуасига ироқликларнинг ишқий-романик мавзудаги халқ эртақлари ва қиссалари, Хорун ар-Рашид тўғрисидаги ибратли ҳикоятлари ҳамда Синдбод тўғрисидаги саргузашт қиссалари, Сурияда эса Умар ан-Нўмоннинг баҳодирона сафарлари тасвирланган жангномалар ҳам киритилган. “Минг бир кеча”нинг шаклланиш жараёни Мисрда ўз ниҳоясига етган бўлиб, “Оловиддин ва сеҳрли чироқ”, “Этикдўз Маъруф” ҳақидаги сеҳрли-фантастик эртақлар, шунингдек, Али аз-Зейбак ва айёр Далила тўғрисидаги ҳаётий эртақлар, кўпгина новеллистик ва мажозий эртақлар ана шу босқичда мазкур тўпламга киритилган. “Минг бир кеча”нинг илк нашри Мисрда чоп этилганлиги ҳам ушбу эртақлар силсиласининг шаклланиш жараёни ва тугал матн ҳолига келтирилиши айнан шу ҳудудда яқунланганлигидан далолат беради”<sup>2</sup>.

Бағдод ва унинг атрофларидаги ҳудудларда яратилиб, кейинчалик “Минг бир кеча” асари таркибига киритилган халқ эртақларини таҳлил қилган

---

<sup>1</sup> Хасен Ш. “Тысяча и одна ночь”: история и переводы // Филология и культура. – СПб., 2018. – №3(53). – С.242-246.

<sup>2</sup> Шомусаров Ш. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – С.47-48.

Г.М.Останова ва Н.К.Рахимованинг фикрича, “мазкур ҳикоятларнинг тарихий манбаси IX-X асрларда номи арабмусулмон ўлкаларида кенг ёйилган мусулмон ва ғайридинларнинг ҳақиқий тижорат саёҳати бўлган. Натижада юз йиллар мобайнида денгиз атрофи ўлкаларида узоқ ўлкалар ҳақидаги сонсаноксиз ҳақиқат ва ўйдирмалардан иборат бўлган ҳикоятларнинг улкан тўплами вужудга келган. “Минг бир кеча” асарининг муаллифлари мана шундай тўпламлардан саргузашт қиссаларни асарга киритганлар. XII асрдан бошлаб тўпламга мисрча ҳикоя ва эртаклар келиб қўшилади ва бу XIV-XVI асрларгача давом этади. “Минг бир кеча” аста-секинлик билан бизга етиб келган шаклга кира бошлайди”<sup>1</sup>.

Ўрта аср араб фольклорига оид ёзма манбаларни ўрганган В.В.Лебедевнинг аниқлашича, жаҳон кутубхоналари ва қўлёзмалар фондларида “Минг бир кеча”нинг Арабистон ярим оролидан ташқари ҳудудларда шаклланган, деб тахмин қилинаётган бир неча қўлёзма нусхалари ҳам мавжуд бўлиб, бундай манбалардаги эртаклар тил хусусиятларига кўра адабий эртакдан кўра, жонли оғзаки ижро услубига яқинлиги билан ажралиб туради<sup>2</sup>. Ф.А.Исаеванинг ёзишига қараганда, “Минг бир кеча”нинг Калькуттада кўчирилган нусхасида жонли оғзаки нутқ элементлари ҳамда шевага хос лексик қатлам – диалектизмлар кўп учрайди.<sup>3</sup>

Биз “сайёр сюжетлар”нинг эртакчилик анъаналари ривожидан тутган ўрни ва ролини назарда тутган ҳолда “Минг бир кеча” мажмуасига киритилган эртак, қисса, нақл, латифа ва бошқа жанрларга мансуб эпик асарлар даставвал оғзаки анъанада юзага келиб, бевосита жонли ижро жараёнларида шаклланиши бошқа халқлар фольклоридан ўтган “ўзлаштирма сюжетлар” билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, деган хулосага келдик. Чунки

---

<sup>1</sup> Останова Г.М., Рахимова Н.К. “Минг бир кеча” асарида Ироқ ҳикоятлари таснифи // Сўз санъати. – Тошкент, 2019. – №4. – Б.88.

<sup>2</sup> Лебедев В.В. Средневековые арабские рукописи и фольклор / Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. Часть II. – Л., 1981. – С.78, 81.

<sup>3</sup> Исаева Ф.А. Диалектизмы в “1001 ночи”: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – М., 1978. – С.14-16.

Шарқда яшаган турли халқлар эртаклари сюжетларидаги ўзаро ўхшашликлар ва муштаракликларнинг тарихи жуда қадимийдир.

**1.1.1. “Минг бир кеча” мажмуасидаги эртаклар туркумининг шаклланишига асос бўлган дастлабки манба ҳинд фольклоридир.** Араб фольклори манбаларининг тадқиқотчиси В.В.Лебедевнинг ёзишича, “Минг бир кеча” – юксак бадиий маҳорат билан айтиб берилган эртакларнинг бевосита ёзиб олинган намуналари тўплами эмас, балки кўп асрлик ёзма анъанага эга бўлган адабий манба бўлиб, унинг асосида тахминан IX асрда форс тилидан арабчага таржима қилинган “Ҳазор афсона” (“Минг ҳикоя”) номли адабий антология ётади. Бу антологиянинг манбалари эса Ҳиндистон ва Эроннинг қадимий фольклорида кўзга ташланади”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Ҳиндистон жаҳондаги энг қадимги мамлакатлардан бири бўлиб, унинг бадиий маданияти тарихи милоддан аввалги иккимингинчи йилларга бориб тақалади. Энг қадимги ёзма манбалар ҳам айнан ҳинд элида яратилган. Бу ҳудудда тарихи милоддан аввалги бирмингйилликларга бориб тақаладиган диний манбалар “Веда” ва “Упанишад” яратилган. Ҳинд халқ эртакларини таржима қилган М.Калягина-Кондратьеванинг ёзишича, “милоддан илгариги даврларда яшаган ҳинд ёзувчилари халқ эртакларини ёзиб олиб, улардан “эртаклар тўплами” тuzганлар ҳамда бундай тўпламларга турли адабий манбалардан олинган эртаклар, шунингдек, муаллифларнинг яратган ҳикояларини ҳам киритишган. Асрлар давомида бу эртаклар кўп тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи Ҳиндистон аҳолиси орасида оғзаки йўсинда авлоддан-авлодга ўтиши баробарида, баъзан, муайян бадиий ишлов берилган ҳолда китобдан китобга ҳам кўчиб, сайқаллашиб бораверган. Бу орада янгидан-янги эртаклар яратилган ва ёзиб олинган, анъанавий тарзда ижро этиб келинган эртаклар сюжети турлича трансформация жараёнларини бошдан кечирган, гоҳида икки ёки уч эртак сюжети бирлашиб

---

<sup>1</sup> Лебедев В.В. Словесное искусство наследников Шахразеды / Арабские народные сказки. Пер. с араб., предисл. и примеч. В.В.Лебедева. – М.: Наука, 1990. – С.5.

яхлитлаштирилган бўлса, баъзан бир сюжет эволюцияси натижасида икки ёки учта мустақил эртаклар юзага келганлиги кузатилади. Ҳинд эртаклари тўпламлари бошқа халқлар тилига таржима қилинган ва ўз навбатида, мутаржимлар муайян эртакни ўз тилига ўгириш жараёнида бадий матнга кўпгина ўзгартиришларни киритишган”<sup>1</sup>.

Бевосита ҳинд халқ эртаклари асосида яратилиб, кейинчалик бошқа халқлар тилига таржима қилиниши натижасида Шарқ эртакчилиги тараққиётига кучли таъсир кўрсатган ана шундай манбалардан бири “Тўтинома”дир. Унинг асосий манбаи эса “Шукасаптати”, яъни “Етмиш тўти” ёки “Тўтининг етмиш ҳикояси” номли санскрит тилида ёзилган қадимий ҳинд тўпамидир. Халқ эртакларига қайтадан ишлов бериш ҳам ҳинд ёзувчиларидан қолган. Бу ёзувчилар эртакларнинг фабуласини ўзгартириб зийнат берганлар, эртакларга шеърлар, мақоллар ва ҳикматли сўзлар киритиб, янги эртакларни ижод этганлар. Кўпинча бир нечта эртакларни бир тўпамга бирлаштириб, қолипга солганлар ва ўзига хос композицион усулни яратганлар. Бунда ички боғланишга эга бўлмаган асарлар ҳам бирлаштирилиб, асосий воқеаларнинг фабуласи билан ўраб олинган. Бундай композицион усулдан “Минг бир кеча”да ҳам фойдаланилганлиги яққол кўриниб туради. Шу сабабли ҳам бу ҳинд эртакларини биринчи манба сифатида қайд этишга ҳақлимиз деб ҳисоблаймиз. Кейинчалик “Панчатантра” (Бешкитоб), “Хитопадеша” (Яхши маслаҳат), “Веталапанчаиншати” (Веталининг йигирма беш ҳикояси), “Синасанадватриншати” (Шоҳона тахтнинг ўттиз икки ҳикояси), “Бхаратакадватриншати” (Рухонийларнинг ўттиз икки тарихи), шунингдек, “Калила ва Димна”, “Синдбоднома” каби халқ китоблари юзага келган. Шу қадимги манбаларнинг таржима этилиши асосида “Ҳазор афсона” пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Бу ерда “ҳазор” сўзи “минг” маъносини англатади,

---

<sup>1</sup> Калягина-Кондратьева М. Сўзбоши / Ҳинд халқ эртаклари. – Тошкент, 1956. – Б.3.

“Тўтинома”да етмишта эртак ўрин олган. Демак, кечаси эртак айтиш анъанаси, эртакларнинг сони шу асардан бошланади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Шарқ халқлари, жумладан ўзбек эртакчилиги анъанасида эртакларни кундузи эмас, кўпинча кечаси айтиш урф бўлганлигининг тарихий замини ҳам қадимги ҳинд-форс-араб фольклор ижрочилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Фольклористик тадқиқотлардан маълум бўлишича, аксари ҳолларда ўзбек эртакчилари кундуз куни эртак айтишмаган. Ж.Асқарованинг ёзишича, “Нурали Нурмат ўғли ўз ижодини асосан 16 ёшдан бошлайди. Борган сари халқ ўртасида эртакчилиги ва қизиқчилиги билан танила боради. Кундузлари қизиқчилик, лўттибозлик билан машғул бўлиб, кечалари эртак, ҳикоя айтиб, халққа манзур бўлгани туфайли Нурали қизиқчи, Нурали эртакчи номини олади, баъзан Нурали Найзангул ҳам дейишади”<sup>1</sup>. Қўшрабодлик Абдуғани Турдимурод ўғлининг хотирлашича, машҳур эртакчи Фармон бобо ҳам эртакларни кечаси супага йиғилган тингловчилар даврасида айтган<sup>2</sup>.

Агар “Минг бир кеча”да ақлли Шаҳризод минг бир кеча эртак айтиб барча аёллар вафосиз деб ўйлайдиган Шаҳриёрни ўз фикридан қайтариб, унинг қаҳридан қутулган бўлса, “Тўтинома”да тўтининг вазифаси сафарга кетган ўз хўжасининг хотинига етмиш кеча ҳикоя айтиб, аёлни ўз севгилиси билан учрашиб, оиласига хиёнат қилишига ҳалал беришдан иборат бўлган. Қолип - рамкада ўхшашлик мавжуд. Шунинг учун ҳам И.М.Фильштинский “олис Ҳиндистондан араб адабиётига ўзига хос композицион усул – қолиплаш усули кириб келганки, унинг энг классик намунасини “Минг бир кеча”да кўрамиз”<sup>3</sup>, - деб ёзган эди. Шубҳасиз, “Минг бир кеча”да ҳинд эртакларига хос қолип - рамкадан фойдаланилган. Дастлаб яратилган

---

<sup>1</sup> Асқарова Ж.Б. Ўзбек халқ эртакчилиги ва эртак нашрларининг қиёсий тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – Б.57-58.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.75.

<sup>3</sup> Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М., 1965. – С.352.

“Тўтинома” халқ эртаклари тўплами кейинчалик эртакларнинг сайқалланиб, бойиб боришига сабаб бўлган.

Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳлари даврида эртак айтиш ва бу қизиқарли ҳикоятларни йиғиш анъанаси йиллар ўтиши билан ривожланиб борган. Бу орада эртаклар энди етишмай қола бошлаган. Шунда Ҳиндистон ўлкасининг қизиқарли ҳикоятлари форс шоҳларини ўзига чорлаган. Тарихий маълумотларга кўра, VI асрда ҳиндларнинг “Панчатантра”, “Калила ва Димна”, “Синдбоднома” асарлари ҳам паҳлавийга ўгирилган. Нафақат бу асарлар, балки халқ оғзаки ижодига мансуб “Тўтинома” китоби ҳам таржима қилинган ва халқнинг севимли асарига айланган. Қизиғи шундаки, “Шукасапрати”нинг биринчи ва қайта ишланган асл нусха санскрит тилида бўлиб, бизгача сақланиб қолмаган. Асарнинг таржимаси форс тилида сақланиб қолган бўлиб “Тўтинома” деб номланган. Зиёвуддин Нахшабий 1330 йилда бу асарни тузган ҳисобланади. Асл оригинал жуда қадимий бўлиб, бизгача етиб келмаган. Яна шундай асарлардан бири “Калила ва Димна”дир. Агар “Калила ва Димна” асарининг бошланишига эътибор берсак, ҳинд файласуфи Бейдабо ҳинд подшоҳи Добшалимга нима сабабдан бу китобни ёзиб тақдим қилганлигини баён этади. “Калила ва Димна” асарини яратгач Бейдабо деди: “ - Шоҳдан сўрайдиган нарсам шуки, менинг китобимни оққа кўчиртириб, ота-боболарнинг асарлари каби уни ҳам эҳтиёт сақласалар. Мен бу китоб ҳинд диёридан чиқиб кетмасин, унинг борлигидан хабардор бўлган эронликлар уни қўлга киритиб, йўқ қилиб юбормасинлар деб қўрқаман. Хуллас, бу китоб “Ҳикмат уйи”, яъни кутубхонадан ташқарига чиқмасин”<sup>1</sup>. Бу нарса шундан далолатки, ҳиндларнинг асл қимматбаҳо китобларни сақлайдиган катта кутубхоналари бўлган ва ҳинд адабиётида, айниқса, буддавийлик адабиётида “масал” жанри севимли шакл ҳисоблангани учун ҳам ҳикматларга бой бўлган бу масалларни, эртакларни

---

<sup>1</sup>Калила ва Димна. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б.25.



йиғиб, улардан кенг фойдаланганлар ва авлодларга мерос сифатида асраб қолганлар. Бу китобнинг хабарини эшитган илмпарвар Эрон шоҳи Хусрав Ануширвон ҳакимлар бошлиғи Барзуяни Ҳиндистонга юборади ва Барзуя ҳаким хийла-найрангларни ишга солиб, китобни қўлга киритиб, шоҳ хазинасига топширади. Бу ҳикоя мазмуни шунчаки хабар тарзида келган бўлса-да, Эрон шоҳларининг панд-насихат руҳидаги асарларни ўз хазинасига тўплаш анъанаси хийла кучли бўлганлигидан далолат беради.

Ҳинд адабий манбалари, жумладан, эртак, масал ва нақллар тўпламлари Шарқ халқлари фольклор анъаналари ривожидан муҳим роль ўйнаганлигини Ғ.Жалоловнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди. Унинг ёзишича, “милоднинг биринчи асрларида вужудга келган ҳинд халқ китоби “Веталининг йигирма беш ҳикояси” Осиё, Монголия ва Тибет халқлари орасида кенг тарқалган. Бунинг сабаби китобнинг қадимги ва ўрта аср Шарқ халқлари ҳаётига яқинлиги, ҳаёт воқеаларнинг гўзал ва қизиқарли услубда ифодаланиши, халқ учун тушунарли эканлиги, халқ донолигининг куйланиши ҳамда меҳнат аҳлининг бахт, келажак ҳақидаги орзуларининг тараннум этилишидир. Шунинг учун ҳам асарнинг кўплаб дунё халқлари фольклори, ёзма адабиётига таъсири, шубҳасиз, катта”<sup>1</sup>.

Ҳинд халқининг машҳур асари “Синдбоднома” ҳам дастлаб санскрит тилидаги алоҳида китоб бўлганлиги манбаларда ёзиб қолдирилган. Кейинчалик эса бу асар ҳам ҳиндларнинг турли мавзулардаги эртакларни бир тўпламга бирлаштириб, композицион яхлит асар яратиш усулини анъана сифатида ўзлаштирган араб эртакчилари “Минг бир кеча” китоби таркибига киритганлар. “Минг бир кеча” тадқиқотчиси И.Эструпнинг келтиришича, француз ношири Ланглес 1814 йилда нашр этган “*Les voyages de Sindbad le marin*” (“Синдбод баҳрий саёҳатлари”) китобида “Минг бир кеча”нинг келиб чиқишини ҳинд эртакларига боғласа, А.В.фонь-Шлегель “Минг бир кеча”ни

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрларро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.29.

тўғридан тўғри санскрит тилидан қилинган таржима деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Бундан кўринадики, қадимги цивилизация масканларидан бири бўлган Ҳиндистон халқ оғзаки ижоди юксак даражада гуллаб ривожланган, кўҳна фольклор асарларининг кўпи айнан шу ерда яратилган ва бизгача сақланиб қолган маданият бешикларидан биридир.

**1.1.2. “Минг бир кеча” эртақлар мажмуасининг юзага келишига асос бўлган иккинчи манба ҳинд ва эрон эртақлари асосида пайдо бўлган “Ҳазор афсона” мажмуасидир..** “Минг бир кеча”нинг юзага келишида муҳим роль ўйнаган форсий манба “Ҳазор афсона” асарининг тўлиқ намунаси бизгача етиб келмаган бўлса-да, тахминларга кўра, милодий 300 йилларда яратилган деб ҳисобланадиган “Ҳазор афсона” китоби ҳақидаги илк маълумот Ибн ал-Надим томонидан ҳижрий 377 йилда (милодий 987-88 йиллар) ёзилган “Китаб ал-фихрист” ёки “ал-Фихрист” китобида келтирилган. Бу китобда подшоҳ, унинг вазири, қизи Шаҳризод ва унинг кули Диназод ҳақидаги ҳикоя келтирилган. Ҳикоя қилинишича, Ҳиндистон ва Хитой ҳудудларида ҳукмронлик қилган сосоний шоҳининг икки ўғли бор бўлиб, улардан бири Шоҳзамон Самарқандда ҳукм сурган бўлса, иккинчиси Ҳиндистон ва Хитой подшоси Шаҳриёр экан. Бир куни Шаҳриёр ўзининг акаси Шоҳзамонни меҳмонга таклиф қилибди. Шунда ярим йўлга етганда Шоҳзамон укасига совға-салом олмаганлиги ёдига тушиб, изига қайтибди ва уйига киргач, хотинининг бир қора ҳабаш қул билан айш қилиб турганини кўриб қолади. Бу хиёнатни кўриб фиғони фалакка чиққан шоҳ хотини билан қулни ўлдирибди-да, укасиникига қараб йўл олибди. Шаҳриёр акасининг кайфияти ёмонлигидан нима воқеа рўй берганини пайқабди, сўнгра уни овутиш мақсадида овга таклиф қилибди. Улар бир дарё қирғоғига етиб келиб, дам олмоқчи бўлиб турганларида узоқдан бир жин кўринибди. Ака-ука дарахт устига чиқиб яширинишибди. Бу орада жин ҳам етиб келибди-да,

---

<sup>1</sup> Эструп И. Исследование о 1001 ночи, ея состав, возникновения и развития. – М., 1904. – С.7.

кўлидаги тугунини очган экан, унинг ичидан сулувлиқда тенги йўқ бир қиз чиқибди. Бир оз гаплашиб ўтиргач, жин уйқуга кетибди. Шунда ҳалиги қиз дарахт устида ўтирган ака-укани кўриб қолибди-да, агар гапимга кўнмасанглр жинни уйғотаман деб кўрқитиб улар билан айш-ишрат қилибди. Шундан кейин қиз айтибди: “Бу жин мени тўй кечаси олиб қочиб кетиб, қутига қамаб қўйди, қутини еттита қулф билан беркитиб кўкрагига қўйди, доимо мени денгиз тубида сақлаб келади. Аммо у биз аёллар ўзимиз хоҳлаган ҳамма нарсани қила олишимизни билмайди”. Биродарлар Шаҳриёрнинг саройига қайтиб келишгач ҳар кеча эртаси куни боши узиладиган бокира қизга уйланишга қарор қиладилар. Аммо уч йилдан сўнг мамлакатда Шаҳриёр уйланиши учун қиз топилмайди. Келин тополмаган вазир умидсизликка тушиб, тақдирдан хавотирланиб уйига қайтади, шунда унинг доно қизи Шаҳразод ўзи келин бўлишга розилик билдиради ва подшоҳдан ҳар куни эртак айтиб беришни сўраган синглиси Динарзодни бирга олиб кетишга рухсат олади. Шундай қилиб, минг бир кеча ўтади, охирида Шаҳразод ниҳоят ўлимдан халос бўлади<sup>1</sup>.

Мутахассислар Ибн ал-Надимнинг “Китаб ал-фихрист” ёки “ал-Фихрист” асарида келтирилган ана шу парчага асосланган ҳолда “Минг бир кеча”нинг илк ўзагини ташкил этувчи эртаклар X асрдаёқ араб тилига таржима қилинган ҳамда унинг структурал-композицион асослари “Ҳазор афсона” номли форс эртаклари мажмуасига алоқадор деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги илмий қарашларга кўра, “пахлавий тили” деганда эски форсий тили назарда тутилади. Эрон шоҳлари Кир ва аҳамонийлар давридаги расмий услуб тили эски форс тили ҳисобланган. Ашконий подшоҳларидан то сосонийлар давригача ҳам пахлавий тилида иш юритилган. Айнан шу даврда кўплаб асарлар таржима қилинган. Айниқса, сосоний шоҳларидан Хусрав I Ануширвон (531-579) даврида исломгача мавжуд бўлган манбалар кўплаб таржима қилина бошланган. Сурёний, яъни оромий тили Византия

---

<sup>1</sup> Бу материал қуйидаги манбадан олинди: Hazār afsān / <https://iranicaonline.org/articles/hazar-afsan>.

империяси даврида юнон тилидан кейин учинчи ўринда турар эди. Турли кувғинлар сабаб, ўз тилини йўқотган яхудийлар ҳам оромий ёзувидан фойдаланганлар. Демак, сурёний тилларидаги яхудий манбалар ҳам таржима этилган. Сурёний тилида ёзилган оромий насронийларининг “Оссурия шоҳи Сепакериба, донишманд вазири Ахира ва унинг ношукур жияни ҳақида”ги киссалар ҳам форс тилига ўгирилган эди. Бу катта ҳажмдаги материал шу даврда тўплана бошланган. Йиллар ўтиб асл манбалар йўқолган бўлса-да, аммо қимматлилиги шундаки, паҳлавий тилидаги таржималарнинг баъзилари сақланиб қолган. Сосонийлар даврида илм-маърифатга кенг эътибор берилиши натижасида юнон-рим, сурёний, яхудий, ҳинд манбалари кўплаб таржима қилинган. Шу сабабли ҳам, ҳинд ва форс эртаклари, ҳикоятлари тўпланиб, “Ҳазор афсона” китоби юзага келган.

Бу манбанинг “Ҳазор афсона” тўплами ва форс эртаклари билан боғлиқлигини исботлайдиган муҳим фактлардан бири қаҳрамонлар номини билдирувчи Шаҳриёр, Шаҳризод, Дунёзод антропонимларидир. Ҳукмдор Баҳманнинг қизи Хумайни “Минг бир кеча” эртакларининг ҳикоячиси Шаҳризод образининг прототипи деб ҳисобласак бўлади. “Шаҳриёр” исми келиб чиқишига кўра ўрта форсча бўлиб, “шаҳр + дар” лексемаларининг бирикувидан ҳосил бўлган ва “подшоҳлик эгаси, ҳукмрон, шаҳзода, шоҳ”, Шаҳризод исми эса аслида “Чехразод” тарзида ишлатилган бўлиб, бу луғавий бирлик ўрта форс тилида “насл-насаб” маъносида ишлатилган “чехр” ва “озод” сўзларининг қўшилишидан юзага келган лексема бўлиб, дастлаб “тўлиқ ҳуқуқларга эга маҳаллий оилада туғилган” деган маънони англатган. Сосонийлар ҳукмронлиги даврида Эронда “озод” сўзи асл зодагонларни куллар ва паст табақадаги кишилардан фарқлаб турадиган тушунча бўлиб, асосан ўзига тўқ, эркин ер эгаларини билдирган. Демак, “шаҳризод”/“чехразад” сўзлари “келиб чиқиши олий ёки юксак мартабали”

деган маънони англаган<sup>1</sup>. Ана шу каби антропонимларнинг ишлатилиши ҳам “Минг бир кеча” мажмуасининг юзага келишига асос бўлган манбалардан бири “Ҳазор афсона” эртаклари бўлганлигини тасдиқлайди.

Таниқли фольклоршунос олим Ш.Шомусаровнинг ёзишича, “IX-X асрларда араб тилига таржима қилинган "Ҳазор афсона" тўплами йирик маданий марказларда жамоа орасида ўқиладиган оммабоп адабий манбалардан бири сифатида тезда машқур бўлиб кетган. Эртакчи, қиссахон ва ровийлар "Ҳазор афсона" эртакларини ўқиш ва қайта ҳикоя қилиб бериш давомида уларни араб эртакларининг сюжет элементлари билан бойитиб, тўлдириб бораверганлар. Натижада биринчидан, генетик жиҳатдан ҳинд-эрон фольклорига бориб тақалувчи "Ҳазор афсона" эртакларининг сюжети турли трансформацияга учраб, ўзининг дастлабки эпик қиёфасини тамомила ўзгартириб юборган. Иккинчидан, қадимги араб фольклорининг эпик анъаналари асосида шаклланган миллий эртакларнинг киритилиши натижасида “Ҳазор афсона” структурал семаantik жиҳатдан жиддий ўзгаришга учраган. Ана шу тарихий-фольклорий жараёнлар туфайли “Минг бир кеча” мажмуасининг дастлабки эртаклар туркуми ёки “Алф лайла ва лайла”нинг илк структурал ўзаги ҳосил бўлган”<sup>2</sup>.

**1.1.3. “Минг бир кеча” мажмуасининг шаклланиши ва мукамал ҳолатга келишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган учинчи манба араб халқ эртакларидир.** “Минг бир кеча”нинг тугал ҳолга келишига айнан араб фольклорининг ўзига хос жанрларидан бири ҳисобланган халқ эртаклари асосий манбалардан бири вазифасини ўтаган. Чунки А.С.Фиркович,<sup>3</sup> И.Ю.Крачковский<sup>4</sup> каби олимлар тарафидан ёзиб олиб нашр этилган эртак

---

<sup>1</sup> Бу материал қуйидаги манбадан олинди: *Nazār afsān* / <https://iranicaonline.org/articles/hazar-afsan>.

<sup>2</sup> Шамусаров Ш.Г. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2006. – С.253.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Лебедев В.В. Спор каирца с сельским жителем // Письменные памятники Востока. Ежегодник. 1974. – М., 1981. – С.58-65.

<sup>4</sup> Крачковский И.Ю. Две арабские сказки из Назарета // Сообщения Российского Палестинского общества. Т.29. – Л., 1926. – С.28-42; Шу муаллиф. Одна из арабских версий сказки про женскую хитрость // Доклады Академии наук. Серия В. – М., 1926. – С.23-26.

матнларининг ўзи ҳам бадий жихатдан анча мукамал бўлиб, арабларда ўзига хос эртакчилик анъанаси мавжуд бўлганлиги ҳамда бу эртакларнинг жонли ижро ҳолати XX асрга қадар халқ орасида сақланиб қолганлигидан далолат беради. XIV-XIX асрларда “Минг бир кеча”дан ташқари яна алоҳида эртак мажмуалари тузилганлиги ва бу тўпламлар котиблар тарафидан кўчирилиб, кенг оммалаштирилганлиги ҳақида илмий манбаларда маълумотлар бор<sup>1</sup>.

Зеро, “Минг бир кеча”нинг шаклланиш тарихи юзасидан фикр билдирган олимлар мазкур жараённинг X-XII асрлардан кейинги тараққиётини бевосита араб эртакчилигининг таъсири билан боғлайдилар. Жумладан, М.Герхард X-XII асрларда Бағдод ва унинг атрофларида яратилган эртаклар “Минг бир кеча”нинг дастлабки тўпамини бойитишга хизмат қилган бўлса, бу адабий ёдгорликнинг мукамал ҳолга келиши XIII-XIV асрлардаги Миср эртакчилиги билан бевосита боғлиқ, деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. И.М.Фильштинский ҳам бу китобининг юзага келиш тарихида X-XI асрларда яратилган Бағдод эртаклари ҳамда XIII-XIV асрларда пайдо бўлган Миср эртакларининг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаган эди<sup>3</sup>.

Бизнинг фикримизча, “Минг бир кеча”дан ўрин олган “Қамаруззамон ва малика Будур”, “Басралик Ҳасан қиссаси”, “Бадрбосим ва малика Жавҳара”, “Аловиддин ва сеҳрли чироқ”, “Али ибн Баккар ва Шамсуннаҳор”, “Масрур ва Зайнулмавосиф”, “Али Нуриддин ва Марям Зуннория”, “Вазир Нуриддин билан унинг биродари қиссаси”, “Этикдўз Маъруф қиссаси” каби эртакларнинг тарихий асослари араб фольклорига бориб тақалади.

---

<sup>1</sup>Бу ҳақда қаранг: Беляев В.И. Арабская историческая диалектология и арабские рукописи в Ленинграде // Вопросы филологии стран Азии и Африки. – Л.: Наука, 1973. – С.5; Шамусаров Ш. Арабский фольклор. – Тошкент: Фан, 1992. – С.7.

<sup>2</sup> Герхард М. Искусство повествования. Литературное исследование “1001 ночи”. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1984. – С.13.

<sup>3</sup> Кўрсатилган манба. – Б.560.

## 1.2. “Минг бир кеча”нинг туркий ва ўзбек филологиясида ўрганилиши тарихи

Жаҳон адабиётининг ноёб дурдонаси “Минг бир кеча” китоби рангоранг сюжетлари билан бутун дунёни забт этган бебаҳо бадиий қадриятлардан бири ҳисобланади. Бу асарни илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида XVIII асрдан бошланган. Чунки асар таржима этилиб, ҳар сафар нашр этилганда асар тарихи ҳақида сўзбошилар ёзилган ва асар тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб борилган.

Анъанавий эртакларнинг ўзига хос жамланмаси ҳисобланган “Минг бир кеча” мажмуасининг туркий тилларга таржима қилиниши бир неча асрлар аввал бошланган бўлиб, унинг таркибидаги эпик сюжетлар туркий халқларнинг фольклори ва ёзма адабиётига кучли таъсир кўрсатган. Шу сабабли бу бадиий ёдгорликни тадқиқ этиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилган.

Араб халқ адабиётининг нодир намунаси ҳисобланган “Минг бир кеча”нинг туркий халқлар фольклори, хусусан, эртакчилик анъаналарига таъсири масаласи фольклоршуносларнинг алоҳида диққат-марказида бўлиб келади. Жумладан, “Минг бир кеча”нинг қозоқ фольклорига кўрсатган таъсири масаласига тўхталган С.Қасқабасовнинг ёзишича, “қозоқ фольклорига кучли таъсир кўрсатган шарқий сюжетлар сирасида “Минг бир кеча” туркумига мансуб араб эртаклари, “Веталининг йигирма беш ҳикояси”ни ташкил қилувчи ҳинд эртаклари, мўғулларнинг “Арджи-Борджи” ва туркларнинг “Бахтияр” қиссаси сюжетлари, шунингдек, “Шоҳнома”, “Лайли ва Мажнун”, “Искандар” ва бошқа манбаларни киритса бўлади. Фикримиз исботи тариқасида, “Минг бир кеча” сюжетларини мисол қилиб келтириш мумкин. Хўкиз ва унинг эгасини алдаган айёр эшак, эрига хиёнат қилган маккор хотин, эркакларни жуда ёмон кўрса-да, турмушга чиқишни хоҳлайдиган қиз, кўзага қамалган жинни қутқаргани учун бойиб кетган

балиқчи, ўзининг севимли лочинини ўлдириб қўйган подшо ҳақидаги қозок эртаклари ана шундай ўзлаштира сюжетлар сирасига мансубдир”<sup>1</sup>.

Бинобарин, қозок фольклорида “Минг бир кеча”дан ўтган сюжетлар кенг оммалашганлигига XX асрнинг бошида Манғишлоқда истиқомат қилувчи туркман ва қозоклар орасида бўлган сайёҳ Р.Карутц ҳам эътибор қаратиб, ўзининг йўлбошловчиси ва таржимони Ўроз ҳақида “унинг репертуари асосан турли жониворлар тўғрисидаги қизиқарли масаллар, ихчам сюжетли ривоятлар, Махдунқули (яъни Махтумқули – дисс.) шеърлари ҳамда “Минг бир кеча”дан олингани аниқ билиниб турадиган эртаклардан иборат”<sup>2</sup>, - деб ёзган эди.

Араб халқ эртаклари, жумладан, “Минг бир кеча”ни қозок тилига таржима қилган Қ.Абдиқадировнинг таржимонлик маҳоратини қозок-араб адабий алоқалари тизимида ўрганган А.Дербисалиев “Минг бир кеча”нинг Шарқ халқлари адабиёти тарихида тутган ўрнини ёритган бўлса<sup>3</sup>, М.Салқинбаев “Минг бир кеча”нинг шаклланиши тарихи ва унинг илк манбалари ҳинд-форс фольклорига бориб тақалиши билан боғлиқ масалага ўз муносабатини билдириб, “Тўтинома”, “Ҳазор афсона” каби мажмуалардаги эртаклар туркий халқлар эртакчилиқ анъаналарига ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини қайд этган<sup>4</sup>.

Адабиётшунос Н.К.Жармагамбетов “Минг бир кеча” ҳамда “Қалила ва Димна” каби асарлардаги эпик сюжетларнинг қозок адабиётидаги трансформациясини тадқиқ этиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Қасқабасов С. Тандамалы. Т.3. Фольклорная проза казахов (Избранные исследования). – Астана: Фолиант, 2014. – С.9-10.

<sup>2</sup> Карутц Р. Среди киргизов и туркмен на Мангышлаке. – СПб., 1911. – С.122.

<sup>3</sup> Дербисалиев Э. «Мың бір түн» елінде / Очерктер, әңгімелер. – Алматы: Жалын, 1986. – 184 б.; Шу муаллиф. Араб әдебиеті (классикалық дәуір). – Алматы, 1982.

<sup>4</sup> Салқынбаев М. “Мың бір түннің” генезисіне байланысты кейбір ойлар // Ақиқат. – Алматы, 2011. – №2. – С.66-70.

<sup>5</sup> Жармагамбетов Н.К. Поэтическая трансформация сюжетов “Тысячи и одной ночи” и “Калилы и Димны” в казахской литературе XIX – начала XX в.: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1985. – С.26.



“Минг бир кеча” эртакларининг қозоқ фольклорига таъсири масаласи шарқшунос олима С.А.Тулеубаева тарафидан махсус ўрганилган. Мазкур тадқиқотда “Минг бир кеча” ва қозоқ халқ эртакларини қиёсий-текстологик таҳлил қилиш асосида ҳар икки халқ эртакчилиқ анъанаси учун муштарак ҳисобланган сюжет, мотив ва образлар тизими, шунингдек, бир-бирига ўхшаш бадий воситалар ифодаси аниқланган. Араб эртакларининг таржима қилиниши натижасида қозоқ фольклорига ўзлашган эпик сюжетларнинг поэтик трансформацияси ва адаптация жараёнларига хос хусусиятлар ойдинлаштирилган<sup>1</sup>.

“Минг бир кеча”нинг туркий тилларга таъсири масаласини ўрганган олимлардан бири С.Ш.Зулькарнаев араб тили, шу жумладан, “Минг бир кеча” таркибидаги эртаклар лексикасининг татар фольклорига таъсирини байт жанрига мансуб бадий матнларнинг лингвопоэтик таҳлили мисолида ёритиб берган<sup>2</sup>. Тилшунос Ф.Ф.Гилемшин ўзининг номзодлик диссертациясида “Минг бир кеча”нинг Фотих Холидий томонидан татар тилига қилинган таржимасини лингвистик ва стилистик нуқтаи назардан тадқиқ этган<sup>3</sup>. Унинг тадқиқотларида “Минг бир кеча” эртаклари тўпламининг татар тилига таржима қилиниши тарихи, бу адабий манбанинг

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Тулеубаева С.А. К вопросу о сказочной традиции казахов и арабов (на примере сюжетов казахского фольклора, заимствованных из “1001 ночи”) // Шығыс. – Алматы, 2004. – №1. – С.268-269; Шу муаллиф. “Тысяча и одна ночь” в казахской фольклорной традиции (на примере казахского сказочного эпоса): Автореф. дисс. канд филол. наук. – Алматы, 2004; Шу муаллиф. “Тысяча и одна ночь” в казахской фольклорной традиции. – Алматы: Арыс, 2009. – С.199.

<sup>2</sup> Зулькарнаев С.Ш. Арабские заимствования в татарских фольклорных жанрах (на примере байтов) // Вестник Чувашского государственного университета. – Чебоксары, 2008. – С.285-287.

<sup>3</sup> Гилемшин Ф.Ф. Изучение “Тысячи и одной ночи” на Западе и на Востоке / Казанское востоковедение: традиции, современность и перспективы. – Казан, 1992. – С.22-25; Шу муаллиф. “Мынг бир кече” хем татар адебияты // Мирас. – Казан, 1998. – №12; Шу муаллиф. Татарский перевод “Тысяча и одной ночи” (языковые и стилистические особенности): Автореф. дисс. канд. филол.наук. – Казань, 1998. – С.21.

татар адабиёти ва маданияти тизимида тугган ўрни, мазкур мажмуа тилининг лексик-семантик, аксиологик ва когнитив жиҳатлари таҳлилга тортилган<sup>1</sup>.

Камола Исламзода “Минг бир кеча” ва озарбайжон эртаклари орасидаги параллел сюжетлар ёки манбаи араб фольклорига бориб тақаладиган эпик сюжетлар таҳлиliga доир ишида бир неча қадимий эртақчилик анъаналарида шаклланган эртақларни ўзида қамраб олган ушбу мажмуадан ўтган сюжетлар янги фольклор ижрочилиги муҳитида муайян ўзгаришга учраши, бу трансформацияси ўзга этник маданиятга мансуб сюжетнинг миллий эртақчилик анъанасига мослашиш жараёни сифатида намоён бўлишини аниқлаган. Анъанавий мотивлар, персонажлар номлари, матндаги диалоглар, савол-жавоблар, муайян сўз ва бирикмаларнинг бир-бирига яқинлигига кўра, қайси эртақ генезиси араб манбаига дахлдорлигини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда ўзаро ўхшашликлар типологик муштараклик намунаси эмас, балки “сайёр сюжет”лар кўчими ва ўзлаштирилиши натижасида юзага келган ходиса сифатида баҳоланади<sup>2</sup>.

“Минг бир кеча”нинг адабий-бадий асар сифатидаги моҳиятини очишга ҳаракат қилган озарбайжон олимаси Лейла Музакир қизи Байрамова ўзининг тадқиқотида бу асар Шарқ халқлари эпик сюжетларини бир жойга яхлит ҳолда тўплаган муҳташам адабий жамланма эканлигини қайд этар экан, “Минг бир кеча” мусулмон Шарқи халқлари учун энг гўзал эпик

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Гилемшин Ф.Ф. Арабские сказки в системе татарской культуры и языка: татарские переводы сборника “Тысяча и одна ночь”: язык, образы, стиль. – Казань: Казанский гос. ун-т, 2008. – С.113.; Шу муаллиф. Лексика сказок “Тысяча и одна ночь”: аксиологический и когнитивный аспекты // Казанская наука. – Казань, 2015. – №12. – С.115-117; Шу муаллиф. Эмоциональная лексика в татарском переводе сказок “Тысяча и одна ночь” // Казанская наука. – Казань, 2018. – №6. – С.53-56; Шу муаллиф. Антропонимическая лексика татарского перевода произведения “Тысяча и одна ночь” // Казанская наука. – Казань, 2018. – №7. – С.59-61; Шу муаллиф. Семантика компонентов цветовой гаммы в сказках “Тысяча и одна ночь” // Казанская наука. – Казань, 2018. – №7. – С.62-64; Шу муаллиф. Ценностные категории в татарском переводе сказок “Тысяча и одна ночь” // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2018. – №11(89).– Ч.2. – С.313-317.

<sup>2</sup> Kəmalə İslamzadə. «Min bir gecə» ilə Azərbaycan nağılları arasında paralellər və yaxud ərəb mənşəli süjetlər // Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatına dair tədqiqlər. – Bakı: Elm və təhsil, 2017. – №2 (51). – С.91-104.

сюжетлар хазинаси ролини ўтайди, чунки бу адабий манба таъсирида ундаги сюжетларнинг миллий вариантлари юзага келган”, – деб ёзади<sup>1</sup>. Шунингдек, М.Маммедов “Минг бир кеча” сюжетлари асосида яратилган озарбайжон эртакларини аниқлаган бўлса<sup>2</sup>, И.Рустамзода “Имом”, “Хоса Фаттоҳ”, “Шамсу Қамар”, “Сейфулмалик”, “Ҳалоллик”, “Ҳалол умр”, “Икки қардош” каби озарбайжон эртаклари бевосита “Минг бир кеча” сюжетларининг эпик трансформацияси натижасида вужудга келган, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

Турк фольклоршуноси Атия Назлининг диссертация ишида “Минг бир кеча” таркибидаги асарларнинг жанрий мансубияти, шаклланиши ва манбалари, бу асарнинг Европа, АҚШ, Африка қитъаси, Эрон, Афғонистон ва бошқа Осиё мамлакатлари ҳамда Туркияда ўрганилиши тарихи ёритилган. “Тўтинома”, “Бахтиёрнома” ёки “Ўн вазир ҳикояси”, “Фироқнома”, “Синдбоднома”, “Ҳаёлоту дил”, “Арбаину субҳ” ёки “Қирқ вазир ҳикояси” каби эртак мажмуалари билан “Минг бир кеча”нинг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Диссертацияда “Минг бир кеча”нинг турк тилига қилинган турли хил таржималари ва ҳар бир таржимада асарнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. “Минг бир кеча”нинг турк фольклорига таъсири, хусусан, шу мажмуа таркибидаги эпик асарлар сюжетининг қайта ишланиши натижасида шаклланган турк халқ эртакларининг манбаи ва бадий эволюцияси масаласига алоҳида эътибор берилган. Тадқиқотда Анадўлидан тўпланган турк эртаклари таҳлил қилинган бўлиб, бу тип эртакларнинг мотивлар таркиби ва образлари қиёсий таҳлилга тортилган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Bayramova L.M. «Min bir gecə» ərəb ədəbiyyatının mədəni-tarixi abidəsi kimi: Filol. elmləri namizədi alimlik dərəcəsi almaq üçün təqdim edilmiş dissertasiyanın avtoref. – Bakı, 2006. – S.28.

<sup>2</sup> Məmmədov M. Azərbaycan nağıllarında «Min bir gecə» süjetləri // Dil ədəbiyyat jurnalı. – Bakı: 2011. – №3. – S.190-195.

<sup>3</sup> Rüstəmzadə İ. Azərbaycan nağıllarının süjet göstəricisi (Aarne-Tompson sistemi əsasında). – Bakı: Elm və təhsil, 2013. – S.190-195.

<sup>4</sup> Atiye Nazli. Binbir gece” masallarının anadolu türk masallarına etkileri üzerine bir araştırma (doktora tezi). – Konya, 2011.

“Минг бир кеча”нинг усмонли турк адабиёти ва фольклорига кўрсатган таъсири масаласини бевосита халқ эртакларининг сюжети мисолида тадқиқ этган Зияд Абдулмажид Аккойунлининг диссертация ишида араб эртаклари мажмуасининг турк тилига таржима қилиниши натижасида эртакчилар репертуаридаги анъанавий сюжетларнинг контаминацияси бошланганлиги, айниқса, новеллистик ва сеҳрли эртаклар сюжетининг туркий эртакчилик анъаналари асосида бадиий жиҳатдан қайта ишланиши туфайли янги эртак сюжетлари шаклланганлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Юсуф Қоратош, Айюб Акман каби фольклоршуносларнинг айрим ишларида ҳам “Минг бир кеча”нинг турк эртаклари сюжет тизими ривожига кўрсатган таъсири масаласи ёритилган<sup>2</sup>.

Маълумки, фольклоршуносликда, юқорида қайд этганимиздек, “Минг бир кеча” ўзбек тилига ўгирилиб, Ўрта Осиёга кенг тарқалгач, ўзбек халқ эртакларининг маълум бир қисми ана шу манбага бориб тақалувчи сюжетлар асосида шакллана бошлаган, деган илмий қараш мавжуд. Аммо “ўзбек халқи “Минг бир кеча” асари чиқмасдан илгари ундаги эртакларни оғзаки айтиб юрар эдилар”<sup>3</sup>. Асар таржима қилиниб, нашр этилгандан сўнг эса ўзбек халқи бу нодир асар билан тўла танишиш имкониятига эга бўлди. Балки, халқимизнинг саводхон қатлами, жумладан, илм аҳли араб ва форс тилларини яхши билганлиги сабабли ўша даврда таржимага зарурат бўлмаган бўлса керак.

“Минг бир кеча”нинг илк таржималари “Туркистон вилоятининг газети” рўзномасида берилган. “Бу газета саҳифаларида 1872 йил декабридан бошлаб

---

<sup>1</sup> Ziyat Abdülmecit Akkoyunlu. “Binbir Gece” Masallannın Türk Masallanna Tesiri. Hacettepe Üniv. Basılmamış Doktora Tezi. – Ankara, 1982; Шу муаллиф. Ziyat Abdülmecit Akkoyunlu. “Binbir gece” masallarının türk masallarına tesiri // PAÜ. Eğitim Fak. Derg.. – Denizli, 1996. Sayı:1. – S.1-11; Шу муаллиф. Arapça Kaynaklarından Binbir Gece Masalları Ve Türk Masallarına Tesiri. – Ankara, 2013.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Yusuf Karataş. Binbir Gece Masalları Üzerinde Bir Değerlendirme // Nüsha.Şarkiyat Araştırmaları Dergisi. – Ankara, 2009. – Vol.IX. Sayı/Issue: 28. – S.73-86; Eyüp Akman. Binbir gece masalları kaynaklı bir türk masalı: Cihansah/Cevahir Dağı // <http://turkoloji.cu.edu.tr>

<sup>3</sup>Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.140.

“Бир минг ва бир кечада айтилган афсоналар” номи билан ушбу асар таржимаси бериб борилган ва бу иш икки йилга яқин давом этган”<sup>1</sup>. Афсуски, китобдаги ҳамма ҳикоялар газетада тўла босиб чиқарилмаган бўлса-да, аммо бу илк таржима сифатида муҳим амалий ва илмий аҳамиятга эга эди. Ж.Шариповнинг “Ўзбекистонда таржима тарихидан” китобида келтирилган маълумотга кўра, бу газетада илмий ва бадиий таржима асарлари босилиб турган, газетадаги барча материалларни “Туркистон вилояти газети”нинг муҳаррири Шохмардон Иброҳимов таржима қилган. Бундан тахмин қилиш мумкинки, балки “Минг бир кеча”нинг илк таржимони Шохмардон Иброҳимов бўлса керак.

Исмоил Гаспринский муҳаррирлигидаги “Таржимон” газетасида ҳам “Минг бир кеча” китобидан таржималар берилган. Бу газета Қримда 1882 йилдан чиқарила бошланганлигини инобатга олсак, ушбу таржима мазкур асарнинг иккинчи ўғирмаси эканлиги аёнлашади. “Таржимон” газетаси ўзининг 50-сонидан бошлаб “Ҳикоя” рубрикаси остида “Минг бир кеча”нинг таржимасини боса бошлаган. Бу билан муштарийларни араб халқининг ажойиб адабий ёдгорлиги билан биринчи марта вақтли матбуотда таништирган”<sup>2</sup>. Бунда ҳам асардан қанча қисм босилганлиги ва таржимон ҳақида маълумотлар учрамайди.

“Минг бир кеча”нинг тўлиқ намунаси биринчи марта ўзбек шоири Сидқий Хондайлиқий томонидан таржима қилинган бўлса-да, аммо шоир таржимада “Минг бир кеча” китобининг форс тилига ўтирилган аслий вариантнинг анча қисқартирилган нусхасидан фойдаланганлигини қайд қилиб ўтган. Шу сабабли бу нусха тўлиқ ҳисобланмайди. Шоир Сидқий Хондайлиқий бу асарни “Алф лайла ва лайла” номи билан 1912 йилда Тошкентда нашр эттиради<sup>3</sup>. Икки жилддан иборат бу китобнинг биринчи

---

<sup>1</sup>Ўша асар. – Б.140-141.

<sup>2</sup>Ўша асар. – Б.186.

<sup>3</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари таҳлили (давр, таржима аниқлиги, услуб; таржимада аёллар характери акс эттириш муаммолари). – Тошкент: Фан, 2008. – Б.147.

жилди 350 саҳифа, иккинчи жилд 346 саҳифадан иборат бўлиб, у халқ орасида кенг шуҳрат қозонганлиги сабабли 1914 йилда яна қайта чоп эттирилади.

Таржимон Саид Аҳрор маҳдум ҳам Сидқий Хондайлиқийдан фарқли равишда, матн учун асос қилиб “Минг бир кеча”нинг араб тилидаги нусхасини олади. 1912 йилда Саид Аҳрор маҳдумнинг “Алф лайла ва лайла” китоби Тошкентда босилиб чиқади. Тадқиқотчи Г.А.Остонованинг аниқлашича, “Аҳрор маҳдум таржимасидаги айрим қисмлар асарнинг асл нусхасига тўғри келмайди, ўзгартирилган, унинг таржималарига форсий жумлаларнинг тузилиш тартиби ўз таъсирини ўтказган”<sup>1</sup>.

Бу китоб XX аср бошларида Хоразмда ҳам таржима қилинган бўлиб, у ҳақда тўлиқ маълумотлар сақланиб қолмаганлигини Ж.Шарипов қайд этиб ўтган<sup>2</sup>.

1960 йилларда “Алф лайла ва лайла”нинг Қоҳирада босилган энг мукаммал “Булоқ” нусхасидан фойдаланиб Солиҳ Муталибов, Юнусхон Ҳакимжонов, Абдусодиқ Ирисов ва Абдуфаттоҳ Расуловлар унинг ўзбек тилига тўлиқ таржимасини амалга оширишган ва бу китоб “Минг бир кеча” номи остида саккиз жилдан иборат ҳолда 1959 йилдан то 1963 йилгача нашр этилган. Биз илмий ишимизда ана шу таржима қилинган нусхадан фойдаландик. “Минг бир кеча” мажмуаси 2008-2009 йилларда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан, 2015 йилда “Ўзбекистон” нашриёти томонидан қайта нашр этилган. Дарҳақиқат, бу мажмуа халқимизнинг сеvimли асарларидан бирига айланди.

Тадқиқотимизнинг асосий ўрганиш объекти ўзбек халқ эртакларидаги “Минг бир кеча”дан ўзлашган “сайёр сюжетлар” бўлганлиги сабабли бу ўринда “сюжет миграция” ҳақида ҳам тўхталиб ўтамиз. Чунки, ўзбек

---

<sup>1</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари ўзбекча таржималарининг қиёсий тадқиқи (давр, услуб ва таржима аниқлиги муаммолари): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – Б.20-21.

<sup>2</sup> Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.140-141.

фольклоршунослигида “Минг бир кеча”ни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар айнан “сайёр сюжетлар” билан алоқадор.

Фин мактаби фольклоршунослари биринчилардан бўлиб муштарак сюжетларни ўрганишга қизиқа бошлаган. Бу мактаб тарафдорлари томонидан ишлаб чиқилган ва Европа фольклоршунослигида шаклланган “Миграцион назария” муштарак сюжетли асарларни ўрганишга киришди ва эпик сюжетлар тараққиётидаги ўхшашлик қонунияти исботлаб берилди. “Ҳар хил халқлар сўз санъатида муштарак эпик ҳодисалар фольклоршуносликда “миграцион назария”, “ўзлаштириш назарияси”, “кезувчи сюжетлар назарияси”, “сайёр сюжетлар назарияси” каби турли хил номлар билан аталувчи илмий йўналиш XIX асрнинг 50 йилларидан эътиборан Ғарбий Европа фольклоршунослигида “миграцион мактаб” номини олди<sup>1</sup>.

Ғарб ва Шарқ адабиётини қиёсий ўрганган олим В.М.Жирмунский ҳам жаҳон халқлари эртакларидаги ўхшаш сюжетли эртаклар ҳақида илмий мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилади. Олимнинг фикрига кўра, сеҳрли эртакларнинг ватани Яқин ва Ўрта Шарқ, деб ҳисоблайди. В.М.Жирмунский жуда кўп Осиё ва Европа халқларига мансуб машҳур сеҳрли, ҳайвонлар ҳақидаги ва новелестик эртакларнинг сюжети халқаро характерга эга эканлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Эртаклар мундарижаси, бадий шакли, тили, баён услубига кўра хилма-хил бўлиши бу эртакларнинг турли халқларга мансублиги ва ҳар хил даврларда яратилганлигидан далолат беради. Ҳар бир халқнинг миллий фольклоридаги муштарак мотивлар, эпик сюжетлардаги ўхшашлик А.Н.Веселовский таъкидлаганидек, ўз-ўзидан юзага келади, аммо бу мотивлар тизимидан ташкил топган эпик сюжетлардаги ўхшашлик адабий ўзаро таъсир натижасида ҳосил бўлиши ҳам мумкин<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.114.

<sup>2</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – С.340.

<sup>3</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л., 1940. – С.500-502.

Шарқ халқлари эртакларида ҳам ўхшаш мотив, образ ва муштарак сюжетлар кўплаб учрайди. Бу ҳодиса бир халқ эртаклари сюжетининг бошқа халқ фольклори томонидан ўзлаштирилиши оқибатида ёки тарихий-генетик муштараклик асосида юзага келади. Муштарак сюжетли эртаклар бадиий тил воситаларининг қўлланилиши, поэтик шакл ва ифода усули, эпик мотивлар таркиби ва образлар талқинининг ранг-баранглиги билан бир-биридан фарқланади.

“Минг бир кеча”даги эртаклар мундарижаси, бадиий шакли ва баён услубига кўра хилма-хил. Бу эса уларнинг турли халқларга мансублигини билдиради, ҳар хил даврларда вужудга келганлигидан далолат беради. Аммо бу эртакларнинг барчаси олий даражадаги камолот ва латофатга эга бўлиб, уларга махсус ишлов берилган. Ўзаро адабий таъсир ёки адабий алоқаларнинг сюжет ривожини таъминлашдаги бадиий эстетик ўрнини белгилаш билан ҳам қиёсий фольклоршунослик шуғулланади. Ўзбек халқ эртакчилигининг ривожидан ҳам мана шундай улкан манба бўлган “Минг бир кеча”нинг ўрни ниҳоятда каттадир.

Ўзбек фольклоршунослигида Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Ш.Шомусаров каби олимлар муштарак сюжетларнинг вужудга келиш сабабларини, “кўчиб юрувчи сюжет” ва мотивлар мавжудлигини, ўзбек фольклори эпик сюжетлари тизимининг шаклланишида араб адабиётининг кучли таъсирини илмий жиҳатдан ўрганишган.

Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси, халқ ижоди ва ёзма адабиёт муносабатлари масалаларини ўрганишга катта ҳисса қўшган таниқли олим Ғ.Жалолов ўз тадқиқотларида<sup>1</sup> ўзбек халқ эртакларининг ўзига хос хусусиятларини, бошқа фольклор жанрлари билан муносабатини, ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижодининг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги масалаларини илмий асосда ўрганиб чиқишга ҳаракат қилган.

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976.; Шу муаллиф.. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979; Шу муаллиф. Узбекский народный сказочный эпос. – Ташкент: Ўқитувчи, 1980



Ўзбек фольклоршунослиги тарихида ҳам илк бор Ғайрат Жалолов “Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат” монографиясида Ўрта Осиё халқлари фольклорига ҳинд адабиётининг таъсири масалаларини кенг планда ўрганишга ҳаракат қилган. Фольклоршунос олим ўзбек фольклори эпик жанрлар тараққиётига “Калила ва Димна”, “Веталининг йигирма беш ҳикояси” ва “Минг бир кеча” халқ китобларининг таржималари катта таъсир этганлигини аниқлайди ва “Веталининг йигирма беш ҳикояси”, “Калила ва Димна”, “Минг бир кеча” каби халқ китобларидаги ҳикоялар билан ўхшаш сюжетли ўзбек халқ эртакларини изоҳлаб тушунтиради<sup>1</sup>. Олим халқ эртаклари сюжетининг ривожланиши ва такомиллашувида Шарқ эртакчилиги анъаналари, хусусан, “Минг бир кеча” таркибига кирувчи эртаклар муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлар экан, “Вафо”, “Гулжамол”, “Камбағал хотиннинг ҳийласи”, “Тухматчилар жазоси”, “Тадбирли аёл”, “Сўлмас гул ёки вафодор хотин” сингари ўзбек халқ эртаклари “Минг бир кеча”нинг 593-596-кечаларида Шаҳризод томонидан ҳикоя қилинган эртак сюжетининг миллий трансформацияси натижасида шаклланганлигини айтади. Ғ.Жалолов кўпгина ўзбек халқ эртаклари ва халқ китоблари “Минг бир кеча”дан ўзлаштирилган сюжетлар асосида яратилган<sup>2</sup>, деб таъкидлайди. Олимнинг фикрига кўра, халқ китоблари маълум кишилар томонидан халқ эртаклари заминида яратилади. Қайта кўчириш ва таржима қилиш вақтида уларга давр руҳи сингдирилади. Халқ эртаклари халқчиллиги, оптимизм билан суғорилганлиги билан ажралиб туради. Халқ эртаклари интерпретацияга учраса ҳам ўзида миллий колоритни кучли сақлаб қолади.

Ўзбек халқ эртакларидаги “сайёр сюжет”ларни дунё халқлари фольклори тизимида тадқиқ этиш, фольклор алоқалари ва типологик муштараклик ҳодисаларини ўрганишга катта ҳисса қўшган Х.Эгамов ўзининг бир қанча

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.36.

<sup>2</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.153-154.

китобларида<sup>1</sup> ўзбек халқ эртакларининг сюжет тизимини қардош туркий халқлар фольклори билан солиштириб ўрганишга ҳаракат қилди. Сюжет кўчиши ҳодисаси ҳақида олим: “Бундай муштарак хусусиятлар бир-бирининг такрори бўлмай, балки эртакда содир бўлган ҳар бир воқеа, ғоя ва эпизодда мазкур халқнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уни қабул қилган халқ ўзига яқин бўлган қаҳрамон ёхуд воқеани ўз ижтимоий, иқтисодий ва географик шарт-шароитига, фалсафий, эпик қарашларига мослаштириб, у орқали ўзининг илғор идеаллари билан тўлиқ акс эттиради”<sup>2</sup>, - деб ёзган эди. Муштарак сюжетли бундай эртаклар маълум бир халқ томонидан яратилиб, бошқа халқларнинг оғзаки ижодига ҳам таъсир кўрсатади, уни бойитишга хизмат қилиб, бир халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналарини ўзида мужассамлаштиради. Маълумки, ҳар бир эртакда ўша халқнинг турмуш тарзи, анъаналари ва бадий тафаккурининг ўзига хос бўлган қирралари умумлаштирилганлиги учун ҳам ҳар бир халқ эртакчилиги анъаналари специфик хусусиятлари билан ажралиб туради. Аммо бу эртакларнинг аксарияти жуда қадимда яратилганлиги ва узок тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтганлиги учун ҳам муштарак сюжет асосида эртаклар келиб чиқишига кўра қайси этносга мансублигини белгилаш ғоят мушкул. Бундай муштарак сюжетлар айнан такрорий ҳодиса бўлмай, балки ўзлаштириш жараёнида ҳар бир эртакда миллий колорит сақланиб қолади. Яъни “бу каби адабий ўзлаштирув бевосита танишув ёки таржима орқали вужудга келади”<sup>3</sup>: Асрлар ўтиши билан эртаклар сюжет тизими ҳам турли

---

<sup>1</sup> Эгамов Х. Сайёр сюжетлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. Шу муаллиф. Ранг-баранг олам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.42-43; Шу муаллиф. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

<sup>2</sup> Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.281

<sup>3</sup> Кароматов Х. “Қуръон” ва ўзбек адабиёти. – Тошкент, 1993. – Б.14.

ўзгаришларга учрайди. Олим “Минг бир кеча” таъсирида шаклланган ўзбек халқ эртакларини ҳам қисман таҳлилга тортган<sup>1</sup>.

М.Жўраев 2009 йилда “Фан” нашриёти томонидан чоп этилган “Фольклоршунослик асослари” ўқув қўлланмасида “сайёр сюжетлар” назарияси ҳақида маълумотлар бериб, фольклоршуносликда турли халқлар фольклорида учрайдиган муштаракликнинг барчаси “адабий ўзлаштириш маҳсули” сифатида қаралганлигини, типологик муштаракликлар эса “сюжетларнинг кўчиши“ ёки “фольклор элементларининг миграцияси натижасида юзага келиши” деб баҳоланганлиги қайд этади. Унинг фикрича, “Минг бир кеча”нинг таржима қилиниши ва халқ оммаси орасида тарқалиши натижасида араб эртакчилигига хос бўлган кўплаб сюжетлар ўзбек эртакчилари репертуарига кўчган”<sup>2</sup>.

Ўзбек фольклорининг дунё халқлари оғзаки ижоди анъаналари билан ижодий алоқалари бугунги кунда кенг ўрганилмоқда. Минг бир кеча”нинг ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида ўрганилиши масаласига тўхталганда, ҳам, аввало, биринчи навбатда, арабларнинг халқ оғзаки ижодини изчил тадқиқ этиб келаётган таниқли шарқшунос Ш.Шомусаровнинг ишларини тилга олиб ўтиш лозим бўлади. Хусусан, ўзбек-араб фольклори алоқалари тизимида сюжет кўчиши ҳодисасининг юзага келиши, бу эпик жараённинг ўзига хос эстетик қонуниятлари, тарихий-тадрижий ривож масалалари Ш.Шомусаров томонидан бир қатор мақола ва асарларида тадқиқ этилган. Фольклоршунос олим ҳам араб ва ўзбек халқ эртакларинининг сюжет тизимини қиёсий ўрганган. Аммо, олим Ш.Шомусаров Ўрта Осиёда яшаган Бухоро арабларининг эртакларини ва “Минг бир кеча”даги айрим эртакларни туркий халқлар фольклоридаги эртаклар билан қиёслайди.

---

<sup>1</sup>Эгамов Х. Сайёр сюжетлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. Шу муаллиф. Ранг-баранг олам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.42-43; Шу муаллиф. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

<sup>2</sup> Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.77.

Араб фольклори ва ёзма манбаларининг ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодига таъсири масаласини махсус ўрганган фольклоршунос олим Ш.Шомусаров араб фольклори, хусусан, эртақчилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари, эртақлар сюжетининг тарихий асослари ва мавзу типлари, эртақлар таснифи ва образлар таркиби<sup>1</sup>, Арабистон ярим ороли ва Ўрта Осиёда яшайдиган араблар фольклорининг тарихий-генетик ҳамда типологик муштараклиги<sup>2</sup>, туркий халқлар фольклоридаги араб эртақлари сюжетининг эпик трансформацияси<sup>3</sup>, араб-ўзбек фольклор алоқаларининг тарихий асослари, ўзбек ва араб халқ оғзаки бадиий ижоди, шу жумладан, эртақчилик анъаналарининг қиёсий тадқиқи<sup>4</sup> каби масалаларни чуқур ўрганган. Шунингдек, унинг М.Жўраев билан ҳамкорликда яратилган “Ўзбек мифологияси ва араб фольклори”<sup>5</sup> номли асарида ўзбек фольклорига араб адабиётининг таъсири масаласи асотирий образларнинг бадиий талқини таҳлили мисолида ёритилган.

Профессор Ш.Шомусаров тўғри таъкидлаганидек, муштарак сюжетли эртақлар муайян бир халқ эртақлари сюжетидаги маълум бадиий элементларнинг иккинчи бир халқ фольклори томонидан ўзлаштирилиши (сюжет элементларининг кўчиши) ёки турли ҳудудларда яшовчи, этник келиб чиқиши ва диний мансубиятига кўра бир-биридан кескин фарқланувчи бир гуруҳ халқларнинг турмуш тарзи, воқеликка эстетик муносабати, бадиий

---

<sup>1</sup> Шомусаров Ш. Арабская новеллистическая сказка (идеи образы) // Материалы международной научной конференции. – Бишкек, 1996. – С.108-112; Шу муаллиф. Поэтика и типология арабской народной сказки. – Тошкент, 2019. – С. 238.

<sup>2</sup> Шомусаров Ш. Сравнительно-типологическое изучение современных арабских сказок и сказок арабов Средней Азии // Восток. – М., 2003. – №1. –С.112-124; Шу муаллиф. Специфические особенности фольклорных связей тюркских народов Центральной Азии и среднеазиатских арабов // Восток. – М., 2009. – №1. – Б.124-132;

<sup>3</sup> Шомусаров Ш. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – С. 304.; Шу муаллиф. Араб ва туркий халқлар эртақлари сюжетининг қиёсий таҳлили // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳарир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.521-533.

<sup>4</sup> Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №4. – Б.38-44; Шу муаллиф. Араб ва ўзбек халқ эртақлари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №5. – Б.24-28; Шу муаллиф. Араб-ўзбек фольклор алоқалари // Республика илмий коллоквиуми маърузалари тўплами. – Тошкент, 1997. –Б.125-127; Шу муаллиф. Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили: Филол. фанлари док. дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Шу муаллиф. Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили. – Тошкент, 2002.

<sup>5</sup> Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001.

тафаккур усулининг ўхшашлигидан ҳам келиб чиқади<sup>1</sup>. Турли халқлар фольклоридаги бундай муштараклик илмий манбаларда типологик, генетик, ижодий ўзлаштириш ва ўзаро адабий таъсир шаклларида ўрганилади. Фольклоршунос Ш.Шомусаров араб ва туркий халқлар эртаклари сюжет тизимидаги муштараклик эртакларни жонли оғзаки ижро орқали ва китобат қилинган адабий эртаклар орқали тарқалганлиги қайд этади. VIII асрларда яратилган “Ҳазор афсона” IX асрларда араб тилига таржима қилинади ва “Минг бир кеча” деб номлана бошланади. XVI асрлардан бошлаб бу асар бошқа тилларга таржима қилина бошланган бўлса ҳам, “Минг бир кеча”нинг яратилишига асос бўлган эртаклар таржима этилмай туриб ровийлар томонидан оғзаки ҳолатда айтилиб халқ эртакларининг эпик қатламига сингиб кетган эди.

“Араб ва туркий халқлар эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили”ни ўрганган олим Ш.Шомусаров Ўрта Осиёда яшаган Бухоро араблари эртаклари ва қисман “Минг бир кеча”нинг туркий халқлар эртақларига кўрсатган таъсирини илмий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилган. У ўзининг араб фольклорига бағишланган дастлабки тадқиқоти - “Араб фольклори” китобида ўрта аср араб халқ адабиётининг манбалари, жанрий таркиби ва ўрганилиши тарихи масаласини ёритар экан, “Алф лайла ва лайла”нинг шаклланишига асос бўлган бирламчи манбалар ва унинг тараққиёти босқичлари Бағдод ва Қоҳира эртақчилиги билан боғлиқлигини аниқлаган эди<sup>2</sup>. Ш.Шомусаров араб ва туркий халқлар эртаклари сюжет таркибидаги эпик муштаракликнинг кейинги қатлами бевосита араб эртаклари мажмуаси “Алф лайла ва лайла”нинг туркий тилга таржима қилиниши билан алоқадор, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Унинг тадқиқотлари натижасида ўзбек халқ эртакларининг сюжет тизимида бир неча эпик

---

<sup>1</sup> Шомусаров Ш. Араб-ўзбек алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 3-сон. – Б.38-41.

<sup>2</sup> Шомусаров Ш. Араб фольклори. – Тошкент, 1992. – Б.86.

<sup>3</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фанлари док. дисс. автореф. – Тошкент, 2002.

катламлар мавжуд бўлиб, шулар орасида “Минг бир кеча”дан ўтган “сайёр сюжет”лар асосида юзага келган эртаклар алоҳида ўрин тутади. Сайфулмулук, Гул ва Санобар, Аловиддин ва унинг сеҳрли чироғи, Синдбод, одам тилини тушунадиган қарға каби бир қатор эртакларнинг замини бевосита араб фольклорида эканлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Унинг тадқиқотларида араб эртаклари сюжетининг эпик трансформацияси масаласини, нафақат ўзбек, балки Ўрта Осиё туркий халқлари фольклори контекстида таҳлил қилишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, “Минг бир кеча” таркибидаги эртакларнинг Ўрта Осиё араблари оғзаки ижодидаги бадиий талқинлари, бу адабий манбадаги материаллар қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва ўзбек фольклорида бир қатор янги эртакларнинг шаклланишига асос бўлганлигини аниқлаш асосида, эпик сюжетлар миграциясига фақатгина жонли оғзаки ижро билан бир қаторда таржима амалиёти ҳам кучли таъсир кўрсатган, деган муҳим илмий хулоса чиқарилган<sup>2</sup>. Бундан ташқари, Ш.Шомусаровнинг кейинги тадқиқотларида<sup>3</sup> эртак жанрининг араб фольклорида тутган ўрни ҳамда араб эртакларининг поэт хусусиятларини ёритиш масаласи ҳам муҳим ўрин тутганлигини кўрамиз. Ш.Шомусаровнинг энг муҳим илмий хулосаларидан бири шундан иборатки, у ўзбек ҳамда араб эртакларининг сюжетидаги ўхшашликнинг юзага келишига қуйидаги омиллар асос бўлган, деб ҳисоблайди: “а) эртак

---

<sup>1</sup> Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №4. – Б.38-44; Шу муаллиф. Араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №5. – Б.24-28; Шу муаллиф. Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили. – Тошкент, 2002; Шу муаллиф. Араб ва туркий халқлар эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.521-533.

<sup>2</sup> Шомусаров Ш. Специфические особенности фольклорных связей тюркских народов Центральной Азии и среднеазиатских арабов // Восток. – М., 2009. – №1. – Б.124-132; Шу муаллиф. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – С.304.

<sup>3</sup> Шомусаров Ш. Арабская новеллистическая сказка (идеи, образы) / Материалы международной научной конференции. – Бишкек, 1996. – С.108-112; Шу муаллиф. Поэтика и типология арабской народной сказки. – Ташкент, 2019. – С.238.

сюжетларининг жонли оғзаки ижро орқали тарқалиши; б) китобат қилинган адабий эртаклар, биринчи навбатда, “Минг бир кеча” мажмуасининг Ўрта Осиё халқлари орасида оммалашиши”<sup>1</sup>. Фольклоршунос олим араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий таҳлил қилади”<sup>2</sup>. Бизнинг диссертациямиздан фарқли равишда Ш.Шомусаров Ўрта Осиёда яшаган Бухоро арабларинг эртакларини, “Минг бир кеча”даги айрим эртакларни туркий халқлар фольклоридаги эртаклар билан қиёслайди.

Араб халқ китоблари – сийралар тадқиқотчиси Т.А.Мухторов тунислик адиб Махмуд Таршун томонидан нашрга тайёрланган “Юз бир кеча эртаклари” номли араб эртаклари мажмуасини “Минг бир кеча” билан қиёсий таҳлил қилиш асносида ушбу тўпламнинг 1911 йилда француз шарқшуноси Морис Годфруа-Демомбин тарафидан аниқланган бешта кўлёмасининг энг эскиси 1776 йилда кўчирилганлигини, халқ орасида кенг шуҳрат қозонган бу икки мажмуа қолипловчи ҳикоя асосига қурилганлигини аниқлаган<sup>3</sup>.

Муштарак сюжетли эртаклар турли халқларда кўплаб учраса ҳам, бироқ улар қанчалик ўхшаш бўлмасин, бадий шакли, образлар талқини, тил воситалари жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Уларда ҳар бир халқнинг ўзига хос анъаналари, миллий колорити, фалсафий эстетик қарашлари намоён бўлади. У ёки бу халқнинг бир хил иқтисодий, ижтимоий-тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги бир хилдаги ўхшаш сюжетларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Халқ эртаклари барча халқлар оғзаки ижодига хос қадимий жанр бўлганлиги учун, ҳар бир халқнинг эртакларида мазкур халқнинг дунёқараши, турмуш тарзи маълум даражада ўз ифодасини топади.

---

<sup>1</sup>Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. – Б.252.

<sup>2</sup> Шомусаров Ш. /Араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий тадқиқи. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. №5.

<sup>3</sup> Мухтаров Т.А. Сказки сто одной ночи // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2005. – №10. – Вып.1. – С.110-116.

Шарқ миллий анъаналарининг ўзига хослиги аввал ҳинд, форс, кейин араб ва ниҳоят туркий, жумладан, ўзбек тилидаги ривожда намоён бўлади. Адабиётшунос олим Ҳ.Кароматовнинг қайд этишича, араб ва ноараб (форс ва туркий забон) адабий оқимларининг тўқнашуви, ўзаро сингиб бориши ва ўзаро таъсир жараёнида мусулмон адабиётлараро муштараклик вужудга келади, жаҳон адабиёти матнида ўзига хос, Ғарб адабиётига ҳам таъсир ўтказувчи мавқени шакллантиради<sup>1</sup>. Демак, адабий муштараклик вужудга келмасдан туриб, халқ оғзаки ижоди орқалиёқ бир халқ иккинчи бир халқнинг ижодига таъсир кўрсатган, бунинг дастлабки намуналари олис ўтмиш замонларга бориб тақалади. “Минг бир кеча” таркибидаги эртаклар ҳам асли араб халқига мансуб деб топилган бўлса-да, бу асарда турли халқларга оид муштараклик мавжуд. Манбаларга кўра, Шарқ адабиётининг ривожланиши Хитойдан бошланиб, уч минг йилдан ортиқ тарихга эга деб келинади. Кейин ҳинд, форс, араб ва ниҳоят туркий тилда яратилган адабиёт майдонга келган деб ҳисобланилади<sup>2</sup>.

“Минг бир кеча”нинг ўзбек тилига таржима қилиниши ҳамда халқ орасида кенг тарқалиши натижасида маданий-адабий муҳитга кўрсатган таъсири масаласи шарқшунос олима Г.А.Остонова томонидан кўп йиллардан буён изчил ўрганиб келинмоқда. У ўзининг бир қатор илмий мақолалари, номзодлик диссертацияси ва шу асосда нашр этилган монографиясида “Минг бир кеча”нинг Сидқий Хондайлиқий, Саид Аҳрор маҳдум, Солиҳ Муталлибов ва бошқа мутаржимлар тарафидан қилинган ўзбекча таржималарини қиёсий-матний таҳлил қилиб, ҳар бир таржиманинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаган. Таҳлил натижасида, таржимонлар асардаги бадиий воситаларни ўзбек тилига ўгиришда “тасвирий воситаларни, айни, ўзгартирмасдан олиш, янги муқобил вариант қўллаш, қисқартириб кетиш, қўшимча тасвирий восита қўллаш, бадиий бўёқларни қуюқлаштириб

---

<sup>1</sup> Кароматов Ҳ. “Қуръон” ва ўзбек адабиёти. – Тошкент, 1993. – Б.5.

<sup>2</sup> Шомухаммедов Ш. Сўзбоши / Минг бир кеча. – Тошкент, 1980. – Б.5.



бериш”га ҳаракат қилишгани аниқланган<sup>1</sup>. Унинг илмий мақолаларида “Минг бир кеча”да аёллар образининг бадиий талқини ва унинг таржимада акс эттирилиши<sup>2</sup>, шеърий матнларни ўзбек тилига ўгиришда таржимон маҳорати<sup>3</sup>, ушбу мажмуанинг шаклланиш тарихи, моҳияти ва ундаги фольклор жанрлари таснифи<sup>4</sup>, “Минг бир кечанинг ўзбек адабиётига таъсири<sup>5</sup> каби масалалар кўриб чиқилган. Унинг изланишлари натижасида олинган илмий натижалар ва хулосалар олиманинг монографик тадқиқотларида<sup>6</sup> умумлаштирилган.

Г.А.Остонованинг О.Рашидова билан ҳамкорликда ёзган мақоласида “Минг бир кеча” эртакларида тасвирланган турли тоифага мансуб шарқ аёллари образининг ўзига хос бадиий ифодаси хусусида сўз юритилган.<sup>7</sup>

---

<sup>1</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари ўзбекча таржималарининг қиёсий тадқиқи (давр, услуб ва таржима аниқлиги муаммолари): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – Б.7-8.

<sup>2</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асарида аёллар образи талқини // Шарқшунослик. – Тошкент, 2006. – №1. – Б.52-55; Шу муаллиф. Канизак Таваддуд – шарқ донишманд аёллари тимсоли // БухДУ Илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ нашри, 2007. – №3. – Б.39-41; Шу муаллиф. “Минг бир кеча” асаридаги аёллар образи хусусида // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2008. – №10. – Б.104-106.

<sup>3</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асарида шеърий матнлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 2007. – №1. – Б.41-45; Шу муаллиф. “Минг бир кеча” асари шеърий матнлар таржимаси тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №1. – Б.77-79.

<sup>4</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча» асари ҳикоятлари таснифи // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2008. – №2. – Б.54-56; Шу муаллиф. “Минг бир кеча”да тарихий воқеаларнинг бадиий ифодаси // БухДУ. Илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ нашри, 2009. – №1. – Б.15-17; Шу муаллиф. “Минг бир кеча асаридаги Миср ҳикоятлари таҳлили // БухДУ. Илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ нашри, 2011. – №1. – Б.36-39; Шу муаллиф. “Минг бир кеча”асарининг яратилиши хусусида // Филология масалалари. – Тошкент, 2013. – №6. – Б.100-102.

<sup>5</sup> Остонова Г.А. Алишер Навоий ижодида “Минг бир кеча” // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2011. – №4. – Б.37-41; Шу муаллиф. “Минг бир кеча”нинг ўзбек адиблари ижодига таъсири // Шарқ машъали. – Тошкент, 2011. – №1. – Б.13-15; Шу муаллиф. “Минг бир кеча”эртаклари ва “Шум бола” асари хусусида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2012. – №2. – Б.92-95.

<sup>6</sup> Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари таҳлили (давр, таржима аниқлиги, услуб; таржимада аёллар характери акс эттириш муаммолари). – Тошкент: Фан, 2008. – Б.147; Шу муаллиф. Шедевр восточной литературы (монография) // Amazon.com. Paperback – April 17, 2020.

<sup>7</sup> Останова Г., Рашидова О. “Bin bir gece” eserinde kadın karakterindeki doğu nefaseti // Dil ve edebiyat araştırmaları I. Karabük Üniversitesi yayınları: 53. – Karabük, 2020. – Б.211-214.

Г.Останова ва Н.К.Рахимованинг “Минг бир кеча” асарида Ироқ ҳикоятлари таснифи” номли мақоласида аслида Бағдод ва унинг атрофларидаги худудларда яратилиб, кейинчалик ушбу мажмуа таркибидан ўрин олган эртаклар гуруҳи тасниф қилинган<sup>1</sup>.

2002 йилда “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида Гулнора Остонованинг “Минг бир кеча” асарида ривоят услуби” мақоласи эълон қилинади. Г.Останова мақолада тўпламдаги эртаклар турли халқларга мансуб бўлса-да, аммо ундага қарийб барча қиссаларнинг бошланишида бир хил ривоят усули сезилишини баён этади. Ҳикоя қилиш усули шу қадар мароқли бўлганлиги сабабли бу асар шу қадар шухрат топган бўлса ажаб эмас. Аммо бу мақола орқали билишимиз мумкинки, “Минг бир кеча”даги ривоят қилиш услубини ўрганиш яна алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Бу мақолада асарнинг шакли алоҳида ўрганилиши назарда тутилган бўлса ажаб эмас. “Минг бир кеча” эртакларида унинг мазмунидан ҳам шаклига, сўз безамасига кўпроқ аҳамият берилганлиги, муболаға, жонлантириш каби санъатлардан усталик билан ўринли ва самарали фойдаланилганини кўрамиз. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, “Минг бир кеча”ни жаҳонга машҳур қилган хусусиятларидан бири ҳам мана шу сўз сеҳри, унинг гўзал ташбеҳлари, хайратбахш муболағалари, ҳикоячиликда эришган юксаклигидир”<sup>2</sup>.

Хулоса қилиш мумкинки, “Минг бир кеча” жаҳон олимлари томонидан анча жиддий ўрганилган бўлса-да, ўзбек фольклоршунослигида фақатгина бу асар асосида юзага келган “сайёр сюжетлар”га эътибор қаратилган ва шу асосда маълум бир илмий тадқиқотлар юзага келган. Шу сабабли ҳам “Минг бир кеча”нинг ўзбек эртакчилиги ва эртакчилар репертуарига таъсири масаласини монографик аспектда махсус ўрганиш фольклоршуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Чунки, айнан “Минг бир кеча”

---

<sup>1</sup> Останова Г.М., Рахимова Н.К. “Минг бир кеча” асарида Ироқ ҳикоятлари таснифи // Сўз санъати. – Тошкент, 2019. – №4. – Б.81-88.

<sup>2</sup> Останова Г. “Минг бир кеча” асарида ривоят услуби // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – 2-сон. – Б.55-56.

таъсирида кўплаб ўзбек халқ эртаклари юзага келган ва бу ижодий жараён нафақат халқ оғзаки ижоди, балки ёзма адабиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсири ўтказган.

Диссертация ишининг биринчи боби юзасидан қуйидаги умумий хулосаларни чиқардик:

1. Шарқ халқлари фольклори ва ёзма адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган адабий ёдгорликлардан бири “Минг бир кеча” бўлиб, у бевосита жонли ижро ҳолатида ёзиб олинган эртаклардан тузилган жамланма эмас, балки шаклланиш тарихига кўра турли даврларни ўз ичига қамраб олган кўпқатламли эпик сюжетлар асосига қурилган халқ эртакларининг бадиий жиҳатдан қайта ишланган мажмуасидир. Жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида “Минг бир кеча”нинг яратилиш жараёни, манбалари ва шаклланиш босқичлари ҳақида турли хил илмий қарашлар илгари сурилган бўлиб, жумладан, А.Сальхани, А.К.Горстер, А.Е.Крымский, М.А.Салье, И.Эструп, М.Герхард, И.М.Фильштинский, В.В.Лебедев, Ш.Хасен, Ш.Шомусаров сингари араб фольклори ва адабиёти тарихи билан изчил шуғулланган мутахассисларнинг яқдил эътироф этишларича, “Минг бир кеча” таркибидлаги эртаклар сюжетининг илк манбаи қадимги ҳинд оғзаки ижодига бориб тақалади.

2. “Минг бир кеча”нинг яратилишига асос бўлган қадимий манбалар ва бу адабий мажмуанинг шаклланиш босқичларига доир илмий қарашларни умумлаштирган ҳолда бу жараён X асрда бошланиб, XIV охири – XV аср бошларида Қоҳирада ўз ниҳоясига етказилган, деган хулосага келдик. Мавжуд илмий манбаларда “Минг бир кеча”нинг шаклланиши жараёни қуйидаги уч босқичга бўлиб тавсифланади: а) бевосита ҳинд фольклори материаллари таъсирида шаклланган ҳамда X асрда ёки ундан ҳам аввалроқ араб тилига таржима қилинган форс эртаклари, шунингдек, ўша даврда араб тилида яратилган илк эртаклар; б) Бағдод ва унинг атрофларидаги ҳудудларда тахминан X-XII асрларда тўқилган турли ҳажмдаги эртаклар; в)

XIII-XV асрлар оралиғида Қоҳира ва унинг атрофида яратилган араб эртаклари.

3. “Минг бир кеча” мажмуаси таркибидаги эртаклар сюжетининг этномаданий асослари ва эпик трансформациясини ўрганиш асосида ушбу ёдгорликнинг шаклланишига асос бўлган дастлабки манба ҳинд фольклоридир, деган илмий қараш тўғрилиги далилланди. Ўрта асрлар араб халқ адабиёти билан қадимги ҳинд эртакчилиги анъаналари ўртасида бевосита боғлиқлик бўлмаса-да, уларнинг ўзаро тарихий-ворисий алоқадорлигида паҳлавий адабий-фольклорий манбалари оралиқ тип, яъни сюжет кўчимини таъминловчи ўрта бўғин вазифасини ўтаган. Ҳиндистонда яратилган “Веда”, “Упанишад”, “Тўтинома” ва унинг асосий манбаи ҳисобланган “Шукасапрати” (яъни “Етмиш тўти”, ёки “Тўтининг етмиш ҳикояси”), “Панчатантра” (Бешкитоб), “Хитопадеша” (Яхши маслаҳат), “Веталапанчаиншати” (Веталининг йигирма беш ҳикояси), “Синасанадватриншати” (Шоҳона тахтнинг ўттиз икки ҳикояси), “Бхаратакадватриншати” (Рухонийларнинг ўттиз икки тарихи), “Калила ва Димна”, “Синдбоднома” каби асарлардаги айрим эртак, афсона, ривоят, нақл ва ҳикоятларнинг паҳлавий тилига таржима қилиниши, бу эпик сюжетлар халқ орасида оғзаки йўсинда кенг тарқалиб, қайта ишланиши ҳамда миллий версиялар шаклланиши натижасида “Ҳазор афсона” номли форс эртаклари мажмуаси юзага келган. “Ҳазор афсона” эса араб тилидаги “Минг бир кеча”нинг яратилишига асос бўлган энг муҳим манба ҳисобланади.

4. “Минг бир кеча” мажмуасининг шаклланиши ва мукаммал ҳолатга келишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган учинчи манба араб халқ эртакларидир. “Минг бир кеча”нинг тугал ҳолга келишига айнан араб фольклорининг ўзига хос жанрларидан бири ҳисобланган халқ эртаклари асосий манбалардан бири вазифасини ўтаган. X-XII асрларда Бағдод ва унинг атрофларида яратилган эртаклар “Минг бир кеча”нинг дастлабки тўпламини бойитишга хизмат қилган бўлса, бу адабий ёдгорликнинг мукаммал ҳолга келиши XIII-XIV асрлардаги Миср эртакчилиги билан бевосита боғлиқ.

5. “Минг бир кеча”нинг жаҳон ва рус филологиясида ўрганилиши масаласига доир илмий адабиётлар ва манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу адабий манбанинг дунё тилларига таржима қилиниши ва нашр этилиши бу ёдгорлик кенг кўламда илмий тадқиқ этилишига асос бўлган. Бу китобнинг таркиби, юзага келиши тарихи, манбалари, тарихий тараққиёти ва эртақларнинг филологик таҳлили Ирме Эструп, А.Крымский, А.Сальхани, Сильвестер де-Саси, Йозеф фон Хаммер-Пургшталь, А.Гартман, Луи-Матьё Лангес, Август Вильгельм Шлегель, Лоазлер де’Лоншан, Иоганн Гильдемайстер, Уильям Лайн, Михаэл Ян де Гуге, Фридрих Август Мюллер, К.Броккельманн, А.К.Горстер, М.Герхард, М.Салье, И.М.Фильштинский каби олимлар томонидан жиддий ўрганилган. Айниқса, араб эртақчилиги анъаналарининг шаклланиши тарихи ва ўзига хос бадий анъаналари, эртақларнинг мавзу типлари, сюжет ва образлар талқини ҳақида жиддий илмий қарашларни илгари сурган М.Герхарднинг “Минг бир кеча”нинг шаклланишини тўрт босқичга, яъни а) ишқий мавзудаги форс эртақлари; б) илк араб эртақлари; в) Бағдодда яратилган новеллистик ва саргузашт типдаги эртақлар; г) хаёлий-фантастик мавзудаги Миср эртақларига бўлиб таснифлаши фольклоршунослик учун муҳим назарий аҳамиятга эга.

6. “Минг бир кеча”нинг юзага келишига асос бўлган эртақлар сюжетида юнон фольклорининг ҳам маълум даражада таъсири борлиги ҳақидаги илмий гипотезани илгари сурган Г.Э.Грюнебаумнинг тадқиқоти, бу асар таркибидаги эртақларининг қадимги ва ўрта аср араб миллий маданияти ва менталитетини ўрганишдаги аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилган И.А.Липатова, А.И.Назарова ва С.Цвейгнинг ишлари, “Минг бир кеча”нинг ёзма адабиётига таъсири ва араб эртақларининг интертекстуал алоқаларига бағишланган Мунира Кхерибиш, М.В.Русакова ва Абдаль ати Ханафи Муҳаммад Абдалланинг тадқиқотлари, шунингдек, В.И.Беляев, Ф.А.Исаева ва Ж.Р.Темуровнинг “Минг бир кеча” эртақлари тилидаги араб диалектизмлари ва антропонимларининг лингвистик таҳлиliga доир асарлари бу адабий ёдгорликни турли ракурсларда ўрганишни бошлаб берди.

7. “Минг бир кеча”нинг адабий-бадий асар сифатидаги моҳияти ва миллий фольклор анъаналарига таъсири Лейла Музакир кизи Байрамова ёритган бўлса, М.Маммедов “Минг бир кеча” сюжетлари асосида яратилган озарбайжон эртакларини аниқлаган. И.Рустамзоданинг тадқиқотлари натижасида “Имом”, “Хоса Фаттоҳ”, “Шамсу Қамар”, “Сейфулмалик”, “Ҳалоллик”, “Ҳалол умр”, “Икки қардош” каби озарбайжон эртаклари “Минг бир кеча” сюжетларининг эпик трансформацияси натижасида вужудга келганлиги исботланган. Шунингдек, Атия Назли, Зияд Абдулмажид Аккойунли, Юсуф Қоратош, Айюб Акман каби турк фольклоршунослари ҳам “Минг бир кеча”нинг турк эртаклари сюжет тизими ривожига кўрсатган таъсири масаласини ёритишган.

8. “Минг бир кеча”нинг ўрта аср араб халқ адабиёти контекстида тутган ўрни, унинг таркибидаги эпик асарларнинг жанрий таснифи, сюжет типлари ва персонажлар талқини, араб ва туркий халқлар эртакларининг қиёсий типологияси каби масалалар шарқшунос олим Ш.Шомусаров томонидан ўрганилган бўлса, Г.А.Омонованинг илмий тадқиқотларида “Минг бир кеча” таржималарининг қиёсий-текстологик таҳлили амал оширилди ҳамда бу адабий ёдгорликдаги аёл персонажларнинг бадий ифодаси чуқур тадқиқ этилди. Ўзбек халқ эртакларидаги келиб чиқишига кўра “Минг бир кеча” билан алоқадор “сайёр сюжет”лар Х.Эгамов, Ғ.Жалолов, М.Жўраевларнинг ишларида ёритилган бўлиб, бу тадқиқотларда муайян эртаклар “сюжетларнинг кўчиши“ ёки “фольклор элементларининг миграцияси натижасида юзага келганлиги кўрсатиб берилган.

## II боб

### “МИНГ БИР КЕЧА” ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯСИ

#### 2.1. Араб ва ўзбек мажозий эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили

Мустақиллик шарофати билан ўзбек фольклоршунослигида ҳам ўзбек халқ оғзаки ижодини дунё халқлари фольклор тизимида тадқиқ этиш, фольклор алоқалари ҳодисасини ёритиб бериш учун кенг имкониятлар яратилди. Қиёсий фольклоршуносликнинг анъанавий таркибий қисмларидан бири компаративистик – қиёсий адабиётшунослик дунё халқлари фольклоридаги муштарак сюжетларни юзага келиш қонуниятларини ўрганар экан, бунда турли халқлардаги ўзаро ўхшаш мотив ва сюжетга эга эртакларнинг келиб чиқиши ва бир-бирига таъсири масалаларига асосий эътиборини қаратди.

“Минг бир кеча”даги эртаклар мундарижаси, бадиий шакли ва баён услубига кўра хилма-хил. Бу эса уларнинг турли халқларга мансублигини билдиради, ҳар хил даврларда вужудга келганлигидан далолат беради. Аммо бу эртакларнинг барчаси олий даражадаги камолот ва латофатга эга бўлиб, уларга махсус ишлов берилган. Ўзаро адабий таъсир ёки адабий алоқаларнинг сюжет ривожини таъминлашдаги бадиий эстетик ўрнини белгилаш билан ҳам қиёсий фольклоршунослик шуғулланади. Эртаклардаги бу ўхшашлик дунё халқларининг қадимдан маданий-иқтисодий алоқада бўлиб келганлигини, тарихий тараққиётнинг маълум қонуният билан ривожланишини кўрсатади. Баъзан ҳатто бир халқ эртаклари ўртасида ҳам сюжет ва композицион яқинлик кучли бўлади. Бу яқинликни эса халқ оғзаки ижодининг вариантлик, анонимлик, оғзакилик, оммавийлик каби ўзига хос хусусиятлари билан изоҳлаб тушунтириш мумкин. Чунки вариантлик туфайли бир халқ эртаги бошқа бир неча эртакнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида сюжет ва композицияда ўхшашлик келиб чиқади.

Ҳар қандай ўзаро алоқалар тарихий-ижтимоий заминга эга бўлади. М.Жўраев ва Ш.Шомусаровларнинг таъкидлашларича, ижтимоий зарурат туфайли икки халқ фольклорининг ўзаро бир-бирига таъсири эстетик эҳтиёжга боғлиқ бўлади. “Ана шу эстетик қонуниятларга суйанган ҳолда дунё халқлари фольклори эпик сюжетининг Ўрта Осиё туркий халқлари оғзаки ижодиётида оммалашиб жараёнини таҳлил қилиш, образ ва мотивлар эпик табиатида рўй берган функционал-семантик ўзгаришларни аниқлаш мумкин”<sup>1</sup>.

Турли халқлар фольклоридаги эпик сюжетлар муштараклигининг юзага келишига мифологик тасаввурлар асосида шаклланган илк сюжетлар тизими асос бўлади. Фольклоршунослар томонидан ўзбек фольклорининг дунё халқлари оғзаки ижоди анъаналари билан ижодий алоқалари, хусусан ўзбек-араб фольклор алоқалари тизимида сюжет кўчиши ҳодисасининг юзага келиши, бу эпик жараённинг ўзига хос эстетик қонуниятлари ва тарихий-тадрижий ривож масалалари бугунги кунда кенг ўрганилмоқда. Аммо, ўзбек халқ эртаклари, афсона, ривоятлари, халқ китобларига араб фольклоридан ўтган катта эпик қатлам мавжуд<sup>2</sup>.

Маълумки, “Алф лайла ва лайла” номи билан машҳур бўлган “Минг бир кеча” араб эртаклари мажмуаси халқимизнинг сеvimли асарларидан бири бўлиб, у фольклорнинг эпик жанрлар тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Чунки “Минг бир кеча” турли тилларга таржима қилиниб бутун дунёга ёйилгач, жаҳон фольклоршунослигида эпик жанрлар: афсона, ривоят, эртак, нақл ва қиссанинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди. Мажмуа ўзбек тилига ўгирилмасдан туриб ҳам, оғзаки ҳолда Ўрта Осиёга кенг тарқалган эди. Таржима этилгандан кейин эса халқимиз орасида янада кенг ёйилди. Бунинг натижасида эса ўзбек халқ эртакларининг маълум бир қисми айнан ана шу манбага бориб тақалувчи сюжетлар асосида шакллана бошлаган.

---

<sup>1</sup>Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.6-7.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б.8.



Турли халқлардаги ўхшаш сюжетли эртаклар бу халқларнинг бир хил иқтисодий, ижтимоий-тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги, эпик сюжетларнинг бир халқ фольклоридан бошқасига ўтиши, яъни “сюжет кўчиши” ёки “сюжет миграцияси”, муайян эпик асарлар сюжети ва мотивларининг ўзга халқлар томонидан ўзлаштирилиши натижасида юзага келади. Рус ёзувчиси М.Горький “Минг бир кеча”нинг сўзбошисида шундай деб ёзган эди: “Мутахассис олимлар хитой эртаклари бизнинг эрамиз – “Исо туғилган кун”дан 2200 йил илгари босилганини аниқладилар. Ўша эртаклар билан ҳинд-европа халқлари эртаклари орасида мавзу ва маъно жиҳатидан жуда кўп ўхшашликлар бор. Ўзлаштириш ҳамма вақт ҳам бузиш демак эмас, гоҳи пайтда у яхши нарсага бебаҳо нарса кўшади”<sup>1</sup>.

Тадқиқотимизнинг ушбу фаслида ўзаро муштарак сюжетга эга бўлган мажозий эртакларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Фольклоршуносликда “мажозий эртаклар” деб таснифланадиган соф ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг айнан қайси бир халққа мансублиги тўғрисида аниқ фикр билдириш қийин. Чунки бундай эртаклар асрлар давомида ҳар бир халқ томонидан яратилади ва янада бойитилади, ўша халққа хос белгилар сингдириб борилади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ибтидоий даврда яшаган кишиларнинг тотемистик ва анимистик қарашлари натижасида юзага келган. “Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклардаги бадий тўқималарнинг ифодаланиш шакллари кишиларнинг мифологик тушунча ва қарашларидан келиб чиққан. Эртаклар ўз бошланмасини миф ва афсоналар заминидан олган, ҳаёт ҳақиқатлари, воқеалари билан бойиб эртак шаклига кира борган”<sup>2</sup>.

Маълумки, ибтидоий даврларда одамлар ҳайвонларни муқаддас ҳисоблашган. Уларнинг эътиқодига кўра, одамлар билан ҳайвонлар ўртасида қариндошлик мавжуд. Шу сабабли улар тотем аجدодларга сиғинишган. Узок

---

<sup>1</sup> Максим Горький. Эртаклар ҳақида / Минг бир кеча. – Тошкент, 1959. – Б.4-5.

<sup>2</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.12.

Ўтмишда яратилган соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар бизгача сақланиб қолмаган. Ғ.Жалоловнинг фикрига кўра, соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда кўзга ташланган ўткир ва чуқур маънолар вақт ўтиши билан унутилиб, болаларга мўлжалланган содда эртақларга айланган. Чунки, ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг энг қадимги вариантлари ўша вақтда ёзиб олинмаганлиги тугайли бизгача етиб келмаган. Шу сабабли ўзбек халқ эртақлари таркибида ҳам ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртақлар кўп учрайди. Ўзбек халқ эртақларининг бир тури бўлган ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртақлар ўзбек эртақчилигида салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам “сайёр сюжет”ли мажозий эртақларни кўплаб учратиш мумкин. Дунё фольклоршунослигида машҳур бўлган А.Аарне каталогига эртақлар ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ва соф эртақлар турларига ажратилган. “Ўзбек халқ оғзаки ижоди поэтик ижоди” китобида ҳам ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар шакл ва мазмунига кўра соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ва мажозий эртақларга бўлинган<sup>1</sup>. Фольклоршунос олим Ғ.Жалолов ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртақларни хусусиятларига қараб уч гуруҳга бўлиб ўрганиш зарурлигини таъкидлайди: Европа ва Шарқ мамлакатлари эпосини ташкил этувчи классик эртақлар; масалларга яқин турувчи эртақлар; ҳайвон, паррандаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги эртақлар. Фольклоршунос олимнинг фикрига кўра, классик эртақлар “...дастлаб Ўрта Осиё қабилалари орасида пайдо бўлган ва феодализм тузуми даврида тўла шаклланган. Булар бўри билан тулки, лақма бўри, ваҳший ҳайвонларнинг дўстлашиши, тулки ва бедана, чўпон ва илон ҳақидаги ва бошқа эртақлардир”<sup>2</sup>. Ғ.Жалолов қайд этган бу эртақлар, дастлаб соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар бўлгану, аммо кейинчалик даврлар ўтиши билан унутилиб кетган ва соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақлардан ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртақларга айланган.

---

<sup>1</sup> Имомов К ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.192.

<sup>2</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабатлар. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.19-20.

Таниқли ўзбек фольклоршуноси К.Имомов “Ўзбек халқ насри поэтикаси” китобида ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генезиси ва спецификасини махсус тадқиқ этган. Олим ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг поэтик табиати ва услуб мезонларини ўрганар экан, “ Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар тарихи, шаклий тузилиши, образлар тизими, кўчма маъно касб этиши, мифологик эътиқод, фантастикага асосланиши билан ажралиб туради”<sup>1</sup>, деб қайд этади. К.Имомовнинг таъкидлашича, ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда образлар кўчма – рамзий маъно ташиди, бўрининг ўта гўл лақмалик сифатлари, тулкининг айёр, маккорона ҳаракатлари, эчкининг оқил, доно тадбиркорлиги ҳаётий сифатлар эмас, балки ибтидоий тушунчаларнинг бадиий ижод доирасида шаклланган рамзий белгиларидир. Ҳайвонларнинг ҳаётий сифатлари, реал воқеалар билан алоқадорлиги сақланган ҳолатлардагина соф ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар деб номланиш ҳуқуқини беради. Масалан, отнинг бўрини ҳидлаб кўриши, бўрининг отнинг тумшугидан тишлаб олиб кўйвормаслиги, отнинг соддалиги, бўрининг айёрлиги ҳаётий белги. Бу муносабатда кўчма маъно йўқ, Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кундаги ўзбек халқ эртакларининг жуда катта қатламини ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклар ташкил этади. Биз таҳлил жараёнида ҳайвонлар ҳақидаги ўзбек халқ мажозий эртакларидан фойдаландик. “Минг бир кеча”даги ҳайвонлар ҳақидаги эртакларни ҳам олим Ғ.Жалолов таснифи бўйича масалларга яқин турувчи мажозий эртакларга киритса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, мажмуадаги ҳар бир эртакда ислом динининг кучли таъсири сезилади ва ундан ибратли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинади. Эртаклар тилига ҳам ишлов берилиб, сайқалланган ҳолда шеърый парчалар билан безатилади. Шубҳасиз, бу эртаклар мажозий эртакларга кирадики, унда бу эртак турига доир барча хусусиятлар қамраб олинади. Мажмуа таркибидаги ҳайвонлар ҳақидаги эртакларни ҳам шартли равишда бир неча

---

<sup>1</sup> Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.156.

гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин: дўстликка садоқат ҳақидаги эртакларга “Қарға билан мушук”, “Бурга билан сичқон” эртакларини, хиёнат ҳақидаги эртакларга “Лочин ва каклик”, “Овчидан қочган илон”, “Сичқон билан латча”, “Қарға билан тулки”, “Кирпи билан ёввойи каптар” эртакларини киритиш мумкин. Диний руҳдаги тақдири азалдан қочиб бўлмаслик ҳақидаги эртакларга “Ғоз билан шер боласи”, “Товус билан кийик”, “Сув қуши ва тошбақа”, “Чумчук билан товус” эртаклари мос келади. Кўполлиги учун жазоланганлар ҳақидаги эртакларга “Бўри, одам боласи ва тулки”, “Кучсиз қушлар билан қарчиғай” эртаклари мансуб бўлса, “Минг бир кеча”даги “Бургут билан чумчук” эртаги юнонистонлик Эзоппнинг “Бургут, зағча ва чўпон” масалида илгари сурилган “Беҳуда чираниш белни чиқаради” мақолига мос келади. Ўзбек фольклорида ҳам мана шундай руҳдаги эртакларни кўплаб учратиш мумкин.

Маълумки, “Минг бир кеча” мажмуасининг структураси ўзига хос услубига кўра “ҳикоя ичида ҳикоя” тарзида тузилган. Шаҳриёр ва Шаҳризод ҳикоятлари бош қолипловчи ҳикоялар бўлса, қолган ҳикоялар ёрдамчи кичик ривоятлардан иборат. Бу хусусиятлар асар фабуласи, тили, оҳангига ҳам таъсир этган<sup>1</sup>. “Минг бир кеча”нинг 1-жилдида вазир тилидан” қизи Шаҳризодга насиҳат тарзида айтган “Хўкиз, эшак ва бой деҳқон ҳикояси”<sup>2</sup> учрайди. Бу эртак сюжети айни ҳолатда қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ халқ эртакларида ҳам учрайди. “Араб ва туркий халқлар эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили”ни ўрганган фольклоршунос олим Ш.Шомусаров “Эшак ва хўкиз” эрагининг туркий халқларда учраши ҳақида ўз монографиясида маълумот бериб ўтади<sup>3</sup>. “Сусамбил”<sup>4</sup> номли ўзбек халқ эрагининг бошланиши, дастлабки мотивлари ҳам ана шу эртакдан олинган.

---

<sup>1</sup> Остонова Г. “Минг бир кеча” асарида ривоят услуби // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – 2-сон. – Б.55.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 1-том. – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – Б.23-28.

<sup>3</sup> Шомусаров Ш. Араб ва туркий халқлар эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили. – Т., 1997.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 2 томлик. 1-том. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.8-16.

“Хўкиз, эшак ва бой деҳқон” ҳикоясида ҳайвонлар тилини билувчи хўжайин образи мавжуд бўлиб, у “Сусамбил” эртагида учрамайди.

“Минг бир кеча”даги эртақда эшак чарчаб келган хўкизга ёлғондан ётиб олишни - ҳийла ишлатишни ўргатади. Бу воқеадан хабардор хўжайин хўкиз ўрнига эшакни ишлатади. Кечқурун ишдан ҳориб келган эшак хўкизга “агар хўкиз эртага ҳам ўрнидан турмаса хўжайин уни қассобга топширмоқчи эканлигини” айтиб кўрқитади. Эртасига хўкиз овқатларини еб, ўзини соғлом кўрсатиб ишга жўнайди. Бу гапларни эшитган хўжайин кулиб юборади. “Сусамбил”да эса маза килиб сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига қора майиз билан бедани еб ётган эшакка ишдан чарчаб келган хўкизнинг ҳаваси келади ва унга ҳам овқатидан беришни сўрайди. Раҳми келган эшак унга овқатидан беради. Буни кўриб қолган эгаси хўкиз ўрнига эшакни ишлатади, кўшга кўшади, кузда устига оғир юклар ортиб узоқ-узоқ ерларга боради. Бир куни эгаси бой эшак бечоранинг устига бир қоп унни ортиб бозордан келаётганда ҳаво айниб, ёмғир ёғади. Лой кўчалардан юриб келаётган эшак бир кўприкнинг устига чиққач оёғи тойиб йиқилади. Шу сабабли хўжайиндан калтак еган эшакнинг хўрлиги келиб йиғлайди, уйга етиб боргач, чираниб тортиб бошвоғини узади ва онасидан эшитган Сусамбил мамлакатига йўл олади. Шунингдек, “Минг бир кеча”даги ҳикоятда эшак ва хўкиз воқеасидан хабардор бўлган хўжайиннинг кулиши ва унинг хотини бунинг сабабини сўраши воқеаси берилади. Деҳқон бу воқеани айта олмаслигини, айтса ўлиши мумкинлигини тушунтирса ҳам хотини унамайди. Шундай пайтда у ўз итининг ва хўрознинг суҳбатини эшитиб қолади. 50 та товуғи бўлган хўроз итга хўжайиннинг аҳмоқлигини айтиб қолади. Элликта хотини бўла туриб ҳаммасини эплаб юрганлигини, хўжайин эса бир хотинни ҳам йўлга сола олмаганлигини, унинг ўрнида бўлганида хотинни роса савалаб ўз йўлига солишини айтади. Бу гаплардан хулоса чиқарган хўжайин, худди шундай қилади ва бошига келган офатдан қутулиб қолади. “Сусамбил” эртагида эса бир одамнинг бир кам қирқта товуғи ва битта хўрози бўлганлиги, бироқ хўжайинининг ўта хасислиги, товуқлар ҳар кун бир кам қирқта тухум туғса

хам уч кунда лоақал бир марта дон сочиб қўймаслиги ҳикоя қилинади. Бир кун товуклар қўшнисининг ҳовлисида донлаб юрганда қўшнининг хотини уй обрезада оқишоқ ювиб, қозонга солади. Обрез четига тўкилган оқишоқларни кўриб қолган хўроз келиб донларни ея бошлайди. Шунда қўшнининг хотини хўрозга оташкуракни отиб юборади, тоза хўрланган хўроз алам билан йиғлайди ва бу азоблардан қутулиш учун далага қараб қочиб кетади. Эртақда хўкиз ва эшак муносабатлари мотиви айнан такрорланган бўлиб, “Сусамбил” эртагида бу мотив сюжет тизимининг ривожланишида катта роль уйнаган. “Минг бир кеча” даги ит ва хўроз воқеаси тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, “Сусамбил” эртагида бу мотив ўзлаштириш жараёнида ўзгаришларга учраган. Шу эртақ охирида бўриларнинг эшак, хўкиз, хўроз, иккита каламуш ва арилар томонидан жазоланиши воқеаси берилади. Худди шу вариант туркман халқ эртагида ҳам учрайди. Бу ҳақида М.А.Сакали “Туркман эртақ эпоси” китобида маълумот бериб ўтган<sup>1</sup>. Фақат туркман халқ эртагида эшак, эчки, хўроз ва гўнг қўнғиз образлари учрайди. Улар бўрини жазолайди - эчки сузади, эшак бўрининг бошини оёқлари орасига олиб буғади, хўроз қанотлари билан уради, қўнғиз эса бўрининг оёқ остини қовлайди. Бўри қочиб бориб ўртоқларига, “қандайдир кул ранг кийимли мени буғди, қора кийимли сузди, қизил кийимли бўйимни ўлчади, яна кимдир менга қабр қазиди”, - деб айтади. “Сусамбил” эртагида ҳам бўрилар жазоланади. Хўкиз сузади, эшак ханграйди, хўроз дарахтга чиқиб олиб қичқиради, каламушлар ерни қавлаб кириб кетишга уринади, арилар бўрига ёпишиб чақаверишади. Ҳовлиқма бўри келиб ўз подшоҳига шундай дейди: “Уларнинг ичида каттаси бор экан, иш ўргатиб буларга бақириб турди, мунқар-накир гурзиси билан урди, гўркови ҳар биримизга еттитадан гўр қазиди, азроили жон олиш учун найзасини суқди”. Кўриниб турибдики, турли мотивлар сюжетни вужудга келтиради, бу мотивлар сюжет таркибида маълум бир вазифани бажаради ва сюжет яхлитлигини таъминлайди. “...сюжет билан мотив диалектик асосда

---

<sup>1</sup> Сакали М.А. Туркменский сказочный эпос. – Ашхабад, 1959. – С.50.

ўзаро узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини келтириб чиқаради ва айни пайтда бири иккинчисини тўлдиради”<sup>1</sup>. Демак, “Минг бир кеча” орқали ўзбек халқ эртакларига кўчган мотивлар, муштарак сюжетлар фольклор асарларининг ривожланишига, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётининг бойишига сабаб бўлган. “Хўкиз ва эшак” ҳикояти “Қисаси Рабғузий” асарининг “Сулаймон пайғамбар”га бағишланган 23-қиссасида ҳам учрайди. Бу ҳақида “Ўзбек насри тарихидан”<sup>2</sup> китобида маълумотлар учрайди. Шубҳасиз, бу эртакларнинг энг қадимги илдизи “Калила ва Димна”дир.

“Минг бир кеча”нинг 3-жилдида ўндан ортиқ ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклар мавжуд. Бу эртакларнинг кўплари эртак ичида эртак ёки “ҳикоя ичида ҳикоя” тарзида қолипланади. Биринчи эртак “Кийик билан товус”<sup>3</sup> деб номланади. Бу эртакнинг айнан ўхшаш сюжетли варианты ўзбек халқ эртагида учрамаса-да, аммо баъзи бир мотивлар ўзаро ўхшайди. “Кийик билан товус” эртагида бир оролга бориб қолган кийик мода товус ва ғоз билан дўстлашади, аммо оролга келиб қолган кемадаги одамлар ғозни тутиб олиб кетадилар. Тангрига тасбеҳ айтмаганлиги сабабли ғоз қўлга тушади. Кийик билан товуснинг дўстлиги эса давом этади, улар омон қолиш учун тинмай Оллоҳга тасбеҳ айтишади. “Тулки ва товус”<sup>4</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам айёрлик билан товусни ушлаб олган тулкига товус, унга бир фотиҳа ўқиб ейишини сўрайди, тулки қўлларини фотиҳага кўтарганда товус учиб кетади. Овқат емасдан олдин фотиҳа ўқиган аҳмоқ экан, деб тулки алданиб қолади. Биринчи эртакда Оллоҳга тасбеҳ айтмаганлиги учун ғоз жазоланган бўлса, иккинчи эртакда ўз ўрнида диний ақидага риоя қилмаганлиги сабабли (чунки фотиҳа овқатлагандан сўнг ўқилади) тулки ўз ўлжасидан айрилиб қолади. Араб эртагида ислом динининг таъсири кучли бўлса, ўзбек халқ эртагида халқона қарашлар устуворлик қилади.

---

<sup>1</sup> Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг сюжет ва мотивлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 5-сон. – Б.37.

<sup>2</sup> Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент, 1956. – Б.25.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.14-17.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2017. – Б.60.

Иккинчи эртақ “Ғоз билан шер боласи”<sup>1</sup> деб номланган бўлиб, тўлиқ сюжетда ўзбек халқ эртагида учрамайди. Аммо эртақдаги айрим эпизодлар ва мотивлар айнан такрорланади. Бу эртақ “Товус билан кийик” эртагининг ичида келади. Бу эртақда одам боласидан кўрқиб қочган ғоз шер боласидан уни ҳимоя қилишни сўрайди. Йўлда уларга учраган содагина, ювош дурадгор хийла йўли билан шер боласини қафасга қамаб, ёқиб юборади. Ўз кучига ҳаддан ортиқ ишонган шер боласи жазога гирифтор бўлади. “Ўтинчи йигит билан шер”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам ўтин тергани далага келган йигит шерни учратади. Иккаласи курашмоқчи бўлганда, ўтинчи йигит хийла қилиб, шерга кучи уйда қолганлигини, бориб кучини олиб келиши айтади ва алдаб шерни кетиб қолмагин, деб дарахтга боғлаб қўяди. Ўтинчи йигит хийла билан уни қўлга туширади, таёқ билан шерни гурсиллатиб уради ва уни бўшатиб юборади. Иккала эртақда ҳам одамзод ўз ақли билан хийла ўйлаб топади ва душманини енгади. Фақат “Минг бир кеча”да шер боласи аёвсиз равишда ёқиб юборилади. Бу ҳодиса эртақнинг аввалроқ яратилганлигидан далолат беради. Ўзбек халқ эртагида эса шер жазолангач, қўйиб юборилади. Ўзбек халқ эртақларининг ўзига хос жиҳати эртақлар яхшилик билан тугайди ва қаҳрамонлар мурод-мақсадига етади. Балки бу ҳолат болаларга аталган эртақлар бўлганлиги учун бундай шафқатсизлик баён этилган сюжет ва мотивлар кейинчалик ўзгариб трансформацияга учраганлигидан далолат берар.

“Минг бир кеча”да бу эртақлардан кейин “Обид ва каптар” ва “Обид ва фаришта” эртақлари мавжуд бўлиб, “Обид ва каптар” эртагида обид ўз овқатини иккига бўлиб, бир қисмини бир жуфт каптарларга берар ва уларни “наслингиз кўпайсин”, деб дуо қилар экан. Каптарларнинг тасбеҳни тинимсиз айтиши обид билан кўп туришига сабаб бўлган экан. Бу эртақ ҳайвонларнинг келиб чиқиши ҳақидаги эртақларга ўхшайди, унда каптарларнинг тинмай тасбеҳ айтиши сабаби изоҳланади.

---

<sup>1</sup>Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.4-14.

<sup>2</sup>Ўзбек халқ эртақлари. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2017. – Б.24-25.



Учинчи эртак “Сув қуши билан тошбақа”<sup>1</sup> деб номланади. Бу эртакда сув қуши бургут ва қарчиғайлардан қочиб ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлибди ва тошбақа билан дўст тутинибди. Аммо ватани ғамида азоб чекибди. Айрилиққа чидай олмабди ва ватанига қайтганида лочиннинг чангалига тушибди. Минг эҳтиёт бўлгани билан ажал етгандан сўнг фойдаси йўқлиги эртак ичига сингдирилган. Баъзи бир мотивлар мавжуд бўлса-да, бунга айнан ўхшаш эртакни учратмадик. Бу ерда тақдирдан қочиб бўлмаслик, ватанни тарк этиш, дўстлашишга ҳаракат қилиш, фалокатга йўлиқиш мотивларининг айрим ўринлари “Уч оға-ини ботирлар” эртагидаги тутининг саргузаштига ўхшаб кетади.

Тўртинчи эртак “Бўри, одам боласи ва тулки”<sup>2</sup> деб номланган бўлиб, энг кўп учрайдиган мажозий эртакдир. Мана шундай ўхшаш сюжетли ўзбек халқ эртаклардан бири “Бўри билан тулки”<sup>3</sup> эртагидир. “Бўри, одам боласи ва тулки” эртаги билан “Бўри ва тулки” эртагининг сюжети ўзаро муштарак. “Минг бир кеча”дан олинган “Бўри, одам боласи ва тулки” эртаги ҳам “Бўри ва тулки” номли ўзбек халқ эртагида ҳам айнан ўхшаш воқеалар тасвири келтирилади. Бўридан безор бўлган тулки ҳийла билан бу зўравонни узумзорга бошлайди. “Минг бир кеча”да бўри одам боласи томонидан тайёрлаб қўйилган чуқур ўрага тушиб кетади ва тулкидан ўзини қутқизишни сўрайди. Шунда тулки “Лочин ва каклик”, “Овчидан қочган илон” каби вафосизлик ҳақидаги эртакларни баён қилади. Бу бешинчи ва олтинчи эртаклардир.

“Лочин ва каклик” эртагида лочин чангалидан қочган какликни ҳийла йўли билан алдаб лочин қайта қўлга киритади, аммо каклик ҳам ўз навбатида уни алдаганлиги учун “гўштим сенга захар бўлсин”, деб қарғайди ва лочин ўлади. Бу эртакдаги мотивлар “Калила ва Димна” эртакларини ёдга туширади. Ёв чангалидан биринчи бор қутулиб қолди-ю, аммо яна лақмалиги

---

<sup>1</sup>Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.21-25.

<sup>2</sup>Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.25-42.

<sup>3</sup>Ўзбек халқ эртаклари.– Тошкент, 1990. – Б.21-25.

туфайли душманига ишониб ўз жонини хатарга қўйиш мотиви ўзбек халқ эртақларида ҳам кўп учрайди. “Ҳийлагар бедана” номли ўзбек халқ эртагида тулки айёрлиги туфайли зағизғоннинг бешта боласидан тўрттасини еб қўяди. Лақма ва бефаросат бўлган зағизғон тулкининг гапига ишониб, болаларини дўлананинг тепасидан ўзи ташлайди. Бир неча бор алданган бўлсада, болаларини ҳимоя қилолмайди, фақатгина ақлли бедана туфайли бу фалокатдан қутулиб қолади. Бу мажозий эртақларда бир неча бор душманлари тузоғига тушган, бошига фалокат ёғилган бўлса-да, ўз ўрнида хулоса қила олмайдиган, бефаросат ва лақма қаҳрамонлар тасвирланади.

Шуниси диққатга сазоворки, “Минг бир кеча”даги “Бўри, одам боласи ва тулки” эртаги таркибида “Овчидан қочган илон” ҳикояти ҳам берилади. Ҳинд эртақчилиги анъаналари асосида яратилган ҳикояда эртақ ичида эртақ берилади. “Овчидан қочган илон” эртагида илон овчидан қочиб бир кишидан ёрдам беришни сўрайди. Ўша киши мукофот тама қилиб, илонни қўйнига яширади. Овчи кетганда сўнг ҳалиги киши ўз мукофотини илондан сўрайди, захар сочишдан бошқа касби бўлмаган илон уни чақиб ўлдиради. Худди шунингдек, ўзбек халқ эртақларида ҳам айнан шу сюжет асосида яратилган эртақлар мавжуд. “Илоннинг иши захар солмоқ” номли ўзбек халқ эртагида ҳам даладан қайтаётган чўпон тўқайдаги ёнғинда илонни қутқариб қолади. Аммо илон захар солмоқ ҳунари эканлигини айтиб, чўпонни чақмоқчи бўлади. Тулкининг ҳийласи туфайли чўпон илондан қутулиб қолади. “Минг бир кеча”даги бу ҳикоят дастлаб яратилган манба бўлиб, унда инсон ёвузлик тимсоли бўлган илон томонидан ҳалокатга учрайди. Кейинги даврларда яратилган эртақларга эса одамзотнинг тулки ҳийласи билан қутулиб қолиш мотиви киритилган. Шунингдек, ҳийла туфайли қутулиб қолиш мотиви “Минг бир кеча”даги “Балиқчи билан дев”<sup>1</sup> эртагида ҳам учрайди. Бир куни бир балиқчи дарёдан оғзи қалайланган кўза топиб олибди. Кўза ичидан дев чиқиб, уни азоблаб ўлдирмоқчи бўлибди. Шунда балиқчи ўзича “мен ақл

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.41-45.

соҳиби инсон бўлсам-у, унинг макр –ҳийлаларидан енгилсам уят эмасми?”, деб ўйлабди ва уни алдаб, шу кўзадан чиққанлигинга ишонмайман деб, қайта кўзага тушишга кўндирибди. Шу тахлит балиқчи ақллилиги туфайли девдан қутулибди. “Минг бир кеча”даги эртақларда воқеликни тасвирлашда реалликка кўпроқ риоя қилинади, кейинчалик яратилган эртақларда эса инсонларнинг орзу-умидлари, ҳаётга оптимистик қарашлари етакчилик қилади. Ўзбек халқ эртақларининг кўпчилиги ҳам, айтиш мумкинки, қарийб барчаси яхшилик билан тугайди ва қаҳрамон ўз ниятига етади. “Бўри билан мерган”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам мергандан қочган бўрини хирмон совураётган чол қопга солиб қутқариб қолади, аммо бўри чолни емоқчи бўлганда тулкининг ёрдами туфайли чол ҳалокатдан қутулиб қолади. “Бўри, одам боласи ва тулки”<sup>2</sup> эртагининг охирида ҳам бўри ҳалокатга учрайди. “Бўри ва тулки” номли ўзбек халқ эртагида ҳам тулки бўрини узумзорга бошлайди, бурнидан чиққунча узум ейишга чақиради. Ҳаддан ташқари кўп узум еган бўри ётиб қолади. Тулкининг овозини эшитиб етиб келган боғбон бўрини ўласи қилиб савалайди. Аммо бўри ўлмай қолади. Кейин бўрининг қопқонга илиниши, қўзи, хўроз, хачир, отни емоқчи бўлиб ҳийлаларга алданиши воқеалари берилади. Эртақ сўнггида бўри овчилардан қочиб қўшчидан паноҳ тилайди. Қўшчи бўрини катта қанорга солиб овчилардан яшириб қутқариб қолади. Аммо бўри вафосизлик қилиб дехқонни емоқчи бўлганида тулки ҳийла билан бўрини қайтадан қопга киритиб, уни уриб ўлдиришади. Иккала эртақда ҳам бўри ҳалокатга учрайди. Ўзбек халқ эртагида бўрига бир неча бор имконият берилади, аммо очқўзлиги ва аҳмоқлиги туфайли бўри жазоланади. Шунингдек, “Ҳийлагар бедана”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам зағизғонга гап ўргатганлиги туфайли тулки беданини емоқчи бўлганида чаққон бедана тулкига озиқ топиб бераман деб ўлимдан қутулиб қолади. Аммо тулки тинмай унга ситам ўтказди. Шу

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.20-23.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.25-42.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1990. – Б.63-69.

сабабли тулкидан безор бўлган бедана ҳийла билан тулкини чўпонларнинг қопқонига бошлайди ва хира тулкидан қутулади.

“Минг бир кеча”даги еттинчи эртақ “Сичқон билан латча” деб номланган. Бу эртақда вафосизлик қораланади. Бир камбағал деҳқоннинг дўсти касал бўлганида табиб унга дори бўлади деб кунжутни берибди. Деҳқоннинг хотини кунжутни пўстидан ажратиб ҳовлига ёйиб қўйибди. Буни кўрган латча кунжутни уйига ташибди. Латча бир пайт қараса, деҳқоннинг хотини кузатиб турибди. У кўрқиб кунжутларни яна қайтадан - уйдан жойига ташибди. Деҳқоннинг хотини ўғри бу эмас экан деб, пойлаб ўтирибди. Латча сичқоннинг олдига бориб уни алдабди ва сичқон хотин пойлаб турганини кўрса ҳам, очофатлиги тутиб кунжутни ея бошлабди. Хотин сичқонни уриб ўлдирибди. Бу эртақда ҳам очкўзлик қораланади, айёрлик, ишбилармонлик туфайли ўз жонини қутқарган латча тирик қолади.

Саккизинчи “Қарға билан мушук”<sup>1</sup> эртагида қарға билан мушук дўст тутинади. Кунларнинг бирида қоплон мушукни емоқчи бўлганида, қарға пастлаб учиб, овчиларнинг итларини ўз ортидан эргаштириб келади ва итларни кўриб қоплон қочиб кетади. Қарға ўз дўстини қутқаради. “Овчи, Кўкча ва Доно”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам донишманд қаптар Кўкчанинг маслаҳатига амал қилмаган қаптарлар тўрға тушиб қолади. Кўкчанинг дўсти Доно исмли сичқон ёрдамида тўрдан қутуладилар. Биринчи эртақда қарға топқирлиги билан дўстини қутқазган бўлса, иккинчи эртақда ҳам қаптар Кўкча ўз донолиги билан қаптарларни озод қилади. Бундай дўстликни улуғловчи эртақларни ўзбек фольклорида кўплаб учратиш мумкин. “Бузоқ, эчки ва кўзи”, “Ботир эчки”, “Сусамбил” каби эртақларда ҳам дўстлар ўзаро бирлашиб душманни енгади.

Тўққизинчи эртақ “Қарға билан тулки”<sup>3</sup> деб номланган бўлиб, бу эртақ ичида тулки тилидан “Бурга билан сичқон” ҳақидаги дўстликни улуғловчи

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.44.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2017. – Б.12-16.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.45-52.

эртак ва қарға тилидан “Кучсиз қушлар билан қарчиғай”, “Бургут ва чумчук” эртаклари баён этилади. Булар “Минг бир кеча” таркибидаги ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи эртаклар ҳисобланади. “Қарға билан тулки” эртагида тулки ҳарчанд қарғани дўст бўлишга ундаса ҳам қарға донолиги туфайли айёр тулкини ўзига яқинлаштирмайди. Чунки тулки оч қолса ўз боласини еб қўяр эди. У қарғадан ўз манфаати йўлида фойдаланишни истайди. “Лайлак билан тулки” номли ўзбек халқ эртагида эса лайлак билан дўст тутинган тулки оч қолганида лайлакнинг боласини еб қўяди, натижада лайлак бу ердан қочиб кетади. “Бурга билан сичқон” эртагида эса бадавлат савдогарни чаққан бургани сичқон ўз ковагида яширади ва ўз навбатида бурга савдогарни кўрқмасдан икки марта қаттиқ чақиб, уни ҳовлида ётишга мажбур қилади ва бу пайтда сичқон хўжайиннинг олтинларини ўғирлайди. Бир-бирларига ёрдам берганликлари туфайли бурга ҳам, сичқон ҳам ниятига етади.

Ўн учинчи “Кирпи билан ёввойи каптар”<sup>1</sup> эртагида кирпининг ёлғончилиги туфайли ҳалокатга йўлиққан каптарлар воқеаси баён этилади. Эртак ниҳояланмай қолган. Кирпи каптарларни алдаб катакка киритади ва уларга ҳамла қилмоқчи бўлганида ёввойи каптар томонидан “Савдогар ва икки қаллоб” ҳикояти келтирилади. Кирпи каптарларни озод этганлиги ёки еб қўйганлиги эртақда тушиб қолган. Бирдан “Тикувчи ва найрангбоз” эртаги бошланиб кетади. Бу эртақда синалмаган кишини дўст тутмаслик ғояси илгари сурилади.

Ўн тўртинчи эртак “Чумчук билан товус”<sup>2</sup> деб номланади. Бу эртақда шоҳ товусга вазир бўлган чумчук саргузаштлари баён этилади. Бир куни шоҳнинг мажлисига чумчук кечикиб келади, товус сабабини сўраганда ўз уяси яқинида тузоқ қўяётган кишини кўриб кечикиб қолганлигини, у инда бошқа туролмаслигини айтади. Товус унга уянгдан кўчма, барибир тақдирдан қочиб қутула олмайсан дегандан сўнг шоҳнинг буйруғига

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.52-55.

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба. – Б.58-61.

бўйсунди. Бир куни иккита урушаётган чумчуқларни кўради, улар шоҳнинг вазири ёнида урушяпти деб бу чумчуқларни яраштирамоқчи бўлганида тўрға тушиб қолади. Чумчуқ билимсизлиги туфайли алданиб қолади. Бунга айнан ўхшаш ўзбек халқ эртагини учратмадик. Аммо айрим мотивлар, масалан, подшонинг буйруғига бўйсундиш, ўз тақдири учун қайғурмаслик, мустақил фикрлаб иш юритмаслик кабилар ўзбек халқ эртакларида ҳам мавжуд.

Таҳлил жараёнида шу нарсага эътибор бердикки, жуда кўп эртаклардаги мотивлар дастлаб “Минг бир кеча”да яратилган бўлиб, бошқа халқлар томонидан ўзлаштириш жараёнида бу мотивларга ўзгартиришлар киритилган ҳолда сюжет тизими янада бойитилган. “Минг бир кеча”даги эртаклар сайқалланиб қайта ишланган, шеърӣ парчалар билан зийнатланган, сўзга уста ровийлар томонидан ишлов берилиб, бадиий даражада безалган. Ўзбек халқ эртаклари эса содда, болаларга мўлжалланганлиги, сўзга у қадар ишлов берилмаганлиги билан ажралиб туради.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар жуда қадим замонларда яратилган бўлиб, қадимий манба бўлган “Минг бир кеча” таркибига ҳам киритилган. “Минг бир кеча”нинг турли халқлар томонидан севиб ўқилиши натижасида бу эртаклар сюжети тизими баъзан айнан, баъзан эса маълум бир ўзгаришларга учраган ҳолда бошқа халқларнинг оғзаки ижодига кириб келган. Шу асосда ўзбек халқ оғзаки ижодига ҳам “Минг бир кеча” эртаклари табиий таъсир кўрсатган, ўзбек эртакларининг ривожланиб бойишида маълум бир вазифани бажарган. “Минг бир кеча”даги эртақ ва ҳикоятлар нафақат ўзбек халқ оғзаки ижодига, балки бошқа қардош халқлар оғзаки ижодининг ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутган. Айни вақтда, ўзбек халқ эртаклари ҳам “Минг бир кеча”даги эртакларнинг пайдо бўлишига сезиларли таъсир кўрсатган. Соф ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг катта қисми йўқолиб кетганлигини айтган эдик. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар кейинги даврларда ёзиб олинганлиги сабабли кўпроқ мажозий эртаклар бизгача етиб келган. Ўзбек халқ эртаклари юқорида айтилганидек, болаларга мўлжалланганлиги сабабли содда, оддий ва тушунарли тилда яратилган. “Минг бир кеча” таркибидаги эртакларда эса

ислом динининг таъсири кучли, ҳар бир эртақда қиссадан ҳисса чиқарилади, кишини ўйлашга ундайди, асар тили бадий ташбеҳлар билан зийнатланиб, шеърӣ парчалар билан безатилади. Албатта бу эртақлар катталарга бағишланган бўлиб, аввало қизиқарлилиги билан ажралиб туради, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга ибрат кўзи билан боқишга ундайди.

“Китобнинг асосий мақсади кишиларни софликка, тўғрилиқка, дўстлик, ва биродарликка чорлаш, қинғирлик, нафси бузуқлик, золимлик, хасислик ва қирғин урушларга лаънат тамғасини босишдан иборат”<sup>1</sup>, - деб ёзади олим Ш.Шомуҳаммедов “Минг бир кеча”га ёзган сўзбошида. Бу хусусиятлар, айниқса, ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда яққол кўзга ташланади ва маърифий-тарбиявий аҳамият касб этади. Тарбия манбаи бўлганлиги сабабли ҳам “Минг бир кеча” китоби турли халқлар орасида шуҳрат қозонди ва бебаҳо асарга айланди.

“Минг бир кеча”даги ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртақларлар билан ўзбек халқ мажозий эртақларини қиёсий таҳлил қилган ҳолда қуйидаги хулосага келдик:

1. “Минг бир кеча” ва ўзбек халқ эртақларидаги ҳайвонлар ҳақидаги эртақларни мажозий эртақларга киритиш зарур. Чунки, бу эртақларда соф ҳайвонлар ҳақидаги эртақларга нисбатан мажозийлик устунлик қилади. “Минг бир кеча”да ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар санокли бўлиб, уларнинг асосий сюжет тизими ўзбек халқ эртақлари сюжетига ўхшашлиги, гарчи айнан сюжет тизими ўхшаш бўлмаса-да, мотивлар таркибида ўзаро муштараклик аниқланди.
2. “Минг бир кеча”даги эртақларда ислом динининг таъсири кучли, ўзбек халқ эртақларида эса халқчиллик, оптимизм юқори даражада акс эттирилганини кузатиш мумкин. Мажмуадаги ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртақлар сюжети тизимли, бир неча воқеалар тартибли ва кетма-кетликда баён этилган, маълум бир қолипга эга, ҳажман катта. Ўзбек халқ эртақларида эса

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. Тошкент, 1986, - Б.7

асосан сюжети ихчам, кўпинча икки эпизоддан ташкил топади, сюжетда эркин ўзгаришлар бўлиши мумкин, ягона қолипга бўйсунмайди.

3. “Минг бир кеча”даги эртакларда ширали, бадий тилдан фойдаланилган, сўзга бой, ҳикоялар баёни муфассал очиб берилган. Сўзга чечан мохир ҳикоячининг услуби сезилиб туради. Ҳар бир қиссадан хулосалар чиқарилади. Тингловчига ўғит берилади. Ўзбек халқ эртаклари эса балки, болаларга мўлжаллангани учун содда, оддий халқ тилида баён этилади. Ҳамма эртакда ҳам хулоса тўлиқ баён этилмайди. Эртакларнинг тарбиявий-дидактик томонига кўпроқ эътибор берилган. Болаларни овунтириш мақсадидагина айтилган эртаклар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўлди.
4. Ҳеч иккиланишсиз айтиш мумкинки, “Минг бир кеча” таркибидаги ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклар ўзбек халқ эртакларига таъсир кўрсатган ва ўхшаш сюжетли, мотивлар таркиби кўчган ҳайвонлар ҳақидаги ўзбек халқ мажозий эртаклари пайдо бўлган. Бу эртаклар ўзида миллий колоритни сақлаган ҳолда ривожланиб, ўзбек эртакчилигининг шаклланишига сабаб бўлган.

## **2.2. “Минг бир кеча» ва ўзбек сеҳрли эртакларидаги “сайёр сюжет”лар**

Шарқ халқлари оғзаки ижодида юзага келган қадимий сюжетлар асосида шаклланган “Минг бир кеча” мажмуаси хинд, форс, араб фольклоридаги анъанавий эпик сюжетларнинг миграцияси, яъни муайян бир этномаданий муҳитдан бошқа халқ фольклор ижрочилиги анъанасига кўчиши натижасида яратилган бебаҳо адабий ёдгорликдир. “Халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдоналари орасида “Шаҳризод эртаклари” энг асл маҳобатли ёдгорликдир. Бу эртаклар ажойиб латофати билан меҳнаткаш халқни ширин хаёлларга мафтун қилиб, эркин сўз ўйинлари билан Шарқ халқлари - араблар, форслар, хиндлар гуллаётган ижодий хаёлининг беқиёс кучини тараннум этади. Бу сўз таркиби узоқ ўтмишда бунёдга келган, унинг ранг-баранг нозик иплари бутун



ер юзини чулғаб, уни ўзини ҳайрон қолдирадиган балоғатли ҳусни билан коплади”<sup>1</sup>. Бу мажмуанинг Шарқ, шу жумладан, Ўрта Осиё туркий халқлари тилларига таржима қилиниши натижасида бу эртақлар сюжети маҳаллий эртақчилилик анъанасига кучли таъсир кўрсатиб, “сайёр сюжетлар”нинг кўчиши, ўзлаштирилиши натижасида кўплаб янги эртақлар юзага келган. Ўрта Осиё туркий халқлари, шу жумладан, ўзбек сеҳрли-фантастик эртақларидаги бефарзандлик, ота-оналарнинг авлиё ёхуд сеҳрли ҳомийлар мададида фарзанд кўриши, қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши, қаҳрамоннинг “ўзга олам”га сафари каби мотивларнинг эпик талқинида, шунингдек, мажозий ва ҳаётий-маиший эртақлар силсиласида “Минг бир кеча” эртақларидан ўзлаштирилган “сайёр сюжетлар”нинг таъсири яққол кўзга ташланади.

Бинобарин, жаҳон халқлари оғзаки бадий ижодидаги ўхшаш “сайёр сюжет”ли эртақлар кенг тарқалган бўлиб, сюжет қурилиши, етакчи мотивлар тизими, ҳатто, маъно ва мазмун жиҳатидан ҳар қанча ўхшаш бўлса-да, бироқ уларнинг ҳар бири муайян халқ фольклорида шаклланган миллий версия сифатида ўша этнос эпик анъаналарининг ўзига хослигини ифодалаши билан ажралиб туради. Ғарб ва Шарқ адабиётини ўрганган олим В.М.Жирмунский ҳам ўхшаш сюжетли эртақлар ҳақида фикр билдирар экан, уларнинг халқаро характерга эга эканлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Бундай сеҳрли эртақлар бутун дунё эртақчилигининг ривожланишига сабаб бўлди. Бундай ўзлаштириш айнан такрорий ҳодиса бўлмай, кўпинча ўхшаш сюжетларнинг ўзгариши натижасида янги яратилган эртақлар қатламини вужудга келтирди.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида сюжет, мотив ва образлар тизимининг шаклланишида “сайёр сюжетлар”нинг тутган ўрни ниҳоятда каттадир. “Турли халқлар оғзаки ижодидаги ўхшашликлар халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши натижасида мотив ва сюжетлар бир халқдан иккинчи

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.4.

<sup>2</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – М: 1979. – С.186.

бир халққа ўтади. “Сайёр сюжетлар” назариётчилари турли халқлар оғзаки ижодидаги муштарак сюжетлар шундай ўтиш ва таъсирлар туфайли юзага келади, деган фикрни илгари сурадилар”<sup>1</sup>. “Сайёр сюжетлар” назариясининг асосчиси немис олими Т.Бенфий ҳисобланади<sup>2</sup>. Асрлар ўтиши билан турли халқ эртакларининг сюжет тизими такомиллашиб борган. Чунки, “сайёр сюжет”лар орқали “Минг бир кеча” таркибидаги эртаклар бошқа халқ эртакларининг пайдо бўлишига ва шаклланишига сабаб бўлган. Бироқ бу эртакларнинг сюжет тизими, образлар силсиласи, воқеалар ривожини бир қанча ўхшаш бўлса-да, уларда ҳар бир халққа мансуб бўлган миллий колорит сақланиб қолган. Шунингдек, “Минг бир кеча”нинг таъсири ўзбек халқ эртакларининг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Айни вақтда бир халқда яратилган эртаклар сюжети бевосита “Минг бир кеча”га ҳам таъсир этган. Ўзбек фольклоршунослигида ҳам “сайёр сюжетлар” Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Ш.Шомусаровлар томонидан ўрганилган<sup>3</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида “сайёр сюжетлар” масаласига бағишланган энг кейинги тадқиқотларга мисол тариқасида У.Бобожонованинг “Шаҳриёр” достони сюжетининг тарихий асосларига доир мақоласи<sup>4</sup> ҳамда Д.Т.Ибрагимованинг қадимги герман қаҳрамонлик эпоси сюжетининг генезисига доир ишини<sup>5</sup> келтириш мумкин.

Ўзбек фольклорида “сайёр сюжетлар” асосида шаклланган халқ оғзаки ижоди асарлари орасида сеҳрли-фантастик эртаклар алоҳида ўринни эгаллайди. Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари ғоят қадимий илдизга эга бўлиб,

---

<sup>1</sup> Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.196.

<sup>2</sup> Зиновьева А.Ю. Бродячие сюжеты / Литературная энциклопедия терминов и понятий. – М.: Интелвак, 2001. – С.99-100.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976; Эгамов Х. Сайёр сюжетлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975; Шомусаров Ш. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – С. 304.

<sup>4</sup> Бобожонова У.Б. Странствующие мотивы фольклора / Филология и лингвистика в современном обществе. – М: Буки - Веди, 2016. – С.21-22.

<sup>5</sup> Ибрагимова Д.Т. Эволюция “странствующих” сюжетов (сравнительный и структурный анализ древнегерманского героического эпоса) // Филология и лингвистика. – М., 2017. - №2 (6). – С.48-51

эпик жанрлар тараққиётида салмоқли ўрин тутди. Сеҳрли эртаклар ҳар бир халқнинг битмас-туганмас маънавий бойлиги бўлиб, бундай эртакларда кўпроқ халқнинг орзу-умидлари, урф-одатлари, қувонч-қайғулари ва истак-армонлари акс эттирилади, эзгулик ғоялари, олийжаноблик фазилатлари улуғланади. Инсоннинг ҳаётга бўлган муносабатида оптимистик руҳнинг туғилишига сабаб бўлганлиги туфайли ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари бадиий сюжети жиҳатидан ранг-баранг ва гўзалдир. Сеҳрли эртакларда фантастика - ўйдирма, ғайритабиий воқеа-ҳодисалар, дев, алвасти, ажина, шайтон каби хаёлий-фантастик образлар, сеҳрли буюмлар ва тилсим асосий ўринни эгаллайди. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг сюжет тизими шаклланишида “сайёр сюжетлар”нинг тутган ўрни ниҳоятда катта. Бу эртаклар орасида рус ва бошқа қардош халқлар ўртасида кўчиб юрадиган эртаклар сюжетини ҳам, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё халқларида учрайдиган эртаклар сюжетини (хинд, араб, эрон, тожик, туркман, озарбайжон) ва фақат ўзбек халқ фольклорига хос оригинал сюжетдаги эртакларни ҳам учратишимиз мумкин”<sup>1</sup>.

Ўзбек халқ эртакларининг сюжети Ўрта Осиё халқларининг узоқ асрлар давомида жуда кўп мамлакатлар билан турли муносабатларда бўлганлигини кўрсатади. Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо йўлларининг Ўрта Осиёдан ўтиши бу ердаги маҳаллий халқлар маданияти, санъати, ёзма ва оғзаки адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Ўзбек халқининг сеҳрли эртаклари орасида кўшни ўлкалар халқларининг эртаклари сюжетига ўхшаш сюжетлар кўп учрайди ва уларнинг кўпи халқаро сюжет ҳисобланади. Уч оғайнининг сафарга чиқиши, кенжа ботирнинг гўзал қизни олиб, акаларини қутқариб, ватанига қайтаётганда акалари уни қудукдан чиқармай ташлаб кетишлари, кенжа ботирнинг кўп қийинчиликларни енгиб муродига етиши мотивига ўхшаш мотивлар ўзбек халқининг “Миср подшоси”, “Абулқосим”, “Сеҳрли олма” каби эртакларида мавжуд. Бошқа халқлар эртакларининг сюжет

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Эртак ва ҳаёт. – Тошкент, 1975. – Б.13.

мотивлари ўзбек халқ эртаклари орасида ҳам учраши, жаҳон халқлари эртаклари сюжетидаги баъзи бир умумий хусусият ўзбек халқ эртаклари учун ҳам хос эканлигини тасдиқлайди. Лекин ўзбек халқ эртаклари сюжетининг халқимиз ҳаёти, дунёқараши, урф-одати, эътиқоди, миллий хусусияти ва яшаш шароити билан чамбарчас боғлиқлиги унинг ўзига хос хусусиятларидандир. Бир халқ иккинчи бир халқдан бирор сюжет ва воқеани олар экан, уни ижодий қайта ишлаб, ўз дидига, миллий руҳига мос келадиган ҳолга келтиради. Чунки, адабий ўзлаштиришда сюжетлар айнан ва қисман такрорланса, бу асар таржима қилингандан сўнг эса сюжет тизими ва мотивлар таркиби турли ўзгаришларга учрайди. Бундай муштарак сюжетлар фольклоршунос олим Ш.Шомусаров таъкидлаганидек, эртак сюжетларининг жонли оғзаки ижро орқали тарқалиши ёки китобат қилинган адабий эртакларнинг халқ орасида оммалашуви натижасида пайдо бўлади. Ўзбек халқ эртакчилигининг ривожидида ҳам мана шундай улкан манба бўлган “Минг бир кеча”нинг ўрни ниҳоятда каттадир. IX асрда яратила бошланган бу асар XVI асрлардан бошлаб бошқа тилларга таржима қилинган бўлса-да, бу китобнинг яратилишига асос бўлган эртаклар “Минг бир кеча” таржима этилмай туриб ровийлар томонидан оғзаки ҳолатда айтилиб, халқ эртакларининг эпик қатламига сингиб кетган. “Минг бир кеча”нинг таржима қилиниши натижасида араб эртакларига хос бўлган кўплаб мотивлар ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг бойишига катта ҳисса қўшди. Милоднинг биринчи асрида вужудга келиб, Марказий Осиё, Мўғулистон, Тибет халқлари орасида жуда машҳур бўлган “Веталининг йигирма беш ҳикояти” китобидаги бешинчи ҳикоя уч оға-ини ботирлар ҳақидаги ўзбек халқ эртакини ёдга солади.

“Минг бир кеча”нинг ўзбеклар орасида тарқалган “сайёр сюжетлар”и ўзбек эртакчиларининг эстетик қарашлари, эпик билими доирасида узок йиллар мобайнида қайта ишланиши натижасида янги эртаклар силсиласи юзага келган. “Минг бир кеча”даги қуш тилини тушунувчи киши ҳақидаги ҳикоя таъсирида яратилган эртаклар ҳам мавжуд. Оригинал сюжетдаги

эртақларимиз синкретик формага эга бўлиб, бу тип эртақларда кўпинча қаҳрамоннинг кучли, ваҳимали махлуқ ёки дев билан олишуви тасвирланади. Қушларнинг нима ҳақда гаплашганликларини билишни истаган шоҳ ҳақидаги эртақ Ўрта Осиё халқлари фольклорига хос бўлгани каби ўзбек халқ фольклорига ҳам хосдир. Хон ёки шоҳнинг қизи қушлар: “Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам - хотин” дегани учун, шоҳ эртақларни ерга уришда айблаб, қизини қашшоқ қалга беради. Доно, ақлли қиз ўз сўзининг устидан чиқиб, камбағал эрни бахтли ва бадавлат қилади. “Маликаи Ҳуснобод” номли ўзбек халқ эртагида ҳам подшо шу сабаб туфайли ўз қизини жазолайди. Бундай муштарак мотивлар кўплаб учрайди.

Маълумки, “Минг бир кеча” таркибидаги сеҳрли эртақлар жуда катта катламни ташкил этади. Шу сабабли эртақларни саккиз жилдлик мажмуа асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ушбу мажмуанинг биринчи жилдидаги “Бой билан жин”, “Оҳули чол”, “Икки итли чол”, “Ҳачирли чол ҳикояси”, “Балиқчи ва дев”, “Ҳийлакор вазир”, “Сеҳрланган йигит”, “Ҳаммол билан қизлар”, “Иккинчи қаландар”, “Учинчи қаландар ҳикояси”, “Вазир Нуриддин ва унинг биродари” каби эртақлар сеҳрли эртақлар бўлиб, ўзбек халқ эртақлари орасида шу сюжетларга ўхшаш муштарак сюжетли эртақлар кўплаб учрайди. Бундай эртақларда қаҳрамонларнинг ғайритабиий кучлар - дев, жинлар билан учрашиши, сеҳрли буюмлардан фойдаланиши, эврилиш мотивининг устунлиги, асосан, сеҳрли эртақларга хос хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Бундай ўзлаштириш жараёнида ҳар бир эртақда миллий колоритнинг сақлаб қолинишига жиддий эътибор берилган. Мана шундай ўзлаштириш жараёнида пайдо бўлган эртақлардан бири “Беш қиз”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ сеҳрли эртагидир. Бу эртақ “Минг бир кеча”нинг 1-жилдида берилган “Ҳаммол билан қизлар”<sup>2</sup> араб эртагига ўхшайди. Бу эртақларнинг сюжет тизими, мотивлар таркиби ва образлари, айнан бир хил. “Минг бир

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.193-208.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.76-92.

кеча”даги эртақда бадий тил воситаларидан унумли фойдаланилган. “Ҳаммол билан қизлар” сеҳрли эртагида беш опа-сингил, уч кўр қаландар - шаҳзода, ҳаммол, халифа ва икки вазир образлари мавжуд бўлиб, ўзбек халқ эртагига ҳам шу образлар тўлиқ ўтган, фақат халифа ўрнида подшо образи берилган. Ўзбек халқ эртагидаги қизларга исмлар берилган, “Минг бир кеча”да эса улар номланмаган. Опа-сингиллар - Кароматхон, Мўътабархон, Мукаррамхон, Адолатхон, Саломатхон деб номланган бўлса, шаҳзодаларга Доғистон мамлакати подшоҳининг ўғли Шоакбар, Канъон шаҳри подшоҳининг ўғли Ғулом, Миср подшоҳининг ўғли Баҳром деб аталган. Асосий мотив опа-сингиллар уйига ҳаммол, уч кўр қаландар, савдогар қиёфасидаги халифа ва вазирлар ташрифи билан бошланади. Базмдан сўнг опа-сингиллар икки итни жазолашади. Жазоланганлар хиёнаткорлиги туфайли итга айлантирилган сингиллар эди. Эврилиш мотивидан фойдаланилганлиги сабабли сеҳрли эртақ ҳисобланади. Меҳмонларга бу ҳовлига киришдан аввал шу уйда нима воқеа рўй берса ҳам ҳеч нарса сўрамаслик шарт қилиб қўйилган эди. Аммо улар бу шартни бузади. Жаҳли чиққан бека етти қулга уларни жазолашни буюради. Ўлими олдидан қаландарларга ўз тарихини айтиш буюрилади. Қаландарлар ўз тарихини баён этади, бу қаландар – шаҳзодалар тарихи ҳам айнан бир хил, фақат “Минг бир кеча”даги эртақда қалб кечинмалари шеърӣ шаклда ифодаланган. Бу сатрлар қайноқ қалбли инсонларнинг руҳий ҳолатини жонли акс эттиришга хизмат қилган. “Минг бир кеча”даги итлар воқеасини ҳаммол сўраса, бу воқеани ўзбек халқ эртагида қизиққон подшо сўрайди. Ҳажман салмоқли бўлган бу ҳикоятдаги воқеалар ўзбек халқ эртагининг сюжетига айнан кўчирилган ва бу сюжет тизими бутунлай яхлит ҳолатда ўзлаштирилган.

“Ҳийлакор вазир”<sup>1</sup> араб ҳикоясида ва “Моҳистара” номли ўзбек халқ эртагидаги шаҳзоданинг отига мингашган махлуқ мотиви мавжуд. Бу мотив 5-жилддаги “Шаҳзода ва ғул” эртагида ҳам такрорланади. “Ҳийлакор

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.53-54.

вазир”да шахзода овга бориб адашиб қолади ва кўл бўйида йиғлаб турган кизга йўлиқади. Бу киз ғоят бадбашара дев эканлигини билган шахзода отга камчи уради ва базўр девдан кутулади. Шубҳасиз, бу мотивларнинг илдизлари “Минг бир кеча”га бориб тақалади. Мажмуа таъсирида бу мотив кўплаб эртаклар таркибига киритилган.

“Минг бир кеча”даги “Сехрланган йигит ҳикояси”<sup>1</sup> асосида ҳам ўзбек халқ эртаклари яратилган. Фольклоршунос олим Ш.Шомусаров “Минг бир кеча”да берилган “Сехрланган йигит ҳикояси”<sup>2</sup>даги айёр хотин билан боғлиқ воқеалар тафсилоти “Сирли гиламча” номли ўзбек халқ эртагидаги “Гул ва Санобаршоҳ”<sup>3</sup> саргузаштларини ёдга тушириши, “Бир мирилик ҳикмат” номли араб эртаги “Сирли туш”, “Уч оғиз ўғит” номли ўзбек халқ эртакларининг яратилишига асос бўлганлигини, “Туз”номли араб эртагидаги воқеалар ўзбекларнинг “Доно хотин” эртагига яқинлигини аниқлаган<sup>4</sup>.

“Ярми тош киши ёки сеҳрланган йигит ҳикояси” араб эртаги билан “Санобаршоҳ ва Гул воқеаси”ни Ш.Шомусаров таҳлил қилган, аммо “Сухроб ва Мирзоб”<sup>5</sup> номли ўзбек халқ эртаклари сюжетида ҳам кўплаб ўзаро ўхшаш мотивларни аниқлаш мумкин. “Минг бир кеча”да қора қул, ўзбек халқ эртакларида эса хиёнаткор Қаҳратон образи мавжуд. “Санобаршоҳ ва Гул воқеаси” эртагида Қаҳратон - қирқ нафар қуллар бошлиғи, “Сухроб ва Мирзоб” да Қаҳратон - девлар саркардаси ва шахзодаси. “Сухроб ва Мирзоб”да девлар Хуррамшоҳнинг қизи Қўзихон бекани ўғирлаб кетади. Бу мотивлар дастлаб араб эртаклари таркибида бўлган ва кейинчалик турлича ўзгаришларга учраган ҳолатда ўзбек халқ эртакларига таъсир кўрсатган.

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.66-70.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.66-70.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 2 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 1995. – Б.164-169.

<sup>4</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклорининг тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. – Б.252.

<sup>5</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртаклар. – Тошкент, 1966. – Б.139-160.

Иккинчи жилдда “Қўли чопилган аёл” ҳикояти берилган. “Ҳасан ва Ҳурлико”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртагининг дастлабки бошланғич мотиви “Минг бир кеча”даги “Қўли чопилган аёл” ҳикоятдан олинган. “Қўли чопилган аёл”<sup>2</sup> ҳикоятида подшо томонидан оллоҳ йулида гадойга иккита нон бергани учун бу аёлнинг қўллари чопиб ташланади. Бу мотив ўзлаштириш жараёнида катта ўзгаришларга учрайди. “Ҳасан ва Ҳурлико” номли ўзбек халқ эртагида укасининг боласини ўлдирганликда ноҳақ айбланган аёлнинг қўллари укаси томонидан чопиб ташланади. Худди шу эртак сюжети “Қўлсиз аёл”<sup>3</sup> номли рус халқ эртагида ҳам мавжуд. “Минг бир кеча”даги жуда кўп мотивлар ўзбек халқ эртаклари таркибига сингиб кетган ва сюжет тизимида асосий вазифани бажарган.

Учинчи жилддаги “Анжад ва Асад”, “Аловиддин Абу Ашшамот қиссаси”лари ҳам сеҳрли эртаклар ҳисобланади. “Анжад ва Асад”<sup>4</sup> араб эртагидаги воқеалар “Мурқумомо” номли ўзбек халқ сеҳрли эртагида учрайди. Шаҳрамон шоҳнинг ўғли Қамаруззамон малика Будур ва Армонус шоҳнинг қизи малика Ҳаётуннуфусга ўйланади. Малика Будурдан Анжад ва Ҳаётуннуфусдан Асад туғилади. Аммо тухматга қолган шахзодаларни подшо ўлимга маҳкум этади. Аммо ўлдириш буюрилган хазиначининг уларга раҳми келади. Чунки иккиси ҳам бирдан биринчи ўзини қатл этишни сўрайди. Хазиначи ўлдирмоқчи бўлганда қимматбаҳо оти тўқайга қочиб кетади, тўқайда ака-укалар хазиначини шердан қутқариб қолади ва хазиначи уларни отга миндириб қўйиб юборади. Бу воқеа "Мурқумомо" эртагида ҳам мавжуд. Чолнинг ўғиллари Мажид ва Ҳамид бир куни уйни таъмирлаш учун келадиган уста учун сўйилган етти подшо хирожига тенг келадиган Мурқумомо қушининг тожини еб қўйишибди. Уста болаларни ўлдириб, жигарини ейишини айтади. Чолнинг хотини болаларни жаллодга топширди.

---

<sup>1</sup>Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1990. – Б.150-158.

<sup>2</sup>Тысяча одна ночь. Т 2. – Ашгабат, 1993. – С.207-208.

<sup>3</sup> Сеҳрли узук. Эртаклар. – Тошкент, 1990. – Б.71-84.

<sup>4</sup> Минг бир кеча. 8 томлик. 3-том. – Тошкент, 1960. – Б.225-270.



Мажид билан Ҳамид ҳам аввал ўзини қатл этишни ялиниб сўрайди. Раҳми келган жаллод болаларни отга миндириб қўйиб юборади ва икки итни сўйиб жигарини чолнинг хотинига элтади. Араб эртагида шоҳ Қамаруззамон болаларининг ноҳақ ўлдирилганини билгач, иккита қабр ишлаттириб, ўғилларининг исмларини ёздирибди ва ғам уйи - байтул эҳзонда оҳ уриб йиғлаб ўтирибди. Ўзбек халқ эртагида ҳам Ҳамид билан Мажидни ўлди деб ўйлаган чолнинг хотини иккита гўр қилиб, сағаналарга йигитларнинг номини ёзибди, чол келса қароқчилар ўлдирди дейман деб, шу ерда йиғлаб ўтирибди. Иккала эртақда ҳам ўзаро ўхшаш воқеалар тасвирини кузатиш мумкин.

“Минг бир кеча”нинг учинчи жилдида учрайдиган “Куёвдан айрилган кизнинг куёвга интилиши” ҳақидаги эртақ фольклоршунос С.Қасқабасов ва Г.Н.Потанинлар ёзиб олган “Вазир” номли қозоқ халқ эртагига ўхшашлигини аниқлаганлар. Л.Г.Бараг томонидан эса “Минг бир кеча” эртақларига ўхшаш бўлган “Жодугар хотин”, “Қийизбой ва султоннинг қизлари”<sup>1</sup> номли бошқирд халқ эртақлари таҳлил этилган.

“Минг бир кеча”даги “Аловиддин ва тилсим чироқ ҳақида”<sup>2</sup> ҳикояси “Сеҳрли шамчироқ”<sup>3</sup> ва “Маҳмуд ямоқчи”<sup>4</sup> номли ўзбек халқ эртақларининг яратилиши ва шаклланишига сабаб бўлган. Чин шаҳарларидан бирида яшовчи тикувчининг ўғли бўлган Аловиддин отаси ўлимида сўнг ёлғиз онаси билан яшайди, бебош бўлиб кетади ва жодугар мағрибий ёрдамида ғордан сеҳрли чироқни олади ва унинг саргузаштлари бошланади. “Сеҳрли шамчироқ” ва “Маҳмуд ямоқчи” эртақларда ҳам Оловиддиннинг мўйсафид чолга сеҳрли шамчироқни олиб бериш воқеалари ҳикоя қилинади. Фақат “Маҳмуд ямоқчи”да чол билимдон бўлиб, у Хизр бува экан. Эртақ ўзгаришга учраган. “Сеҳрли шамчироқ”да эса араб эртаги билан бир хил сюжет

---

<sup>1</sup>Бараг Л.Г. Об отношении башкирских волшебных сказок к русским / Отражение межэтнических процессов в устной прозе. – М., 1979. – С.86.

<sup>2</sup> Бир соатлик халифа. – Тошкент, 1989. – Б.101-152.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.81-85.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.79-80.

такрорланади. (Абдулла Қаҳҳор таржимаси асосида 1986 йилда нашр этилган “Бир соатлик халифа” китобидан фойдаландик)

“Минг бир кеча”нинг бешинчи жилдидаги “Ҳосиб ва илонлар маликаси” эртагининг ичида келган “Булуқиё”, “Жоншоҳ” каби қиссалар, “Синдбод Баҳрий саргузаштлари”, “Тилсим шаҳар қиссаси”, “Шаҳзода ва вазир” эртагининг ичида келган “Шаҳзода ва ғул”, “Сеҳрланган булоқ” эртаклари сеҳрли эртаklar туркумига киради. “Ҳосиб ва илонлар маликаси”<sup>1</sup> эртагида Жоншоҳнинг бир савдогар томонидан мешга солиниб олмосли тоққа қуш ёрдамида элтиб ташланиши мотиви “Сирли гиламча” номли ўзбек халқ эртагидаги “Мардикор”<sup>2</sup> воқеасига ўхшайди. Бу мотив “Минг бир кеча”даги “Басралик Ҳасан”<sup>3</sup> қиссасида ҳам учрайди. Шунингдек, “Жоншоҳ” ҳақидаги эртақда кабутарга ўхшаш қушларнинг кўлга учиб келиб, ойдаи қизларга айланиши ҳикоя қилинади. Бу мотив кўплаб ўзбек эртақларида учрайди. “Моҳистара”<sup>4</sup> номли ўзбек халқ сеҳрли эртагида ҳам бир тўп оқ каптарлар учиб келиб, бир зумда пари қизларга айланиши мотиви мавжуд. Қаҳрамоннинг олдидан кийик ўтиши мотиви “Минг бир кеча”нинг 5-жилдидаги “Шаҳзода ва етти вазир” ҳикоятининг учинчи кундаги<sup>5</sup> ҳикоятда мавжуд бўлса, “Моҳистара”, “Муқбил тошотар”<sup>6</sup> каби ўзбек халқ эртақларида ҳам бу мотивни учратиш мумкин. Шунингдек, ўнг ва чап қулоғини бураса учадиган ёғоч от тасвири ҳам ўзбек эртақларига араб эртақларидан ўтган.

“Минг бир кеча”даги “Шаҳзода ва вазир” эртагининг ичида келган “Шаҳзода ва ғул”<sup>7</sup> эртагида подшо ўғли шаҳзода кийик ортидан қувиб харобазор шаҳарга чиқиб қолади. Шаҳар деворларининг тагида йиғлаб турган гўзал қизни учратади ва қиз ўзини Шаҳбо ерининг подшоси ат-Таббоҳ

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.71-175.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-жилд. – Тошкент, 1995. – Б.171-173.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 7-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.233-235.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1990. – Б.161.

<sup>5</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.233-235.

<sup>6</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.157.

<sup>7</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.33-235.

Ўғли ат-Тамимнинг қизиман деб таништиради. Ат-Таббоҳ подшонинг набираси уни саройдан бир дев олиб қочганлигини, бир шуъла тушиб девни куйдириб юборганлигини, ерга тушиб қолган қиз уч кундан бери оч эканлигини айтади. Унга раҳми келган шаҳзода отнинг орқасига мингаштириб олди. Йўлда қиз отдан тушади ва панага ўтиб хунук бўлиб чиқади. Алвастига айланган қиз сақраб отнинг орқасига миниб олади. Астойдил дуо қилган шаҳзода Оллоҳнинг ёрдамида алвасти қиздан қутулади. Йўлда шаҳзоданинг орқасига мингашган мавжудотнинг алвастига айланиши “Моҳистара”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам учрайди. Ҳиндистонга йўл олган Шаҳзода Шавкат бир чўлу биёбонга чиқиб қолади ва қандайдир бир нарса отнинг орқасига ирғиб минади. Шаҳзода ҳайрон бўлиб орқасига қараса, бир махлуқ - ҳар кўзи шокосадай, бурни ялпоқ, жунлари қаричга келади, одам деса одамга, маймун деса маймунга ўхшамайди. Шаҳзода бу махлуқнинг икки кўлтиғидан ушлаб қаттиқ сиқди-да, отдан кўтариб ерга урди. Махлуқнинг оёғи синиб қийқирганча қочди ва шерикларини бошлаб келди. Шаҳзода таваккал қилиб от солди, махлуқларнинг кўпларини ўлдириб, базўр улардан қутулди. “Илон пари”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам бир подшо овга бориб дарахт тагида ўтирган пари қизни учратиб қолиб, саройга келтирибди. Бу пари қиз илон экан. Барча эртақларда ҳам кимсасиз манзил, пари қиз, отнинг орқасига ирғиб минган алвасти, махлуқ тимсоллари мавжуд. Шунингдек халқ оғзаки ижодида Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган “Кўркам қиз”, “Илончи ва аждарҳо”<sup>3</sup> афсоналарида шундай мотив мавжуд. Кимсасиз туманга келиб қолган отлиқ бир қизни топиб олади ва отга мингаштириб келади. Қизнинг оғзидан бадбўй ҳид келар эди. Бу кўркам қиз аждарҳо эди. “Илончи ва аждарҳо” афсонасида эса подшо овда топиб олган қизни сипоҳилар отнинг орқасига миндириб олиб келадилар, бу қиз ҳам

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.49.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.258-259.

<sup>3</sup> Боболардан қолган нақллар. Ёзиб олувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчилар М.Жўраев, У.Сатторов. – Тошкент, 1998. – Б.27-28.

аждархо эди. “Пахлавон Рустам” номли ўзбек халқ эртагида ҳам Рустамнинг орқасига минган чолнинг қўрқинчли махлуққа айланиши мотиви мавжуд<sup>1</sup>. Бу мотив эртакларда бироз ўзгаришларга учраган бўлса ҳам, асос битта - отнинг орқасига минган жонзотнинг ғайритабиий мавжудот эканлиги тасвирланади ва бу мавжудот одамзотга душманлик қилиб уни ҳалокатга юзлаштирмоқчи бўлади. Аммо эпик қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракати туфайли бу ғайритабиий мавжудотдан қутулиб қоладилар.

“Шаҳзода ва вазир” эртагининг ичида келган “Сеҳрланган булоқ”<sup>2</sup> ҳикоятида саҳродаги тоғда жойлашган Заҳра номли сеҳрли оқар чашма ҳақида ҳикоя қилинади. Заҳра чашмасидан эркак киши ичса аёлга айланиб қолишини билган вазир шаҳзодага душманлик қилиш ниятида атайлаб шу чашмага олиб боради ва ниятига етади. Шаҳзода жин подшоларидан бири Зулжаноҳайнунинг ерида жойлашган Қоратоғдаги “Хотинлар чашмаси”дан ичиб бу фалокатдан қутулади. Унга бу ишда жин подшоҳининг ўғли ёрдам беради. Ўзбек халқ эртаклари орасида ҳам худди шундай хусусиятга эга бўлган чашма ҳақидаги эртак мавжуд. Бу “Савдогар ўғли”<sup>3</sup> ўзбек эртагидир. Сафарга чиққан савдогар ўғли сувсаб дарахт кўринган жойга боради ва дарахт ковагининг ичидаги чашмага қараган экан чашмадан ғойибона овоз келибди: “Эркак бўлса аёл бўлсин, аёл бўлса эркак бўлсин”. Савдогар ўғли шу тариқа аёлга айланади ва ғорга яшириниб олганда подшо томонидан топиб олинади, подшога хотин бўлади.

Ўзбек халқ эртакларидаги вафодор тўтининг тухматга учраши, шоҳ томонидан ўлдирилиши, қуш тилини тушунувчи кишилар ҳақидаги ва бошқа бир қатор эртаклардаги асосий мотивлар халқ китобларидаги мотивларга ҳамоҳанг. Ҳинд халқ китоби “Тўтинома”даги вафодор тўти образи аввал форс, кейин араб эртаклари таъсирида ўзбек халқ эртакчилигида ҳам таъсир

---

<sup>1</sup>Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртаклар. – Тошкент, 1985. – Б.9.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.385-389.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртаклар. – Тошкент, 1966. – Б.304-324.

этган. Тўтининг ноҳақ ўлдирилиши мотиви “Уч оғайни ботирлар” номли ўзбек халқ эртагида учрайди. Тўтининг ноҳақ ўлдирилиши “Минг бир кеча”да ҳам мавжуд. “Минг бир кеча”нинг 579-кечасида “Шаҳзода ва етти вазир” эртагида хотинлар макри ҳақида вазир тилидан<sup>1</sup> ҳикоя қилинади. Кўп сафарда юрадиган савдогар хотинига овунчоқ бўлиш учун тўти олиб берган экан. Хотин ҳийла билан савдогарни алдайди ва савдогар хиёнаткор хотинига ишониб тўтини сўйиб ташлайди. Кунларнинг бирида хотиннинг хиёнати очилади ва савдогар қилган ишига пушаймон бўлади. Иккала эртақда ҳам тўти образи ростгўйлик рамзи сифатида талқин этилган. Тўтининг ноҳақ айбланиши мотиви “Мислабу”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам учрайди. Подшонинг қирқинчи хотинига Мислабу парини энг чиройли деб таърифлагани учун малика тўтини сўйиб гўштини кабоб қилишни хизматкор чўрига буюради. Тўтига раҳми келган чўри аёл тўтининг маслаҳати билан мусичани сўйиб, маликага юборади ва бу учун подшо томонидан мукофотланади. Хотинлар макри ҳақидаги “Минг бир кеча”даги эртақда<sup>3</sup> подшонинг вазир хотинини севиб қолиши воқеалари “Тухмат балоси”<sup>4</sup> номли ўзбек халқ эрагининг воқеаларига ўхшайди. Фольклоршунос олим Ғайрат Жалолов “Вафо”, “Гулжамол”, “Камбағал хотиннинг ҳийласи”, “Тухматчилар жазоси”, “Тадбирли аёл”, “Сўлмас гул ёки вафодор хотин” каби эртақлар, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедияси сюжети “Минг бир кеча”нинг 593-596-кечаларида<sup>5</sup>ги “Хотиннинг макри” араб эрагига жуда яқинлигини қайд қилган эди<sup>6</sup>. Бешинчи жилднинг 581-кечасидаги<sup>7</sup> араб эртаги ҳам шу сюжетга ҳамоҳанг, бир хил. “Минг бир кеча”даги бу эртақлар хотинлар макри ҳақида бўлиб, сеҳрли эртақ бўлмаса-да, сюжет тизими айнан ўхшашлиги билан характерланади.

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.373-374.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртақлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1966. – Б.242-251.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.370.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртқлари. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.120-128.

<sup>5</sup> Минг бир кеча. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.417-426.

<sup>6</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.153-154.

<sup>7</sup> Минг бир кеча. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.378-380.

“Минг бир кеча”нинг олтинчи жилдидаги “Ажиб ва Ғариб”, “Али Зиъбақ Мисрий” каби эртақларни ҳам сеҳрли эртақларга киритиш мумкин. “Ажиб ва Ғариб” эртагининг сюжетидаги баъзи мотивлар “Рустамзод ва Шерзод”, “Мурқумомо” номли ўзбек халқ эртақларини ёдга солади. “Ажиб ва Ғариб”<sup>1</sup> эртагида Кандамир подшонинг ўғли Ажиб шайтонга дарс берадиган йигит бўлгандан сўнг ўз отасини ўлдириб, отасининг етти ойлик ҳомиладор канизагини денгизга чўктиришга буюради, чунки тушнинг таъбирига кўра ўз укаси уни ўлдирши керак эди. Аммо икки қул канизакнинг гўзаллигини кўриб уни ўлдирмайди, балки дарахтзорга олиб қочади, қора занжилар келиб икки қулни ўлдиради. Канизак биёбонда ўғил кўради ва ўғлига Ғариб деб ном қўяди. “Шерзод ва Гулшод”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида шер билан олишиб вафот этган подшо ўз вазирига ишониб мамлакатни топширади ва ҳомиладор хотинини авайлаб-асрашни, фарзанди катта бўлганда ўз ўрнига ўтказишини васият қилиб дунёдан кўз юмади. Тахтдан айрилишни истамаган Нодирбек ва вазир турли хийлалар ишлатиб тил бириктиради ва ҳомиладор аёлни сайр қилдирамиз деган баҳона билан ўрмонзорга элтиб зиндондаги маҳбусларга ўлдиртиради. Шерзод ана шундай вазиятда туғилади. Иккала эртақда ҳам тож-тахт учун учун ҳомиладор аёлни ўлдирши мотиви учрайди. “Рустамзод ва Шерзод”<sup>3</sup> эртагида ҳам Шерзод малика Нусратга уйлангач, подшодан рухсат сўраб ўз уйига йўл олади. Подшо ўз одамларидан сафарга қўшиб берди, йўлда подшо кишилари маликанинг хуснини кўриб айниди ва Шерзодни дарёга отдилар. Маликани сандиққа солиб дарёдан ўтаётганда подшо Рустамзод кўриб қолди ва сандиқни ўғрилاردан тортиб олди. “Ажиб ва Ғариб” эртагида ҳам “Рустамзод ва Шерзод” эртагида ҳам маликанинг хуснини кўриб ўлдирмасдан олиб қочиб кетади. “Ажиб ва Ғариб”, “Рустамзод ва Шерзод” , “Мурқумомо”

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 6-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.76-282.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртақлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1966. – Б.251-257.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.136-153.

эртақларида ҳам ака-укалар тимсоли мавжуд. Ажиб, Ғариб ва Саҳим ул Лайл, Рустамзод ва Шерзод, Мажид ва Ҳамидлар. Улар ўзаро меҳрибон, ҳақиқий биродарлар, керак пайтда бир-бирига жонини фидо қилади. Фақатгина Ажиб золим ва қонхўр. Шу ўзбек халқ эртақларидаги ака-укаларнинг қимматбаҳо куш - мурғимусаммо, Мурқумомоларнинг пишган тожини, сангдонини еб шоҳга ва бойга айланиши воқеалари ўзаро ўхшаш. Араб эртагида бу мотив мавжуд эмас.

“Минг бир кеча”нинг 708-кечасидаги “Али Зиёбақ”<sup>1</sup> воқеалари “Хасис бой билан Абдурахмон ўғри”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ сеҳрли эртагини ёдга туширади. Зиёбақ сўзининг маъноси симоб бўлиб, Али Зиёбақ тегирмонга тушса бутун чиқадиган, ўлгудай айёр одам эди. Ўзбек халқ эртагидаги Абдурахмон ўғри ҳам айёрлик билан хасис бойни алдайди. Иккала эртақда ҳам ўзаро ўхшаш мотивлар мавжуд бўлиб, араб эртагида Али Зиёбақнинг чаққонлиги мақталади, ўзбек эртагида эса бойнинг пулини усталик билан ўғирлаб олган Абдурахмон ўғридан хасис бой ўз пулини сўнгги тангасигача олади. Бунда хасис бой танқид остига олинади.

“Минг бир кеча”нинг еттинчи жилдидаги “Басралик Ҳасан”, “Балиқчи Халиф” эртақларини сеҳрли эртақлар сифатида таҳлил қилиш мумкин. “Басралик Ҳасан”<sup>3</sup> қиссасига ўхшаш сюжетлар “Минг бир кеча”нинг бешинчи жилдидаги Жоншоҳнинг савдогар томонидан тоққа ташлаб кетилиши воқеасига ўхшайди. “Хўжа Бозиргон ва Ҳасан ўтинчи”<sup>4</sup> номли ўзбек халқ эртаги ҳам шу мотивлар асосида яратилганлигини Ш.Шомасаров таҳлил қилган.

“Минг бир кеча” китоби таъсирида ўзбек халқ сеҳрли эртақларига сеҳрли предметлар, афсонавий образлар ҳам кириб келди. Бу сеҳрли буюмларсиз қаҳрамон ўз ниятига ета олмайди. Сеҳрли буюмларнинг эпик

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 6-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.408-466.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.129-135.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 7-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.233-235.

<sup>4</sup> Хоразм эртақлари. – Тошкент, 1961. – Б.137-140.

моҳияти ҳақида фольклоршунос К.Имомов шундай ёзади: “Тилсим узук, шамшир, ойнаижаҳон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, очил дастурхон, чакмоқ тош, сирли чўп, тутатқи, олма сингари сеҳрли буюмлардаги магик куч қаҳрамон атрофидаги ёрдамчи куч вазифасини бажаради, энг муҳими эртақларга хос воқеа ва образлар яратувчи бадиий таъсир воситалари ҳисобланади”<sup>1</sup>. Бундай бадиий деталь иштирок этган халқ эртақлари “Аарне-Томпсон кўрсаткичи”да “Ғаройиб предмет” туркуми остида умумлаштирилган. “Минг бир кеча” эртақларидаги рўмолча, сурмадон, узук, тош, пичоқ, қилич, халта, сув, тупроқ, таёқ, учар тахт, мунчоқ сингари ғаройиб предметлар ўзбек халқ эртақларида айнан ёки муайян ўзгаришга учраган ҳолда қўлланилади. “Басралик Ҳасан” эртагида ҳам сеҳрли буюмлар - тилсим нақш қилинган мис таёқ ва пўлат билан турли исм, муҳр шакллари битилган уч қиррали чарм қалпоқ<sup>2</sup> қаҳрамонни ўз мақсадига етказди. “Моҳистара”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртагида сеҳрли қалпоқ, гиламча, камон, олтин жом сеҳрли буюмлари ёрдам берса, “Мурқумоммо”<sup>4</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳасса, қалпоқ ва тўрт теварагига турли сўзлар ёзилган гилам қаҳрамоннинг ўз ниятига амалга оширишда ёрдам беради. Хуллас, “Минг бир кеча”дан ўтган бундай мотивларни жуда кўплаб ўзбек халқ сеҳрли эртақларида учратиш мумкин.

“Минг бир кеча”даги “Балиқчи халиф ва маймунлар”<sup>5</sup> қиссасида халифанинг севган канизаги Қутулқулуб Ҳорун ар-Рашиднинг хотини Зубайда томонидан наша едирилиб сандиққа солинади ва сотиб юборилади. Бу мотив айни ҳолатда “Минг бир кеча”даги “Савдогар Айюб билан унинг ўғли Ғаним ибни Айюб”<sup>6</sup> эртагида ҳам такрорланади. Канизак Қутулқулубни Ситтизубайда наша едириб, ҳушидан кетган канизакни сандиққа солиб

---

<sup>1</sup> Имомов К. Эртақлар / Ўзбек фольклори очерклари. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 1989. – Б.69-70.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 7-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.358.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.52.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.35.

<sup>5</sup> Минг бир кеча. 7-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.418-422.

<sup>6</sup> Минг бир кеча. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.33-38.



кўмдиради, аммо уни Ғаним қизиқиб очиб кўради ва канизакни ўлимдан кутқаради. Бу мотиа “Шаҳзода Асад”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам учрайди. Бу эртақда подшонинг қизи малика севимли хизматкорлари билан базмда қатнашади. Малика билан куч синашишда енгилиб қолган хизматкор йигит унга ҳанжар санчади ва сандиққа солиб ташлаб юборади. Қизнинг сандиққа солиниб ташлаб юборилиш барча эртақларда учрайди.

“Минг бир кеча”нинг саккизинчи жилдида “Абуқир ва Абусир” “Маъруф Аскофий қиссаси”, “Абдуллоҳ ибн Фозил ва унинг биродарлари”, “Абдуллоҳ Баҳрий” каби эртақлар ҳам сеҳрли бўлиб, унга ўхшаш муштарак мотивлар ўзбек халқ эртақларида ҳам учрайди. “Маъруф Аскофий”<sup>2</sup> қиссасининг сюжет тизими “Ямоқчи”<sup>3</sup> номли ўзбек халқини эслатади. Араб эртагида ямоқчининг хотини безбет Фотима бўлса, ўзбек эртагида фол очадиган Рўзвон фирибгар экан. Иккала эртақда ҳам айнан ўхшаш воқеалар тасвири берилади. Шунингдек, “Абуқир ва Абусир” номли эртақ воқеалари ҳам “Муқбил ва Мудбир”, “Эгривой билан Тўғрибой” номли ўзбек халқ эртақларига, “Абдуллоҳ Баҳрий” араб ҳикояти “Сув қизи” номли ўзбек халқ эртақларини ёдга туширади.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, “Минг бир кеча” орқали ўзбек халқ эртақларига ўтган мотив, образ ва муштарак сюжетлар ўзбек халқ сеҳрли эртақларининг такомиллашувига сабаб бўлди. “Минг бир кеча”дан ўтган мотивлар асосида баъзан айнан, баъзан янгидан-янги халқ эртақлари пайдо бўлди ва ўзбек халқ эртақчилигининг ривожланишига сабаб бўлди.

Диссертациянинг иккинчи бобида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. “Минг бир кеча” мажмуаси ва ўзбек халқ эртақлари таркибидаги жуда катта қатламни сеҳрли эртақлар ташкил этиши аниқланди. Бу сеҳрли

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2 жилдлик. 2-жилд. –Тошкент,1995. – Б.144-145.

<sup>2</sup>Минг бир кеча. 8-жилд. – Тошкент,1963. – Б.533-597.

<sup>3</sup>Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.221-225.

эртактларнинг илдизи ғоят қадимий бўлиб, эпик жанрлар тарақиётига бу эртактларнинг таъсири катта бўлганлигига гувоҳ бўлдик. “Сайёр сюжет”ли эртактларни таҳлилга тортиш натижасида ҳар иккала манбада ҳам ўзаро ўхшаш сюжетли эртактларнинг кўплиги аниқланди. Ўзбек халқ сеҳрли эртактлари сюжет тизимининг шаклланишида “Минг бир кеча”дан ўтган “сайёр сюжетлар” муҳим роль ўйнаганлиги далилланди.

2. “Минг бир кеча” таркибидаги сеҳрли эртактларда воқеалар бир-бирига узвийликда ўзаро боғлиқ, катта ҳажмли, эртакт ичида эртакт шаклида келади, бу ҳолат ўзбек эртактларида ҳам мавжуд бўлса-да, айрим эртактлардагина такрорланиши аниқланди. Мазкур мажмуадаги сеҳрли эртактларнинг бадиий тили бой, шеърӣ парчалар билан безатилган, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари бадиий тил воситасида тасвирланган. Эртактларнинг бадиий тилига хос халқчиллик, соддалик ва равонлик ўзбек халқ сеҳрли эртактларига ҳам хос етакчи хусусиятлардан биридир.
3. Ўзбек халқ эртактлари сюжет тизими, мотивлар таркиби ва образлар силсиласининг шаклланишида “сайёр сюжетлар” катта ўрин эгаллайди. Бу кўчиб юрувчи сюжетлар асосида жаҳон халқлари эртактчилигида кўплаб янгидан-янги эртактлар яратилди. Ҳинд ва эрон эртактчилиги таъсирида бойиб борган араб эртактчилиги туркий халқлар эртактларининг сюжет тизимини бойитувчи анъанавӣ мотивлар таркибини янги бадиий элементлар билан тўлдирувчи образ, поэтик деталь ва формулаларнинг янги кўринишларини шакллантирувчи эпик замин вазифасини бажарди.
4. Араб, юнон, ҳинд, эрон ва бошқа халқлар фольклоридан ўтган “сайёр сюжетлар” Ўрта Осиё туркий халқлари эртактчиларининг репертуарида узоқ асрлар мобайнида қайта-қайта ишланиши, анъанавӣ мотивларга миллий руҳ бахш этилиб, янги деталлар билан такомиллаштирилиши натижасида янгидан-янги эртактлар қатлами юзага келишига сабаб бўлди. Ўзбек халқ эртактларининг сюжет тизими, мотивлар таркиби ва образлар силсиласининг шаклланишида ҳинд, эрон, араб ва юнон эртактчилигининг анъаналари таъсири ниҳоятда катта бўлган.

### III боб

## ЎЗБЕК ҲАМДА АРАБ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА ЭВРИЛИШ ВА САФАР МОТИВЛАРИНИНГ ЭПИК ТАЛҚИНИ

### 3.1. Ўзбек ва араб халқ эртакларида эврилиш мотивининг ўзига хос поэтик талқини

Араб эртаклари таркибидаги кўплаб мотивлар “Минг бир кеча” мажмуаси таъсирида ўзбек халқ эртакларининг сюжет тизимига кириб келган. Маълумки, мотивлар эртак тузилишида муҳим ўрин эгаллайди, сюжетни вужудга келтиришга хизмат қилади. “Мотив эртаклардаги эпизод тариқасидаги кичик тугал фикрни ифодаловчи қисм ҳисобланади”<sup>1</sup>. Эртаклар таркибидаги сюжет ва мотивлар жаҳон фольклоршунослигида А.А.Потебня, А.Н.Веселовский, Путилов, Пропп<sup>2</sup>, Л.Г.Бараг, В.М.Жирмунский, Е.М.Мелетинский, Силантьев, Виноградова, М.А.Сакали, С.А.Аверенцев каби фольклоршунос олимлар томонидан ўрганилган. Эртаклар таркибидаги эврилиш мотивининг ўзига хос хусусиятлари Б.А.Коломакина С.А.Трубецкойларнинг “Мифологическая основа мотива превращения в эпосе” (Бурятский героический эпос), Ю.И.Чаптыкованинг “Мотив превращения в Хакасском героическом эпосе” каби асарларида очиб берилган Шунингдек, яна Б.А.Коломакина<sup>3</sup>, П.Кузнецова<sup>4</sup>, А.Ашировлар<sup>5</sup> томонидан ҳам тадқиқ этилган. Бу мотивнинг тарихи ва унинг эпик асарлар

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Сўзбоши / Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1990. – Б.11.

<sup>2</sup> Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки / [www.gumer.info/Propp..2](http://www.gumer.info/Propp..2)

<sup>3</sup> Коломакина Б.А. Мотив превращения в сибирских сказаниях: структура, классификация // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2017. – №7 (73): в 3-х ч. Ч.1. – С.34-44. Коломакина Б.А. Мотив превращения человека в животное в волшебных сказках бурят и шорцев. Сибирский филологический журнал. – Новосибирск, 2012. – С.19-23.

<sup>4</sup> Кузнецова П. Мотив превращения в мифе и в сказке / Актуальная классика. – М., 2018. – С 27-32.

<sup>5</sup> Аширов А. Мотивы мира в узбекских народных эпических сказаниях // Вестник Северо-Восточного федерального университета имени М.К.Аммосова: Серия Эпосоведение. – Якутск, 2016. – №4 (04). – С.13-18.

таркибида, айниқса, сеҳрли эртақлар таркибида учраши, бу мотивнинг ўзига хос вазифалари ҳақида кўплаб илмий мулоҳазалар баён этилган.

Эврилиш энг қадимий мотивлардан бири ҳисобланиб, ҳодисаларнинг содир бўлишига замин яратади, сюжетнинг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Эврилиш мотиви аслида мифологик қарашлар натижасида аждодлар руҳига сиғиниш, тотемистик-анимистик тасаввурлар асосида мифларда пайдо бўлган. Қадим халқларда ўлган кишини ҳайвон териси билан дафн этиш удумининг сақланиб қолиши натижасида турли эврилишлар ҳақидаги мифологик қарашлар юзага келган. Ирме Эструпнинг фикрларига кўра, эврилиш мотиви дастлаб ҳинд фольклори бағрида вужудга келган<sup>1</sup>. Чунки ҳинд замини қадимий ва сеҳрли диёр бўлганлиги сабабли жуда кўплаб мотивларнинг ватани ҳисобланади.

А.Н.Веселовский эврилиш мотивини биринчилардан бўлиб ўрганган эди. Олимларнинг фикрига кўра, эврилиш космогоник мифлар таркибида юзага келган. Бу мифологик қарашлар натижасида қаҳрамоннинг бир оламдан ўзга ғайб оламига саёҳат қилиши, маълум бир вазифани бажариши, инсоннинг ҳайвонга, қушга, ўсимликларга айланиши мақсадли эврилиш сифатида амалга оширилган. Виноградова ҳам эврилиш натижасида одамларнинг бошқа нарсаларга айланиши, шаклини ўзгартириши - ўсимлик, предмет, тошларга айланишини илмий аспектда тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Ирме Эструп ва Герхард Миалар ҳам “Минг бир кеча” эртақларидаги эврилиш мотивлари ҳақида мулоҳаза юритганлар ва эврилиш содир бўлган эртақларни таҳлилга тортиб ўрганганлар.

Ўзбек фольклоршуносларидан Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, К.Имомов каби олимлар ўзбек халқ эртақлари таркибидаги мотивларни ўрганганлар. Комилжон Имомов бефарзандлик, ҳомиладорлик, қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши, синов ва никоҳ мотивлари<sup>2</sup> ҳақида мулоҳаза юритади.

---

<sup>1</sup> Эструп И. Исследование о “1001 ночи”, ее состав, возникновение и развитие. – М., 1904. – С.273.

<sup>2</sup> Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент, 2008. – Б.129.

Фольклоршунос олим Ш.Шомусаров ўз монографиясида шарқшунос олимлар П.А.Фалев, Л.Г.Бараг, туркман фольклоршуноси М.А.Сақали, қозок олимларидан С.Қасқабасов, Н.Турақулов, М.Авезовлар “Минг бир кеча” эртакларининг туркий халқлар эртакчилигига кўрсатган таъсирини ўрганганликлари ҳақида маълумотлар беради. “...бир халқ эртагига асос бўлган сюжет иккинчи бир халқ фольклорига сингиб кетиши жараёнида эпик асар тўқимасидаги муайян эстетик унсур (мотив)га айланиш ҳолати ҳам кузатилади”<sup>1</sup>, – деб ёзади олим Ш.Шомусаров.

Ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб эврилиш мотивининг ўзига хос хусусиятларини Ғ.Жалолов, М.Муродов ва Ҳ.Шайхов<sup>2</sup>лар ўрганган. Ф.Гўзалев, Т.Раҳмонов, С.Жумаева, Ж.Юсупов, Н.Собирова, М.Содиқова, Д.Ўраева, М.Раҳмоноваларнинг ҳам ўзбек фольклори ва ёзма адабиётида эврилиш мотиви талқинларига доир мақолалари мавжуд<sup>3</sup>. Шунингдек, Д.Қувватова ва Н.Кадировалар ўзбек илмий-бадий фантастикаси ва жаҳон адабиётида эврилиш мотивининг тутган ўрни хусусида номзодлик диссертациясини ёқлаган<sup>4</sup>. Н.Раҳмонов, К.Алламбергенов каби фольклоршунослар сеҳрли эртаклардаги эврилиш мотивининг мифологик сюжетлар билан муносабатини ўрганишган.<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 5-сон. – Б.24.

<sup>2</sup> Жалолов Ғ. Эртаклар фантастикасига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. - №5. – Б.55-58.

Муродов М., Ҳ.Шайхов. Ҳаётбахш хаёллар. – Тошкент, 1985. – Б.110

<sup>3</sup> Гўзалев Ф. Сеҳрли эртакларда эврилиш ва унинг архаик шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. - №4. – Б.48-51; Раҳмонов Т. Сеҳрли эртакларнинг айрим айрим мотивлар генезисига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. - №3-4. – Б.51-55; Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг сюжет ва мотивлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. - №5. – Б.37-39; Юсупов Ж. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // Тухфа. Тўплам. – Тошкент: 2001; Шу муаллиф. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2002. – 1-сон; ; Собирова Н. Хоразм дostonларида эврилиш билан алоқадор мотивлар / Хоразм фольклори. Т.4. – Урганч, 2002. – Б.22-24; Содиқова М. Жон ҳақидаги анимистик тасаввурлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. - №5. – Б.61-67; Ўраева Д. Абдулла Қодирийнинг “Жинлар баъзи” ҳикоясида эврилиш мотиви // Абдулла Қодирий ва ўзбек адабиёти тараққиёти. – Бухоро: Дурдона, 2019. – Б.19-21; Раҳмонова М. Афсоналарда эврилиш мотиви // Филология ва услубиёт масалалари. – Тошкент, 2008. – Б.69-71;

<sup>4</sup> Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари. Филол.фанлари номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1997. – Б.24; ; Қувватова Д. Ўзбек фантастикасида эврилиш мотиви // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2004. - №3. – Б.81-83; Кадирова Н. Жаҳон адиблари ижодида эврилиш мотиви (муштараклик ва индивидуаллик): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020.

<sup>5</sup> Раҳмонов Н. Туркий халқлар сеҳрли эртакларида эврилиш (метаморфоза) ва унинг мифологик сюжет билан муносабати / Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 1997; Шу муаллиф. Эврилиш мотиви ва унинг мифологик сюжетлар билан муносабати / Туркий ёзма ёдгорликлар ва фольклор.

Озарбайжон олими Ф.Гезаловнинг аниқлашича, туркий халқлар сеҳрли-фантастик эртакларида эврилиш мотивининг икки хил типни мавжуд: а) тўла эврилиш, яъни қаҳрамоннинг жонсиз предметга айланиши; б) нотугал, яъни чала эврилиш, қаҳрамоннинг жонли мавжудотга айланиши<sup>1</sup>.

Ёш фольклоршунос олима М.Ю.Жўраева ҳам ўзбек фольклоршунослигида эврилиш мотивининг ўзига хос хусусиятлари, эртак ва афсона жанрларидаги бадий талқини каби масалаларни ўрганиб, 2004 йилда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган<sup>2</sup>. У фольклор асарларидаги эврилиш мотивида қаҳрамоннинг ўз шаклу шамойилини ўзгартириши нима таъсирида ва қандай содир бўлишини таҳлил қилиб, эврилиш мотивини кўйидаги типларга ажратган: а) сўз таъсирида эврилиш; б) назар (нигоҳ) таъсирида эврилиш; в) нарса-буюм, предмет (сув, тупроқ, олов ва ҳоказо) таъсирида эврилиш; г) хатти-ҳаракат воситасида эврилиш; д) никоҳ муносабати таъсиридаги эврилиш; е) либос воситасида эврилиш<sup>3</sup>. Бундан ташқари М.Ю.Жўраева эврилиш мотивининг тарихий асослари, эврилиш мотивининг халқ афсоналаридаги талқинлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳам тадқиқ этган<sup>4</sup>.

Маълумки, эврилиш мотиви дунё халқлари фольклорининг анъанавий мотивларидан бири ҳисобланади. Эврилишда эртакнинг эпик қаҳрамони сирли ҳолатда ўз қиёфасини ўзгартиради, турли кўринишларда намоён бўлади. “Ўзбек халқ эртакларининг анъанавий мотивларидан бири - қаҳрамоннинг эпик рақибини таъқиб қилиш ёки ундан ҳимояланиш чоғида ўз

---

– Тошкент: Тафаккур қаноти, 2020. – Б.228-294; Алламбергенов Ҳ. Халқ эртакларида кўп қиёфали тимсоллар вазифадошлиги / Филологик тадқиқотлар. III. – Тошкент, 2012. – Б.115–117.

<sup>1</sup> Гезалов Ф. Структура азербайджанской волшебной сказки: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1990.

<sup>2</sup> Жўраева М.Ю. Ўзбек халқ оғзаки ижодида эврилиш мотивини ўрганиш: Адабиётшунослик ихтисослигида бажарилган магистрлик диссертацияси. – Тошкент, 2004.

<sup>3</sup> Жўраева М.Ю. Эврилиш мотивининг таснифи // Гулистон давлат университети ахборотномаси. – Гулистон, 2003. – №2. – Б.34-37; Шу муаллиф. Ўзбек фольклоридagi эврилиш мотивининг таснифи // Изланиш самаралари. – Тошкент, 2016. – Б.141-148.

<sup>4</sup> Жўраева М.Ю. Эврилиш мотивининг тарихий асослари / Фольклоршунослик. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиётига доир тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.78-82; Шу муаллиф. Фольклорда эврилиш мотивининг тарихий асослари // Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари. II. – Навоий, 2015. – Б.440-441; Шу муаллиф. Ўзбек халқ афсоналарида эврилиш мотиви / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 5-китоб. – Тошкент, 2015. – Б.121-126;

кўринишини ўзгартириши, “химояланиш” вазифасини бажарувчи сюжет элементи бўлиб, ибтидоий мифология ва анимистик қарашлар асосида шаклланган”<sup>1</sup>. Эртақларда қаҳрамон образи талқинидаги бадиий шартлиликнинг юзага чиқишига ғайриоддий ҳодисалар тасвири, ўйдирмалар хизмат қилишини фольклоршунос олим М.Жўраев ҳам кўп бора таъкидлаган. Мифологик афсонада эврилиш мотиви сюжет ўзагини ташкил этиши, жуғрофий-худудий талқинга эга эканлиги, табиий ёдгорликларни муқаддаслаштириш билан алоқадор халқ қарашларининг юзага келишига асос бўлиши билан халқ эртақларидан фарқ қилиши, эртақларда эса бу эврилиш мотиви фақатгина бадиий матн доирасидагина рўй бериши мумкинлиги ўрганилган.

Ш.Шомусаров ўз монографиясида дунё халқларининг анъанавий мотивларидан бири - эврилиш ҳақида ҳам мулоҳа юритади. “...эврилиш - эпик қаҳрамоннинг сирли кудрат воситасида ўз шаклу шамойилини ўзгартириб, бошқа қиёфага кириши” мотиви “Минг бир кеча” эртақларида кўп учрашини, “Шоҳ Шаҳрамон ва малика Будур қиссаси”да даҳнаш девнинг бир думалаб бурга суратига кириши, “Ажиб ва Ғариб қиссаси”да Сайрон сеҳргар Довул деган моридига чумчуқ қиёфасига кириб, Ғарибни беҳуш қилиб қасрига келтиришни буюриши каби эврилишларни таҳлилга тортади. Бундай эврилишлар “Минг бир кеча” таъсирида пайдо бўлган ўзбек халқ эртақларидагида ҳам учраганлиги айтилиб, “Мастон ва уч ака-ука” номли ўзбек халқ эртаги билан юқорида тилга олинган араб эртақлари ўзаро солиштирилиб, бу эртақдаги шум кампирнинг ботир оға-иниларни қушга айланиб таъқиб этиши “Минг бир кеча” эртақларига ҳамоҳанглиги ҳақида мулоҳазалар баён этилади. Шунингдек, фольклоршунос олим эртақларда қаптарларнинг қизларга эврилиши мотивлари мавжудлиги ҳақида фикр юритар экан, қушларнинг патини ташлаб гўзал қизларга айланиши

---

<sup>1</sup>Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 5-сон. – Б.31.

мотивининг илдизлари араб эртакларига бориб тақалиши илмий асосда изоҳлаб беришга ҳаракат қилади.

Эврилиш мотивининг мифологик асосини ўрганган Б.А.Коломакина ва С.А.Трубецкойлар “Мифологическая основа мотива превращения в эпосе” номли илмий мақоласида қадимда эврилишнинг асосан бир оламдан ўзга ғайб оламига саёҳат қилиши учун содир бўлганлиги ҳақида мунозара юритадилар. Бурят қаҳрамонлик эпоси “Абай Гэсэр” асарида Наран Гохон исмли қизнинг осмондан сўфитўрғайга айланиб ерга тушиши тасвири, асар қаҳрамонининг айиққа айланиши ҳолатларини таҳлил қилади. Эврилиш мотивининг илдизлари қадимий тасаввурлар билан боғлиқ эканлигини сеҳрли эртаклар таркибида ҳам кузатиш мумкин. Мифологик қарашлар асосида яратилган дастлабки сеҳрли халқ эртакларида эврилиш мотивининг ўзига хос поэтик вазифаси мавжуд бўлган. Сеҳрли эртакларда эврилиш турли мақсадларда юз беради. Худолар ва одамларнинг афсун, ритуал ёрдамида ҳайвонларга айланиши муҳим белги сифатида талқин этилади. Б.А.Коломакина эврилишда асосан уч ҳолатга эътибор берилиши зарурлигини таъкидлайди: биринчидан эврилишни содир этувчи шахснинг қатнашиши, иккинчидан бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказилган одам, яъни эврилишга учраган шахснинг ёки айиқ, хўкиз, қуш, ўсимликка айланган қаҳрамоннинг иштирок этиши ва асосийси эврилиш воситасининг мавжуд бўлиши. Афсунда сув ва олов муҳим элемент сифатида қайд этилади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, афсун ва дуолар эртак таркибида эврилишнинг содир бўлишига асос бўлади. “Минг бир кеча” таркибидаги эртакларда ҳам эврилиш асосан сув сепиб афсун қилиш асосида юз беради. Фикримизча, “Авесто”да олов муқаддас бўлганлиги сабабли дастлаб эврилишларда олов муҳим восита бўлган, араблар кириб келиши билан сув муқаддас культ сифатида эврилишларга таъсир этган.

---

<sup>1</sup> Коломакина Б.А. Мотив превращения человека в животное в волшебных сказках бурят и шорцев / Сибирский филологический журнал. – Новосибирск, 2012. – С.20.



“Ҳаммол билан қизлар” номли араб эртагида пари қиз афсун ўқиб хиёнаткор сингилларни итга айлантиради. Эврилиш мотивлари айнан учрайдиган ўзбек халқ эртақларидан бири “Беш қиз”дир. Ўзаро сюжети ўхшаш бўлганлиги туфайли эврилишда ҳам бир хиллик кузатилади. “Оҳули чол”, “Икки итли чол” араб ҳикоятларида ҳам сув сепиб афсун ўқиш мотиви етакчилик қилади. “Савдогар ўғли”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртаги эврилиш мотиви энг кўп учрайдиган эртақлардан биридир. “Ўтинчи чол” номли ўзбек халқ эртагида қовоқ ичидан чиққан пари қизни эпик қаҳрамон Дод ўз уйига олиб келаётганда, йўлда жодугар кампирнинг учраши келтирилади. Жодугар кампир пари қизни сувга итариб юборади ва қиз қора отга айланади. Бу ўринда сув қизнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишида эврилиш воситаси ҳисобланади. Баъзи эртақларда эса дуо ўқиш орқали эврилиш юз беради. “Эрназар ва Кимёназар” номли ўзбек халқ эртагида синглиси “Дев келяпти” деб акаси Эрназарни дуо ўқиб, олма қилиб, токчага қўяди<sup>2</sup>. Шу эртақда яна девнинг йигитга дуолар ўргатиши, иккови каптар бўлиб, девнинг катта акасига ёрдам сўраб бориш воқеалари берилади. Бу ўзбек эртагида дуо ўқиб афсун қилиш етакчилик қилади. Шунингдек, ўзга оламга тегишли бўлмаган эврилиш мотивлари иштирок этган ўзбек халқ эртақларига эпик қаҳрамоннинг ўз хоҳиши билан ва ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўзга қиёфага кириши, ўз шаклига қайтиши учун унга ёрдам берилиши, турли синовлардан ўтиши, шаклини ўзгартиришда эса эпик қаҳрамонни уриш - зарба бериш, тарсаки ейиши, сув ичиши, узук ёрдамида сеҳрнинг очилиши ҳолатлари кўплаб кузатилади. “Илмхон”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртагида азим дарёдан сув ичган эпик қаҳрамон илон қиёфасидан хушсурат болага айланади. Афтидан, араб эртақларидаги сув ёрдамида сеҳр қилиб афсун ўқилиши кейинчалик ўзгаришларга учраган, аммо сув сеҳрли восита

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртақлар. – Тошкент, 1966. – Б.304-324.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 2-жилд. –Тошкент, 2007. – Б.131.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртақлар. – Тошкент, 1966. – Б.168-177.

сифатида сақланиб қолган. “Олтин бешик” эртагида уканинг сеҳрли сувни ичиб кийикка айланиши сув билан боғлиқ эврилишларнинг кейинги даврларда трансформацияга учраши билан боғлиқ.

Т.В.Краюшкина эврилишнинг турлари хақида фикр билдиради: ўзга ғайб олами билан боғлиқ бўлган улуғвор эврилишлар ва ўзга олам билан боғлиқ бўлмаган эврилишлар<sup>1</sup>. Улуғвор эврилишнинг илдизлари қадимиятга - тотемизмга бориб тақалади. Эврилишнинг бу турида эпик қаҳрамон ҳайвон, куш, ҳашаротлар билан турмуш қуради ва бу ғайритабиий жонзотлар инсон шаклига киради. “Опа-сингиллар” номли ўзбек халқ эртагида кичик сингилнинг илон билан турмуш қуриши ва илоннинг чиройли йигитга айланиши фикримиз исботидир. “Айиқполвон”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам малика Йқболнинг айиқ билан турмушидан туғилган боланинг белидан юқори қисми одам, пастки қисми жунли – айиқсимон бўлиши эврилишнинг ўзига хос зооморф кўринишидир. “Минг бир кеча” таркибидаги эртақларда эса эврилиш мотивининг функциясида ўзгаришлар содир бўлган. Араб эртақларида эврилиш, асосан, сувга қараб афсун ўқиғач, қаҳрамон устидан сувни сепиш асосида юз беради. Таҳлил жараёнида биз фақат араб эртақларига ўхшаш эврилишлар юз берган ўзбек халқ эртақларини таҳлилга тортдик. “Илмхон”, “Эрназар ва Кимёназар” номли ўзбек халқ эртақларида дуо ўқиб афсун қилиш етакчилик қилади. Афтидан, араб эртақларидаги сув ёрдамида сеҳр қилиб афсун ўқилиши кейинчалик ўзгаришларга учраган, аммо сув сеҳрли восита сифатида сақланиб қолган.

“Минг бир кеча”да ҳам айнан шу эртақларга ўхшаш эврилиш мотиви учрамайди. Бу ҳақда М.Герхард таъкидлаганидек, жаҳон халқ эртақчилигида яққол кўзга ташланган - сеҳрли эртақлардаги ҳайвонлар тимсолининг вазибалари эътиборга олинмайди. Бунда ҳайвонларнинг эпик қаҳрамонга

---

<sup>1</sup> Краюшкина Т.В. Группа мотивов изменения внешнего облика человека русских народных сказках: типы и функции // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2008. – №12. – С.73-78.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.88.

ёрдам бериши, хайвон терисидаги куёвликка даъвогарлар образлари учрамайди<sup>1</sup>. Фақатгина “Балиқчи халиф” хикоятидагина маймун гапиради, қаҳрамонга йўл кўрсатади. Ёки “Беш қиз” номли ўзбек халқ эртагида ҳам эртақ қаҳрамони йиғлаб турган қаландарларга йиғлашлари сабабини сўраганида сирни билай десанг “бозорга бориб бир катта қўй олиб кел, сўйиб гўштини бизларга бер, ўзинг терисига кириб турсанг, шундан кейин биз сенга бу сирларни айтамыз”<sup>2</sup>, - дейди. Эпик қаҳрамон терига киргач семурғ куши уни олиб учади. Шу тариқа қаҳрамон парилар мамлакатига бориб қолади. Шомонийлик тушунчаларига кўра, куш ҳомий руҳлар тимсоли бўлиб, қаҳрамонни руҳлар оламига олиб ўтади. Қаҳрамоннинг теридан чиқиши янги қиёфада қайтадан туғилишидан далолат беради<sup>3</sup>. Бу жараёнда ҳам тотемни муқаддаслаштирилиши эртақларнинг ички моҳиятига сингдирилган. “Жоншоҳ ҳақидаги” эртақда савдогар Жоншоҳни хачир қорнини ёриб, ичига киритади ва устидан тикиб қўяди. Катта бир куш Жоншоҳни олиб учади ва тоғ чўққисига қўнади. Жоншоҳ юриб Довуднинг ўғли Сулаймон водийсига, қушлар подшоҳи шайх Наср олдига бориб қолади<sup>4</sup>. Иккала эртақда ҳам хайвон терисига кириш орқали ўзга ғайб оламига бориб қолиш ҳолати учрайди. “Иккинчи қаландар”<sup>5</sup> хикоясида Жиржис ибни Ражмус дев томонидан сеҳрлаб маймунга айлантирилган шаҳзодани шоҳ қизи сеҳрдан халос қилиб ўзи ҳалок бўлади. “Беш қиз” номли ўзбек эртагида ҳам Форс юрти подшосининг қизи Кумушхонни дев ўғирлаб қочади ва икки йил ер остида сақлайди. Тасодифан Кумушхоннинг олдига Канъон шаҳри подшоҳининг ўғли Голиб шаҳзода келиб қолади ва бу учрашувни сезиб қолган дев одам суратига кириб шаҳзодани топади ва бир

---

<sup>1</sup> Герхард М. Искусство повествования. Литературное исследование «1001 ночи». – М.: Главная редакция восточной литературы, 1984. – С.252.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.18.

<sup>3</sup> Назарова Ш. Ўзбек халқ эртақларида синов мотивининг генезиси ва поэтикаси: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

<sup>4</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.175.

<sup>5</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.100-119.

нарсани ўқиб унга пуфлайди. Шаҳзода маймунга айланади. “Булбулигўё” номли ўзбек халқ эртагида маймун пари эпик қаҳрамонга ёрдам беради. Афтидан маймун образи билан боғлиқ эртақлар ҳинд эртақлари таъсирида жаҳон эртақчилигига кириб келган бўлса керак. Чунки маймун бу халқнинг сиғинадиган тотеми сифатида машҳур бўлган.

“Опа-сингиллар”, “Дунёда йўқ ҳунар”, “Савдогар ўғли”, “Беш қиз”, “Булбулигўё”, “Олтин бешик”, “Бунёд полвон” каби кўплаб ўзбек халқ эртақларида ҳам эврилиш мотивларига дуч келамиз. “Бир одам ёки ҳайвоннинг бошқа бир одам ёки ҳайвон қиёфасига кириб қолиши ҳам ўзбек мифологиясида кўп учрайдиган мотивлардан биридир. Фольклор асарларида мазкур мотивдан унумли фойдаланилади”<sup>1</sup>. Эврилиш мотиви ўзбек халқ эртақларидаги етакчи мотивлардан бири бўлиб, асар сюжетида ўзига хос ўринни эгаллайди. Бу мотивнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Эпик қаҳрамонни ўлим чангалидан олиб қолади.
2. Қаҳрамон ўз рақибини таъқиб қилиш имкониятига эга бўлади.
3. Қаҳрамонга оғир вазиятларда қўл келади.
4. Эпик қаҳрамон ёрдамга муҳтож кишиларга қўмак беради.
5. Қаҳрамон адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашади.
6. Бу қиёфага кирган эпик қаҳрамон ўзга маконлар ҳақида маълумотга эга бўлади ва сеҳрли диёрларга саёҳат қилади.
7. Айёр сеҳргар, жохил жодугар, кўрқинчли девларни қаҳрамон усталик билан енгади, мавҳ этади ва улар устидан ғалаба қозонади.
8. Душманни алдашда қўл келади.
9. Эврилиш бадий матн доирасида рўй беради.
10. Инсонларнинг эзгу мақсадларини амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

---

<sup>1</sup> Муродов М., Шайхов Ҳ. Ҳаётбахш хаёллар. – Тошкент, 1985. – Б.13.

11. Қаҳрамон эврилишдан ўз орзу-мақсадларига етиш йўлида фойдаланади.
12. Аммо салбий қаҳрамонлар - девлар, жодугарлар ҳам бошқа қиёфага кириб эпик қаҳрамонни оғир вазиятларга тушишига сабабчи бўлади. (қаҳрамонни асирга олади ва ўзга қиёфага кириб эпик қаҳрамонни алдайди)
13. Эврилиш натижасида маккорлик, сеҳргарлик, ёвузлик-ёмонликлар ҳам амалга оширилади. Баъзан бу мотив баъзи бир ёрдамчи қаҳрамонларнинг ҳалокатига сабаб бўлади.

Эврилиш мотиви иштирок этган эртаклар “Минг бир кеча”да ҳам ўзбек халқ эртакларида ҳам кўплаб учрайди, қизиғи шундаги, уларнинг сюжет тизимида ҳам ўхшашлик мавжуд. “Шоҳ Шаҳрамон, ўғли Қамаруззамон ва малика Будур”<sup>1</sup> қиссасидаги Қамаруззамон ва Будурнинг шаҳзода юртига қайтаётганларида узукнинг қуш томонидан ўғирлаб қочилиши воқеаси “Ҳасан ва Ҳусан”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртакдаги Ҳусан ва Зулхумор билан боғлиқ воқеаларга ўхшайди. Иккала эртакда ҳам узукнинг қуш ва зағизғон томонидан ўғирланиши ва эпик қаҳрамоннинг бу йўлда бошидан кечирган воқеаларидаги қийинчиликлар сюжет чизиғида айнан такрорланади. Ўзбек халқ эртакдаги узукни ўғирлаб қочган зағизғон - қуш суратига кирган дев эди. “Қамаруззамон ва Будур” номли араб эртакда ҳам жинлар подшоси Димирётнинг қизи Маймуна пари ва Даҳнаш дев бурга суратига кириб ўз қиёфасини ўзгартиради. Иккала эртакдаги ўхшаш мотивлар узукнинг қуш томонидан ўғирланиши, қаҳрамон бошига тушган кулфатлар, зағизғон ва бурга суратига кирган девлар, малика Будур ва араб маликаси Зулайҳонинг ноиложликдан ўз эрларининг кийимларини кийишга мажбур бўлиши кабилардир.

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент, 1960. – Б.194.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.141.

Эврилиш мотиви иштирок этган эртақларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

**I. Хиёнаткорлиги сабабли жазоланиб, ўзининг асл кўринишидан маҳрум бўлган эртақ қаҳрамонлари.** Бундай эртақларни ҳам опа-сингиллариги хиёнат қилган, ака-укалариги хиёнат қилган, ака-сингил муносабатлари акс этган, турмуш ўртоқларига хиёнат қилган ва кундошларига душманлик қилган эпик қаҳрамонлар каби ички турларга ажратиш мумкин.

1. Ўз биродарларига, жигарларига, опа-сингилларига хиёнат қилиш мотиви барча халқ эртақларида учрайди. Ака-укалар ва опа-сингилларнинг ўз биродарларига бевафолик қилиши ва албатта жазоланиши эртақлар структурасининг ўзагини ташкил этади. “Ҳаммол билан қизлар”<sup>1</sup> ҳикоясида ҳам сингиллари опасининг бахтини кўра олмай опаси севган йигитни ва опасининг ўзини ҳам сувга ташлайди, йигит чўкиб кетади, опа тасодиф туфайли тирик қолади. Опа йўлда аждарҳони ўлдириб, илонга яхшилик қилади, илон парига айланиб, хиёнаткор сингилларни итларга айлантириб кўяди. “Беш қиз”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам хиёнаткор сингиллар итларга айлантирилади. Иккала эртақда ҳам опа ва сингиллар ўз жигарларига хиёнат қиладилар ва жазо тариқасида итларга айлантирилади. “Опа-сингиллар”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам эврилиш мотиви бироз ўзгаришларга учраган ҳолатда намоён бўлади. Ўрмонда юрган бир кампирга илон ҳужум қилади ва ундан уч қизидан бирини беришни талаб қилади. Икки опа рози бўлмагач, кенжа қиз онасининг ҳаётини сақлаб қолиш учун бу шартга кўнади. Илон қасрга етгач гўзал йигитга айланади. Кенжа қиздан куйган опаси сингилисини дарёга итариб юборади. Кенжа қиз сувга ғарқ бўлгач, аввал қушчага айланади. Ўғай опа қушчани ғижимлаб ўлдиради, қушнинг суягидан қайчи пайдо бўлади ва ўғай онанинг кийимларини қирқиб

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 1-жилд. – Тошкент, 2015. – Б.125.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2007– Б.5-22.

<sup>3</sup> Зумрад ва Қиммат. Ўзбек халқ ижоди / Ўзбек халқ эртақлари. –Тошкент, 1990– Б.42-46.

ташлайди. Ўгай она қайчини кўчага улоқтириб ташлайди. Аммо бир кампир қайчини топиб олгач яшириб қўяди, қайчи товукқа, товук эса яна гўзал қизга айланади. Булар бари мақсадли эврилишлар бўлиб, эпик қаҳрамон бўлган қиз ўз ҳаётини давом эттириш учун турли нарсалар қиёфасига киради ва ўз мақсадига етади. Бу ўзбек халқ эртагида кенжа сингил сеҳр воситасида турли нарсалар қиёфасига киради ва эртак охирида бевафо опа жазоланади. Араб эртагида эса опа илон париға яхшилик қилгани учун илон пари сингилларни итга айлантириб жазолайди. Иккала эртакда ҳам хиёнат жазосиз қолмайди. “Ақлли қиз” номли ўзбек эртагида подшо ва йигит ўртасида ўзаро яшириниш ҳақида баҳс кетади. Йигит ёри ёрдамида билакузук, болиш ва офтобага айланганда, подшо тополмайди. Аммо подшо итга, қиличга, ёш қамишга айланганда йигит қизнинг ёрдамида подшони топиб олади. Бир ўринда қиз тўрғайга айланиб ёш қамишга қўниб йигитга ёрдам беради<sup>1</sup>. Итга айланган подшо бир юмалаб ўз ҳолига келади. Бунда хиёнат мотиви учрамасада, аммо эпик қаҳрамоннинг итга айланиши ўзаро ўхшаш ҳисобланади.

2. “Икки итли чол”<sup>2</sup> эртагида ҳам акалар ўз укасига хиёнат қилганликлари туфайли итларга айлантирилади. “Абдулло ибн Фозил ва унинг биродарлари”<sup>3</sup> араб эртагида акалари - Мансур ва Нусрат укаси Абдуллони денгизга ташлайдилар. Бунга сабаб Абдулло Тош шаҳардан олиб келган қизга уйланмоқчи бўлганлигида акалари ҳам қиз учун талашади, улар ўзи қизга ўйланаман деб биродарига зарар етказди. Қизиғи шундаки, бу араб эртаги “Минг бир кеча”даги “Ҳаммол ва қизлар” ҳикоясидаги сингилсига хиёнат қилган опалар эртагига айнан ўхшайди. Хиёнаткор акаларни жинлар шоҳи Қизилшоҳнинг қизи Саида бир тоғорага сув тўлдириб, сувга қараб бир нарсаларни ўқийди-да: “Одам шаклидан ит шаклига киринглар!”-дея сувни уларнинг устидан сочади. Итга айланган акаларни Абдулло кечиради, аммо номард биродарлар яна қайта хиёнат қилгач ўлимга маҳкум этилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртаклар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.156.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.35-39.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 8-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.507.

“Булбулигўё”<sup>1</sup>, “Кенжа ботир”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртакларида ҳам акалар ўз укаларига хиёнат қиладилар. “Булбулигўё” эртагида кенжа ботирга ёрдам берган маймун - пари аввал отга, кейин гўзал қизга ва булбулигўёга айланади. “Ақлли қиз”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам уч ака ўз синглисини кудукқа ташлайди, аммо мард сингил акаларини жазоламайди. Бу эртақда ақлли қизга аждар кўмаклашади ва аввал отга, сўнг гўзал қизга эврилиб эпик қаҳрамонга ёрдам беради. Ўзбек халқ эртаклари нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлганлиги сабабли, балки менталитетимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик туфайли эртақларда бундай ўзгаришлар содир бўлган бўлса керак.

3. Ака ва сингил муносабатларига бағишланган эртақлар ҳам маълум бир туркумни ташкил этади. Араб ва ўзбек фольклори алоқаларини ўрганган фольклоршунос олим Ш.Шомусаров “Бир йигитнинг ўз синглисини олмоқчи бўлгани” номли араб эртагини (“Минг бир кеча” эртаги эмас, балки Бухоро арабларининг фольклорида учрайди) “Олтин бешик” эртаги билан қиёслаб ўрганади. Олимнинг фикрига кўра, иккала эртақда ҳам акасига тегишни истамай тош ёки қамиш орасига яширинган қиз образи мавжуд. Бу эртақлар сюжетининг тарихий илдизлари қадимий никоҳ муносабатларига бориб тақалади. Бу эртақ сюжетининг ўзаги матриархатдан патриархатга ўтиш даврида экзогам никоҳ муносабатларининг жорий этилиши билан боғлиқ тарихий ҳодисаларнинг бадий идрок этилиши туфайли юзага келган<sup>4</sup>. “Биринчи қаландар”<sup>5</sup> ҳикояси анча қадимда яратилган бўлса керак. Подшонинг ўғли ўз синглисини севиб қолади ва қабристондан мақбара қурдириб, ер остида иккаласи одамлардан қочиб яшайди. Подшо ва укасининг ўғли уларни топганда шоҳ ўғли ва синглиси хандақда атайлаб қуйдирилгандек қоп-қора кўмирга айланган эдилар. Ўзбек халқ эртақларидан

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.97-111.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 2-жилд.-Тошкент, 2007. – Б.235-238.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 1-жилд.-Тошкент, 2007. – Б.230-231.

<sup>4</sup> Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 3-сон. – Б.42-44.

<sup>5</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б. 932-1000.



“Беш қиз” эртаги таркибидаги “Биринчи кўр”<sup>1</sup> ҳикоясида ҳам айнан шу воқеалар такрорланади. Доғистон мамлакати шаҳзодаси Акбаршоҳнинг бошига тушган кўп машаққатлар тасвири “Минг бир кеча”даги қаландар ташвишлари билан бир хил. Фақат араб эртагида севишган ака-сингилларга ном берилмаган, ўзбек халқ эртагида бир-бирига хуштор бўлган ака-сингилларга Хўжа Турсун ва Тўлганой деб номланган. “Минг бир кеча”даги эртақда ҳам, ўзбек халқ эртагида ҳам ота-она розилигига қарамай, ака-сингилнинг оила қуриши ва жазога гирифтор бўлиши тасвирланади. Назаримизда, “Минг бир кеча”даги эртақ дастлаб яратилган бўлиб, ўз даври ҳақида маълумотлар беради. Кейинчалик даврлар ўзгариши, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ муносабатларининг бекор қилиниши оқибатида ва ислом динининг кириб келиши билан бу мотив ўзгаришларга учраган. Кейинги даврларда ўзбек халқ эртақларида ўғай акасига тегмаслик учун ўз уйидан қочган сингиллар ҳақидаги янги эртақлар яратилган. “Ёрилтош” ва “Олтин бешик” эртақларида ўғай ака сингилсига ўйланмоқчи бўлганда сингилнинг бу никоҳга рози бўлмай қочиши тавсилоти берилади. “Олтин бешик” номли ўзбек халқ эртагидаги уканинг кийикка айланиши мотиви бошқа ўзбек халқ эртақларида ҳам учрайди. “Опа-ука”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида уканинг сув ичиб кийикка айланиши мотиви мавжуд. Бу эртақ “Олтин бешик” эртагига айнан ўхшашдир. Эртақлардаги ўхшашлик шундаки, инсон боласи оху ва кийикка айланади, эврилиш содир бўлади. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, одамзотнинг охуга, кийикка, итга айланиши каби эврилиш мотивлари дастлаб “Минг бир кеча” эртақлари таъсирида пайдо бўлган ва кейинчалик катта ўзгаришларга учраган ҳолда ўзбек халқ эртақлари сюжет тизимининг шаклланишига хизмат қилган. Халқаро эртақ сюжетларини ўрганган рус олими В.М.Жирмунский Алёнушка ҳақидаги “Братец и сестрица” номли рус халқ эртагини таҳлил қилади. Бу эртақ Аарне каталогида 450-тартиб рақами билан белгиланганлигини, Н.П.Андреев

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.8-10.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.41-44.

томонидан эртакнинг қисқача сюжети берилганини қайд этади. Эртак сюжетига кўра уканинг эчки боласига айланиши, опаси билан ўрмонда яшаши, шоҳнинг бу қизга ўйланиши, ўгай онанинг қизни сувга чўктириб, унинг ўрнига ўз қизини алмаштириши, эчки боласини сўймоқчи бўлганликлари, эртак охирида ҳамма сирларнинг очилиши баён этилади<sup>1</sup>. В.М.Жирмунский эчки боласини сўймоқчи бўлганларида унинг сув бўйига келиб ўз опасидан ёрдам сўраб айтган шеърларини ва опанинг иложсиз жавоб шеърларини рус, италян, немис ва ўзбек тилларидаги версияларини таҳлил қилади ва уларнинг ўзаро ўхшаш эканлигини, аммо бу эртакларнинг бир-бирига генетик алоқаси бўлмаган ҳолатда бир хил иқтисодий-ижтимоий шароит, урф-одат ва инончлар асосида пайдо бўлганини таъкидлайди. Айтиш мумкинки, дастлаб ака-сингиллар орасидаги муносабатлар асосида пайдо бўлган сюжет мотивлари даврлар ўтиши билан турли ўзгаришларга учраган, янгидан-янги мотивлар асосидаги эртаклар яратилган. Ака-сингил муносабатлари билан бирга опа-ука муносабатлари ифодаланган янгича эртаклар ҳам пайдо бўлган.

4. Ўз оиласига хиёнат қилганлар ҳақидаги эртаклар ҳам талайгина бўлиб, бундай эртакларда ҳам бевафо жазога гирифтор этилади. “Хачирли чол”<sup>2</sup> номли араб эртагида чолга хиёнат қилиб қул билан топишган хотин хачирга айлантирилади. Оиласига хиёнат қилганларнинг эврилиш орқали бошқа ҳолатларга киритилиши ўзбек халқ эртакларида ҳам учрайди. “Кимёгар бойнинг ўғли”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртагида шоҳнинг қизи малика кимёгарнинг ўғлидан сеҳрли халтани, қизил кулоҳни, сурнайни зўрлик билан тортиб олади. Жаҳли чиққан кимёгарнинг ўғли ҳийла билан қизил олмани маликага беради ва олмани еган малика тўнғизга айланади. Аммо кимёгарнинг ўғли маликага раҳми келади ва оқ олма бериб, қайта ўз ҳолатига

---

<sup>1</sup> Жирмунский В.М. К вопросу о международных сказочных сюжетах / Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л., 1979. – С.336-343.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.39-40.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртаклар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.157-162.

қайтаради. Эртақ охирида кимёгарнинг ўғли маликага уйланади. Малика кимёгарнинг ўғлига хиёнат қилмаса-да, аммо зўравонлик қилгани учун тўнғизга айлантирилиб жазоланади. Раҳмдил кимёгарнинг ўғли маликани кечириб ўз ҳолатига қайтаради. “Мурқумоммо”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртагида чол қуш туфайли подшоликка эришади, Аммо ҳажга кетганида подшонинг хотини уста билан топишиб ўз болаларини ўлимга маҳкум қилади. Аммо эртақ охирида ўғиллари Мажид билан Ҳамид оналарини кечиради. “Рустамзод ва Шерзод” номли ўзбек эртагида ҳам бобонинг кампири чоли йўқлигида бегона кишига тегиб олибди<sup>2</sup>. Аммо бунда кампир жазоланмайди, чолнинг келишини эшитиб кампир бегона одамни ҳайдаб юборади. Кампирнинг жазоланиши ҳақида гапирилмайди.

5. Кундошига душманлик қилганлар туркумига “Оҳули чол”<sup>3</sup> ҳикоясини киритиш мумкин. Эртақда чол ўз амакисининг қизига уйланади. Амакисининг қизи бўлган биринчи хотини фарзанд кўрмагач, иккинчи бир қизга уйланади. Чол савдогар бўлиб, кўп мол билан ўзга шаҳарга кетганда сеҳргар бўлган биринчи хотин чолнинг иккинчи хотинини ва унинг ўғлини сеҳрлайди, уларни сигир ва бузоққа айлантириб қўяди. Савдогар чол қайтиб келганда сир очилади. Чўпоннинг қизи биринчи хотинни сеҳрлаб оҳуга айлантиради. Ўзбек халқ эртақларидан “Олтин бешик”<sup>4</sup> эртагида ҳам кичик қизнинг тилсимланган сувни ичиб кийикка айланиши мотиви учрайди. Бу ўринда кичик қиз айбдор бўлмайди, балки сабр-тоқатсизлик қилиб ҳовуздаги сувни ичиб қўяди ва кийикка эврилиши кўрсатилади. Бу эртақда ҳам подшонинг катта хотини кичик хотин бўлган қизга душманлик қилиб ҳовузга итариб юборади. Сирлар очилгач подшо катта хотинини ўлдиртиради. Ҳаким кичик кийик қизни зам-зам сувидан бериб асл ҳолига келтиради. “Воспирохун”<sup>5</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам Воспирохун парини

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.32-37.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.141.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.32-35.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртақлар. – Тошкент, 1966. – Б.246-250.

<sup>5</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.203-204.

кундошлари - Оқ подшонинг қизи ва Қора подшонинг қизи маккор доя кампирни ёллаб, парининг болаларини чўл-биёбонга ташлатади. Кундошлар биянинг думига боғланиб ҳалок бўлади. Эртақларда хиёнаткорлар жазоланади, бироқ эврилиш мотивида бироз ўзгаришлар мавжуд. “Охули чол”да сеҳргар хотин оҳуга айлантирилса, “Олтин бешик” ва “Воспирохун”да катта хотин ўлдиртирилади, кундошлар отга боғлаб судраттирилади. Ўзбек эртақларида хиёнаткорлар жазоланса-да, эврилиш мотиви учрамайди. Кундошларнинг фарзанд кўрган аёлни жазолаши қадимий мотив бўлиб, феодал-патриархал жамиятнинг қонунияти, меросга даъвогарлик билан боғлиқ бўлган ва бунинг қадимий илдизлари эртақлар таркибида сақланиб қолган.

***II. Душман таъқибидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ўз кўринишини ўзгартирган ва душман томонидан сеҳрланиш оқибатида эврилишга учраган персонажлар.***

1. “Савдогар ўғли”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртагида энг кўп эврилишлар содир бўлади. Бу эртақни душман томонидан сеҳрланган қаҳрамон ҳақидаги эртақлар қаторига киритдик. Осмондан учта кўк каптар учиб келиб бир юмалаб учта чиройли паризод қизга айланибди. Дўконга кириб кўп молларни олиб пулини бермаган бу паризод қизлар баззознинг ақлини олади. Эртақ бошида эпик қаҳрамон савдогар ўғли деб аталса, паризодлар билан боғлиқ эпизодларда баззоз деб аталиши ҳам эртақнинг араб эртақлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Паризод қизлар савдогар ўғлига шароб бериб, пиёладаги шаробга дам солиб, исми аъзам дуосини ўқиб “Ичганинда эшак бўлсин”, -дебди ва буни ичган баззоз эшакка айланибди. Синглисининг эри домла ёрдамида савдогар асл ҳолига қайтибди. Домла икки чойнак чой ичиб кечаси билан исми аъзам ўқибди. Бу ҳол иккинчи бор такрорланганда эпик қаҳрамон итга, учинчи бор кўк каптарга айланади. Домла учинчи марта сеҳрни еча олмайди ва каптар ҳолатидаги баззозни устозларининг олдига -

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртақлар. – Тошкент, 1966. – Б.304-324.

дарахт ковагидаги чашма ёнида яшайдиган уч донишмандга юборади. Донишмандлар уни асл ҳолатига қайтаради ва ўз хунарларини ўргатадилар. Қирқ кун ўқиб маҳоратли бўлгач ўз юртига қайтиб парилардан ўч олади. Эшшакка айлантирган парини байталга, итга айлантирганни итга, кўк каптарга айлантирганни эгар-абзалга айлантиради. Бу ҳолат “Ҳаммол ва кизлар” номли араб эртагида ҳам мавжуд. Хиёнаткор сингилларни итга айлантирган пари қиз уларни савалашни буюради. Иккала эртақда ҳам учрайдиган мотивлар бу эврилишни парилар содир этади. Бевафолик қилганлар жазоланади. Араб эртагида ҳам, ўзбек эртагида ҳам улар саваланади, аммо “Минг бир кеча”даги эртақда халифа томонидан улар кечирилгач, сеҳрлаган парига айтилиб асл ҳолига қайтарилади. Ўзбек халқ эртагида эса бировнинг ҳаққига хиёнат қилган биринчи ва иккинчи парилар халқнинг талаби билан калтакланиб ўлдирилади. “Савдогар ўғли” ўзбек эртагида учинчи пари қаҳрамонни кўк каптарга айлантириб сеҳр хунарини ўрганишга мажбур этганлиги учун кечирилиб, гўзал парига айлантиради ва қаҳрамонга никоҳланади. Араб эртақларида сеҳрлаш воситаси сув бўлиб, дуо ўқиб сеҳрланаётган киши устидан сепилади. Бу ўзбек халқ эртагида эврилиш воситаси шаробга “исми аъзам” ўқиб, дам солиш орқали ичириш ҳисобланади. Эпик қаҳрамон эса париларни сеҳрлашда исми аъзам ўқиб шаробни улар устидан сочади. Ҳар иккала эртақда ҳам ўхшаш мотивларнинг кўплиги бу эртақларнинг илдизлари бир манбага бориб тақалишидан далолат беради.

“Дунёда йўқ хунар”<sup>1</sup> ўзбек халқ эртагида ҳам камбағал деҳқоннинг. ўғли подшо қизига ошиқ бўлибди. Подшо йигитга дунёда йўқ хунарни ўрганса бу тўйга розилик беришини айтади. Деҳқон ўғли кашмири сеҳрдан сеҳр-жодуни ўрганибди. Кашмирининг қизи йигитга бир дуо ўргатибдики, бу дуони ўқиб бир думалаб хоҳлаган нарсасининг қиёфасига кира олар экан. Нор туяга айланган йигитни кашмири ушлаб олганда йигит каптар бўлиб

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.233-234.

учади, кашмири бургутга айланиб каптарни кувади, йигит бақага, жодугар лайлакка айланади. Йигит бақадан беданага, сеҳргар лайлакдан қирғийга айланади. Гулга айланган йигитни жодугар булбул бўлиб таъқиб қилади. Гул кўноқ бўлиб сочилиб кетса жодугар чол жўжали товук бўлиб кўноқни ея бошлабди. Шунда абжир йигит бир дона кўноқдан олғир мушукка айланиб сеҳргар чолни еб қўяди. Ниҳоят камбағалнинг ўғли кашмирини енгади. Бу ўзбек халқ эртагининг бошқача варианты ҳам мавжуд. 1990 йилда Ғайрат Жалолов сўзбошиси билан нашр этилган “Ўзбек халқ эртаклари” китобида ҳам “Дунёда йўқ ҳунар”<sup>1</sup> ўзбек халқ эртаги мавжуд. Бу ўзбек халқ эртагида кампирнинг кал ўғли жодугардан кутулиш учун аввал кабутарга айланади, жодугар қарчиғайга айланиб кувади. Подшо боғига етгач, кабутар гулга, қарчиғай булбулга айланади. Сўнг ҳофизга айланиб чиройли кўшиқ айтиб, гулни подшодан илтимос қилиб олади. Гул тарикқа айланади, товукқа айланган жодугар уни чўқиб ейди, бурчакда қолган бир дона тарик шақалга айланиб товук суратидаги жодугарни еб қўяди. Турли қийинчиликларни бошдан кечирган эпик қаҳрамон эртак сўнггида ўз қиёфасига қайтади. Ўзбек халқ эртаги икки хил вариантда учрайди. Аммо эврилишда бироз ўзгаришлар мавжуд. “Минг бир кеча”да ҳам айнан шу эртакларга ўхшаш эврилиш мотиви учрайди. “Иккинчи қаландар”<sup>2</sup> ҳикоясида Жиржис ибни Ражмус дев томонидан сеҳрлаб маймунга айлантирилган шаҳзодани шоҳ қизи сеҳрдан халос қилиб ҳалок бўлади. Шоҳ қизи билан дев олишувиде малика соч толаларидан ўткир қиличга айланиб шер қиёфасидаги девни кесиб ташлайди. Шер бошидан чаён, қиличдан илон пайдо бўлади ва иккаласи курашади. Чаёндан бургут пайдо бўлади ва илондан пайдо бўлган каркас билан жанг қилади. Бургутдан қора мушук, каркастан бўри пайдо бўлади ва дев қизил анорга, қиз хўрозга айланади. Бир дона анор сувга тушиб балиққа айланади. Хўроз эса катта балиққа айланади. Ниҳоят, дев шуълага айланганда шоҳ қизи

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1990. – Б.202-207.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.100-119.

лаҳча чўғга айланиб девни куйдириб юборади ва ўзи ҳам ҳалок бўлади<sup>1</sup>. Эртақларнинг ўхшашлик томони тариқ ва товук, анор ва хўроз, мушук тимсоллари учрайди. Айни пайтда қаҳрамонлар ўзини қутқариш учун турли жонзотларга эврилади ва ўртада ҳаёт-мамот жанги кетади. “Беш қиз” номли ўзбек халқ эртагида ҳам Канъон шаҳри подшоҳининг ўғли шаҳзода Голиб дев томонидан маймунга айлантирилгач подшо қизи унинг сеҳрланганини билади ва кечаси билан ўқиб тонг отганда шаҳзодани одам суратига киритади. Жоду қилган дев малика билан олишиш учун боғга келади ва икки ўртада қонли кураш кечади. Дев каптар суратида учиб келади, малика дуо ўқиб катта қора қушга айланади. Каптар суратидаги дев ерга тушиб ит суратига киради ва малика шерга айланди. Малика охири катта ўт бўлиб девни куйдирди<sup>2</sup>. Барча эртақларда эзгулик ғалаба қозонади. Ўзбек халқ эртаги соддароқ шаклда бўлса, “Минг бир кеча”даги эртақда воқеалар ривожини мураккаброқ шаклда тасвирланади. “Гул узук”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртагида қовоқдан қуртнинг, қуртдан буйинтуруқдай илоннинг, илондан отлиқ йигитнинг пайдо бўлиши эврилиш мотивининг ўзига хос кўринишидир.

2. Душман томонидан сеҳрланган қаҳрамонлар. “Сеҳрланган йигит”<sup>4</sup> ҳикоясида Маҳмуд шоҳнинг ўғли шаҳзода ўз амакисининг қизига уйланади ва бир куни шаҳзода хотинининг қора қул билан хиёнатини устидан чиқиб қолади ва қулни яралайди. Буни билган хотини “бир нималар деди-ю, ярмиси тош, ярмиси одам бўлсин” деб, йигитнинг устидан бир коса сувни сепди ва шаҳзода сеҳр туфайли белидан пасти тошга айланди. Сеҳргар хотин шаҳар ва аҳолисини ҳам сеҳрлади. Шаҳар халқини тўрт хил балиққа айлантриди. Кўки - насронийлар, оқи мусулмонлар, сариғи - яҳудийлар, қизили - маъжусийлар. Тўрт жазирани кўлни ўраб турган тўртта тоққа айлантриди. Шунингдек,

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.115-116.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.15.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртақлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.149-154.

<sup>4</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.66-75.

мажмуадаги “Оҳули чол” ҳикоятида чолнинг сеҳргар биринчи хотини ўз кундошини сигирга ва кундошининг ўғлини бузоққа айлантиради. “Ҳачирли чол” араб эртагида ўз хотини хиёнати устига келган чолни хиёнаткор аёл итга айлантириб қўяди. “Бунёд полвон”<sup>1</sup> номли ўзбек халқ эртагида полвоннинг онасини кампир сеҳр қилиб айиққа айлантиради. Араб эртагида ит, сигир, бузоқ тимсоли учраса, ўзбек эртагида айиқ, бўри образлари учрайди. Маълумки, қадимий эътиқодларга кўра ит “Авесто”да муқаддас жонзот бўлган. Итнинг назари тушган жойга ёвуз руҳлар кела олмаган деб тушунилган. Дастлаб туғилган чақалоққа ит кўйлакнинг кийдирилиши бугунги кунда ҳам удум сифатида сақланиб қолган. Аммо ислом дини таъсирида бир қанча ўзгаришларга учраган. Ислом динида итлар фақат ов учун, экинзорлар, қўй ва бошқа ҳайвонларни қўриқлаш учун боқилиши мумкин. Қолган ҳолатларда ит боқиш шариатга ҳилоф. Ит нажас нарса бўлиб, у ялаган, ҳидлаган нарсалар ҳам нажасга айланади деб ҳисобланган. Шу сабабли ҳам араб эртаги таркибида хиёнаткорларнинг итга айлантилиши ана шу қарашлар таъсирида пайдо бўлган. Айиқ, бўри, сигир, бузоқ тимсоллари дастлаб яратилган эртақларда улуғворлик, куч-қудрат, бахт тимсоли сифатида талқин этилган. Қадимги мифологик тасаввурларга кўра, айиқ тотеми ёқут, олтойлик, туркий қавмлар орасида юзага келган. Олтойликлар ўзини айиқдан тарқалганмиз деб ҳисоблашган<sup>2</sup> Эртақларда айиқ образининг юзага келиши айиқнинг муқаддаслигига ишонч, ёрдамчи, ғайриоддий персонаж сифатида талқин этилишига сабаб бўлган. Айниқса, айиқ тимсоли юксак қудрат, давлат, ҳокимият сифатида улуғланган. “Бунёд полвон” номли ўзбек эртагида полвон девларни занжирбанж этса, “Айиқполвон” номли ўзбек халқ эртагида ҳам эпик қаҳрамоннинг отаси айиқ эканлиги унинг тенгсиз куч-қудратли эканлигига ишора сифатида эртақлар таркибида сақланиб қолган. Бу қаҳрамонлар мамлакат тахтига

---

<sup>1</sup>Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртақлар. – Тошкент. – Б.129-136.

<sup>2</sup>Потапов А.П. Пережитки культ медведя у алтайских турок // Этнограф-исследователь. – Л., 1928. – №2-3. – С.7.



даъвогарлар сифатида талқин этилган ва подшо этиб тайинланган. Эртақлар таркибида маймун, бўри образлари ҳам қадимги халқларнинг улуғ тотем ҳайвонлари сифатида эпик қаҳрамонга кўмак берувчи персонажлар ҳолатида тасвирланади. Ўзбек халқ эртақларидан “Булбулигўё”да маймун ва “Аҳмадлар” эртагида бўри бу вазифани аъло даражада бажарадилар.

Ш. *Кабутар-париларнинг гўзал қизларга айланиши*. “Минг бир кеча”нинг 509-кечасидаги Жоншоҳ ҳақидаги эртақда кабутарга ўхшаш қизларнинг кўлга учиб келиб ойдаи қизларга айланиши ҳикоя қилинади. “...қушларнинг ўз патини ташлаб, қизга айланиши ўзбек халқ достонлари ва эртақларида ҳам учрайди. Бу мотив ўзбек фольклорига шубҳасиз, “Минг бир кеча” эртақларидан ўтган”<sup>1</sup>, - деб ёзади Ш.Шомусаров.

Фольклоршунос О.Қаюмов парилар ҳақидаги халқ қарашлари дастлаб милоддан аввалги 7-4 асрларда пайдо бўлганлиги ҳақида ўзининг 1999 йилда ҳимоя қилган “Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси)” номли номзодлик тадқиқотида маълумотлар беради. Фольклоршунос олимнинг бундай хулосаларга келишига сабаб, археолог Массоннинг Зарафшон ва Амударё бўйларида ўтказилган экспедициялари натижасида қанотли пари ҳайкалчаларининг топилиши ҳисобланади. О.Қаюмов: “Пари Ўрта Осиё халқларининг зардўштийликдан бурунги эътиқодий қарашлари, ҳосилдорлик культлари, гўзаллик ва муҳаббат илоҳаси билан боғлиқ тасаввурлар асосида келиб чиққан соф мифологик образдир”<sup>2</sup>, - деб таъкидлайди. Парилар ҳақидаги қарашлар қадимий бўлгач, бу мотив ҳам ўша даврлардаёқ туркий халқлар эртақларида мавжуд бўлган. Бу тадқиқотдаги фикрларни инобатга олсак, бу образ аввал туркий халқларда пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа халқлар фольклорига ўтган деган хулосага келамиз. Ҳаттоки, пари сўзи ҳам қадимги туркий сўз бўлиб, парли, патли маъноларини

---

<sup>1</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек халқ эртақлари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 5-сон. – Б.25.

<sup>2</sup> Қаюмов О. Пари ва амазонка образлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – 2-сон. – Б.54.

англантиши ҳақида диссертацияда илмий-назарий қарашлар берилган. Демак, парилар ўша пайтда ҳам парли, патли, яъни қуш қанотига эга бўлган. Бу мотив бошқа халқлар фольклорига ўтиши натижасида кенг ёйилган ва араб фольклорига ҳам кириб келган. Фақат сўзга бой ровийлар, халқ фольклоридан унумли фойдаланувчи мутахассислар томонидан бу образга қайта ишлов берилган ва эртақлар таркибига сингиб кетган. Демак, пари ҳақидаги илк қарашлар дастлаб туркий халқларда мавжуд бўлган, кейинчалик бу образнинг кенг тарқалиши натижасида араб эртақлари таркибига ҳам киритилган. Сўзга бадий жило берувчилар томонидан қайта-қайта сайқалланиб ишлов берилгач, пари образи араб эртақларида ҳам ўзига хос ўринни эгаллаган. Пари образи иштирок этган араб эртақлари кенг ёйилган ва бу қайта ишланган андозадан бошқа халқлар ҳам унумли фойдаланган. Араб эртақларини ёзиб олиш ва ишлов бериш анъанаси мавжудлиги сабабли пари образининг талқинлари “Минг бир кеча” таркибида сақланиб қолган.

Маълумки, ўзбекларда гўзал қизларни париларга қиёслашади. Пари образи эртақларда ҳаммавақт ҳам эзгулик тимсоли сифатида эпик қаҳрамонга ёрдам беравермайди. Баъзан ўзбек халқ эртақларида ёвуз парилар тимсоли ҳам учрайди. Парилар кўпинча каптар суратида намоён бўлиши кузатилади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқида каптарларга нисбатан илоҳий жонзот сифатида қарашлар мавжуд, уларни ўлдириш таъқиқланади. “Моҳистара”, “Аҳмадлар”, “Миср подшоси” номли ўзбек халқ эртақларида ҳам бу мотив учрайди. “Моҳистара” номли ўзбек халқ эртагида ҳам қизлар сеҳрли қудрат воситасида кабутарга айланиб парилар маконига йўл олишади. Эртақнинг эпик қаҳрамони Бағдод шоҳи Одилшоҳнинг ўғли Шавкат овга чиқиб адашиб қолади. Яна бир анъанавий мотив кийик ортидан қувиб кимсасиз маконга бориб қолади. Маълум бир бўшлиқдан ўтиб хушманзара боққа дуч келади. Ажабланган шаҳзода Шавкат сеҳрли боғни кўздан кечиради. Бадиа парининг макони бўлган бу сеҳрли боғдан Моҳистаранинг дарагини топади ва яна анъанавий мотив олис сафарга севгилисини излаб йўл олади. Ниҳоят, турли

кийинчиликларни бошдан кечириб, ўз маликасини топади. Моҳистара “...сафар кийимларини кийиб, керакли совға-саломларини олиб чикди, ўзини ва Шавкатбекни каптар ҳолига киритиб, келганлар билан бирга учдилар ва Бадиа парининг гулбоғига тушдилар”<sup>1</sup>. Бу ҳолат кўплаб ўзбек халқ сеҳрли эртакларида ҳам учрайди. “Минг бир кеча”даги Жоншоҳ жин қизини севиб қолади, Жин қизи эса каптар суратида тасвирланади. Маълумки, ўзбек халқ эртакларида жинлар салбий тимсол сифатида талқин этилса, парилар кўпроқ эзгулик элчиси, гўзаллик рамзи сифатида эпик қаҳрамонга ёрдам беради. Ўзбек халқ эртакларидан фарқли равишда жин қизи Жоншоҳга мамлакатни душманлардан халос этишга ёрдам беради. “Ҳосиб ва илонлар маликаси” араб эртаги билан “Ўтинчи чол” ва “Камбағал-қашшоқ”<sup>2</sup>, “Дод”<sup>3</sup> номли ўзбек халқ эртаклари сюжетида ҳам ўхшашликлар учрайди. “Минг бир кеча”даги Ҳосиб Карамиддин ҳақидаги эртақда ўтинчи қўшнилари билан ўтин теришга борган Ҳосиб асал тўла қудукни топиб олади. Ўтинчилар Ҳосиб Карамиддин асал пулини талаб қилади деб уни қудукқа ташлаб кетадилар<sup>4</sup>. “Ўтинчи чол” номли ўзбек халқ эртагида ҳам чол косиблар билан ўтин теришга боради. Ўтинларни шамол учуриб чуқурга ташлайди. Чол чуқурга тушиб ўтинларни теради. Чол уч кўтарим ўтинни олиб бергандан кейин оёғининг тагига қараса, уч хум олтин турган эмиш<sup>5</sup>. Чол олтинларни бўлиб беради. Аммо икки косибнинг нияти бузилади. Косиблар чолни ўлдириб олтинга эгалик қиладилар. Иккала эртақда Ҳосиб Карамиддиннинг отаси Дониёл ҳаким ўғлига Ҳосиб Карамиддин деб ном қўйишни васият қилса, ўтинчи чол ҳам ўлимидан аввал косибларга ўғлига Дод деб ном қўйилишини васият қилиши ўхшаш мотивлар ҳисобланади. Карамиддин қудукқа, чол чуқурга тушади. “Ҳосиб ва илонлар маликаси” номли араб эртаги таркибида Жоншоҳ ҳақидаги ҳикоятда жин қизларининг каптарларга айланиши мотиви мавжуд

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.64.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртақлар. – Тошкент, 1966. – Б.265-281.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.291.

<sup>4</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.362-365.

<sup>5</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.291.

бўлса, “Ўтинчи чол” номли ўзбек эртагида чолнинг ўғли Доднинг паризодни севиб қолиши, бу паризоднинг бир думалаб каптар бўлиши, жодугар кампирнинг пари қизни сувга итаргач қора отга айланиши, отни сўйгач от конидан уч туп терак пайдо бўлиши ва теракдан ясалган бешик жодугарнинг боласини сиқиб ўлдириши тасвири келтирилади. Иккала эртақда ҳам ўзаро ўхшаш мотивларнинг учраши ўзбек халқ эртагининг заминида араб эртаги ётганлигидан далолат беради. Фақат ўзбек халқ эртаклари бироз ўзгаришларга учраган ҳолатда сюжет тизими қайта шакллантирилган. “Ўтинчи чол” ва “Камбағал-қашшоқ” ўзбек халқ эртаклари айнан бир хил, “Дод” эртагидан бироз фарқ қилади. “Дод” эртагида йигитнинг отаси ўрмондан ўтин олиб келиб сотиши, ҳамроҳи билан тўнкани кавлаб қазиб олаётганда олтин тўла хум топиши ва шеригига арқон ташламаслиги, шеригининг васияти - Дод деган ўғлига бориб унинг қайтиб келмаслигини айтиши кераклиги воқеалари юқорида келтирилган эртақларга ўхшашдир.

“Моҳистара” “Миср подшоси”, “Аҳмадлар”, “Хунарнинг хосияти” номли ўзбек халқ эртақларидаги парилар ниҳоятда хаёлий-фантастик қиёфада тасвирланади. Бу эртақлардаги жуда кўплаб элементлар “Минг бир кеча”даги эртақларга ўхшайди. Масалан:

1. Қаҳрамоннинг овга чиқиши (эртақларда подшолар ва шахзодаларнинг бош қаҳрамон қилиб танланиши).
2. Овда кийикни учратиши.
3. Кийикнинг шахзода ёнидан қочиб ўтиб кетиши.
4. Изза бўлган шахзоданинг кийик ортидан қувиб адашиб қолиши.
5. Маълум бир бўшлиқнинг пайдо бўлиб, эпик қаҳрамоннинг ўзга бир ғайб оламига дуч келиши.
6. Парилар маконининг чекка, овлоқ жойларда жойлашганлиги.
7. Бу оламдаги сеҳрли ҳаёт - жаннатсимон боғлар, гўзал гулзорлар, осмонўпар қасрлар бўлиши.
8. Парилар маконида базмларнинг ўтказилиши.

9. Қизларнинг кабутарларга, кабутарларнинг пари қизларга айланиши, париларнинг каптар суратида намоён бўлиши.

10. Париларнинг одамзодга никоҳлаб берилиши.

11. Ўзбек халқ эртакларида эпик қаҳрамонларга кўпинча ном берилмайди. Араб эртакларида эса барча қаҳрамонлар, парилар номлари келтирилади.

12. Араб эртаклари ҳажм жиҳатидан ҳам анча салмоқли.

Эпик қаҳрамон - шаҳзоданинг олдидан кийикнинг чиқиб қолиши ва ўзга маконларга йўл бошлаши “Жоншоҳ” ҳақидаги эртакда, “Шоҳ Синдбод”<sup>1</sup> ва “Подшо ва етти вазир”<sup>2</sup> эртакларида учрайди. Бу эртакларда ҳам қаҳрамонни олдидан кийикнинг чиқиб қолиши ва ўз ортидан эргаштириши асосий мотив сифатида кўзга ташланади. “Орзижон ва Қамбар”, “Муқбил тошотар” номли ўзбек эртакларида ҳам кийик мотиви билан боғлиқ эпизодлар учрайди.

Хулоса сифатида шунни айтиш муҳимки, эврилиш мотивининг тарихи жуда қадимиятга бориб тақалади. Бу инсониятнинг илк мифологик қарашлари билан боғлиқдир. Эврилиш мотиви ҳам аслида дастлаб мифлар таркибида мавжуд бўлган. Инсоннинг бир оламдан ўзга ғайб оламига сафарида бу мотивдан кенг фойдаланилган. Инсоннинг ўз ҳолатидан ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар, ғайритабиий кучлар кўринишига киришида тотемистик қарашларнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Асли аجدодлари жониворлар, ўсимликлар бўлган деган қарашлар таъсирида пайдо бўлган бу мотив эртак структурасининг шаклланишида муҳим ўрин тутган.

### **3.2. Ўзбек ва араб халқ эртакларида сафар мотиви**

Сафар мотиви ўзбек халқ эртакларида энг кўп учрайдиган сюжет элементларидан бири ҳисобланади. Сафар етакчи мотив бўлганлиги сабабли

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.51.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.381.

эртак тузилишида асосий ўринни эгаллайди. Бу мотивнинг илдизлари ҳам кадимги миф, маросимларга бориб тақалади. Космогоник қарашлар пайдо бўлиши билан инсоннинг ўликлар мамлакати - ўзга оламга сафари билан боғлиқ ибтидоий тасаввурлар шакллана бошланган. З.К.Ханаеванинг ўликлар оламига саёҳат ҳақидаги қарашларида дунё тириклар ва ўликлар мамлакатига бўлинганлигини, улар ўртасида маълум бир чегаранинг мавжудлиги ҳақидаги илк мифологик тасаввурлар вужудга келганлиги ҳақида мулоҳазалар баён этилади<sup>1</sup>. Ўликлар мамлакатига саёҳат бу ниҳоятда қийин ва хатарли сафар ҳисобланган. Жаҳон фольклоршунослигида сафар мотивнинг айрим хусусиятлари Ирме Эструп ва Герхард Миа каби олимлар томонидан ўрганилган. Бугунги кун фольклоршунослигида сафар мотиви саргузашт ва саёҳат мотивлари тарзида ўрганилмоқда. Бизнинг назаримизда, сафар ва саёҳат мотиви ўзаро ўхшаш бўлса ҳам, айнан бир нарса эмас. Саёҳатга эпик қаҳрамон ихтиёрий суратда отланади. Бундан мақсад - ўз бахтини топмоқ, дунё кўрмоқ, олам тўғрисидаги тасаввурларини бойитиб, оқ-қорани танимоқдан иборатдир.

Сафар мотиви иштирок этган халқ эртакларини бир неча турларга ажратиш мумкин:

1. Эпик қаҳрамони кўзи қаерга тушса ўша ерга отланади. Тўрт томони қибла.
2. Қаҳрамон ихтиёрий суратда ниманидир ёки кимнидир излаб сафарга чиқади.
3. Эпик қаҳрамон ихтиёрий равишда йўқотилган нарсани қайтариш учун йўлга чиқади ва оғир синовларни бошдан кечиради.
4. Қаҳрамонни кимни ёки ниманидир топиш учун сафарга жўнатадилар.
5. Ота-оналар тақиқини бузганлар учун йўлга чиқиш жазо тариқасида берилади.

---

<sup>1</sup> Ханаева З.К. Мотив путешествия в загробной мир в сюжетосложении осетинского эпоса // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – М., 2017. – №10. – С.152-154.

Бу мангу мотивнинг асосий мақсади шундаки, инсонни шахс сифатида шаклланишида, улғайишида, турли қийин синовларга бардош беришида намоён бўлади. Ўзбек фольклоршунослигида синов мотивининг ўзига хос хусусиятларини ўрганган Ш.Назарова бу мотивнинг кўпинча сафар мотиви билан уюшиб келишини таъкидлайди<sup>1</sup>. Агар сафар мотиви эртак экспозициясида тугун вазифасини бажарса, синов “...мотиви тугун ечимида асосий, ҳал қилувчи роль ўйнайди”<sup>2</sup>. Синов мотивининг амалга ошишида сафар мотиви ўзига хос поэтик вазифани бажаради. Маълумки, синов мотивининг илдизлари қадимда мавжуд бўлган эртаклар уюшмаси “Қирк чилтон”ларга бориб тақалади. Агар синов мотивининг илдизлари қадимда тақиқни бузган бўз ўғлонларни тартибга келтириш мақсадида юзага келган бўлса, сафар мотиви синовнинг бир қисми сифатида дунё кўриш орқали инсоннинг дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилган. Албатта, ҳар бир маросим моҳиятига тарбиявий вазифа сингдирилади. Сафар мотиви ҳам худди синов мотиви каби инсонни жисмоний ва маънавий чиниқтиришга, унда қаҳрамонлик ва жасурлик кўникмаларини шакллантиришда муҳим ҳодиса сифатида тарбиявий функцияни бажаради. Сафар қийинчиликларига чидаган эпик қаҳрамон, албатта, барча синовлардан муваффақиятли ўтади ва ўз ниятига эришади. Сафар мотивида йўл образининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Қадимги тасаввурларга кўра, йўл инсон ҳаётида уни ташқи олам билан боғловчи унсур сифатида намоён бўлади. Айниқса, сеҳрли эртакларда сафар мотиви асосий тугун вазифасини ўтайди. Чунки сафар мотиви иштирок этмаган халқ эртаклар санокли бўлса керак. Масалан, машҳур ўзбек халқ эртакларидан “Уч оғайни ботирлар” эртагида ота ўз ўғилларига “Бахтингиз йўлда, топиб олмоқ учун дунёни кўргани йўлга чиқингиз. Дунё танитай дунё кишиси бўлмайсиз. Бахт қушини ушламоқ учун бахт овига чиқингиз”<sup>3</sup>, - деб насиҳат қилади. Ота сўзига амал қилган уч паҳлавон йигит ўз ихтиёри билан

---

<sup>1</sup> Назарова Ш. Ўзбек халқ эртакларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б.21.

<sup>2</sup> Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.143.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.113.

сафарга чиқади. “Ҳаётбахш хаёллар” рисоласида ҳам саёҳат ва саргузашт мотивига катта эътибор берилади: “...эрк ва ҳақиқатга интилган инсон олис саёҳатга отланади”<sup>1</sup>, - деб таъкидланади. Эртақларда эпик қаҳрамон сафарга бир мушкулни ечиш, муаммони ҳал этиш, ўз мақсадига етишиш мақсадида мажбурий тарзда, вазият тақозосига кўра йўлга отланади. Маълумки, сафар инсон камолотида муҳим ўринни эгаллайди. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида сафарнинг фойдалари ҳақида шундай фикрлар билдирилади: “Сафар айриликка учраганларни мақсадига етказувчи ва марҳумларни мурод уйига олиб кирувчидир. Сафар хом одамни пишитувчи ва таомларни сингдирувчидир. Сафар кишиларни олам ажойиботларидан баҳраманд қилади, ғаройиботлар дунёсидан хабардор қилади”<sup>2</sup>. Буюк донишманд шоир сафарни ранж-машаққат сабаби, эритувчи ва куйдирувчи кўра, эр кишининг вужуд олтинини тоблаб гилдан тозаловчи деб таърифлайди. Саёҳатга чиққан одам ҳаракатда бўлгани туфайли юлдуз монанд юксакликка парвоз қилади. “Минг бир кеча” эртақларида ҳам бу мотивнинг ўрни ниҳоятда катта. Мажмуадаги қарийб ҳар эртақ таркибида бош қаҳрамоннинг ўз ихтиёри билан саёҳатга ёки мажбурият, эҳтиёж ва зарурият юзасидан сафарга отланиши тасвирланади. Ўзбек халқ эртақларидан “Эгрибой ва Тўғрибой” эртагида Тўғрибой кишлоғидан иш тополмай аҳволи оғирлашгач сафарга отланишга мажбур бўлади. “Илон пари” тўпламига кирган “Гавҳарнисо ёки зумрадкўз исирға” эртагида чолнинг ўғли опаси Гавҳарнисо учун Кўҳикоф йўлидаги Зумрад тоғидан зумрадкўз исирға топиб келиш учун сафарга отланади. Баъзи эртақларда касал ётган подшонинг қизини дарддан фориғ қилиш учун қаҳрамон даво истаб сафарга отланади. Эпик қаҳрамон ихтиёрий равишда саёҳатга чиққач ёки мажбурий суратда сафарга отлангач эртақда саргузашт мотиви етакчилик қилади. Эртақ сюжетининг бошланишига туртки берувчи, воқеалар

---

<sup>1</sup> Муродов М., Шайхов Ҳ. Ҳаётбахш хаёллар. – Тошкент, 1985. – Б.33.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент, 1983. – Б.89.



бошланишига сабабчи бўлувчи сафар ва саёҳат мотивларининг ўзига хос хусусиятларини куйидагиларда кўриш мумкин:

1. Сафар мотивида ҳам саёҳат мотивида ҳам эпик қаҳрамон йўлга отланади.
2. Қаҳрамонлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қиладилар.
3. Эпик қаҳрамонлар дунё кезиб олам ажойиботларига гувоҳ бўладилар.
4. Дунё кезиш орқасидан олам сирларини англаб, оқ-қорани танийдилар.
5. Сафарга эпик қаҳрамон кўпчилик ҳолларда мажбурий суратда чиқса, саёҳатга ихтиёрий равишда отланади.
6. Эпик қаҳрамон саёҳатга бахт излаб чиқади, сафарга эса бирор мушкулни ҳал этиш мақсадида боради.
7. Саёҳат мотивида кўпинча ғаройиб воқеалар рўй берса, сафар мотивида эпик қаҳрамон турли қийинчиликларни бошдан кечиради ва машаққатларга дучор бўлади.

“Минг бир кеча” ва ўзбек халқ эртақларидаги ихтиёрий суратда бориладиган саёҳат мотивини икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

I. Ўзга ғайб олами, ер ости, сув ости мамлакатларига саёҳатлар:

**1.1.** “Минг бир кеча”да ғайб олами ёки ўликлар мамлакатига саёҳат мотиви деярли учрамайди. Фақатгина “Ҳотам”<sup>1</sup> ҳақидаги ҳикоятда вафот этган ҳолатида ҳам инсонлар тушига кириб саховатли бўлган Ҳотам образи мавжуд. Шомонийлик тушунчаларига кўра куш – ҳомий руҳлар тимсоли бўлиб, эпик қаҳрамонни руҳлар оламига – ғайб оламига олиб кетади. “Минг бир кеча”даги “Басралик Ҳасан” ва “Жоншоҳ” ҳақидаги эртақларда ҳам катта куш Ҳасанни, Жоншоҳни тоғ чўққисига кўтариб учади ва тоғ чўққисидаги эпик қаҳрамон ўзга оламга дуч келади. “Басралик Ҳасан”да

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент, 2015. – Б.5-7.

оташпараст Баҳром савдогарнинг ўғли Ҳасанни олиб қочади, қийнайди ва бирга сафарга отланади. Сафар чоғида Баҳром Ҳасандан сўрайди: “Ҳой Ҳасан, узоқда ҳеч нимага кўзинг тушдимми? Ҳасан: “Кун чиқиш ва кун ботиш ўртасида булут ва ва тўсикқа кўзим тушди”, - деб жавоб берибди. “У булут ҳам эмас, тўсик ҳам, - деб тушунтирибди оташпараст, - ўша тўсик деганинг булутлар келиб бўлиниб кетадиган тоғ. Бу тоғ ҳаддан ташқари баланд ва жуда юксак бўлганлиги сабабли тепасида булут бўлмайди. Мен мўлжаллаган тоғ мана шу. Булут парчаланадиган жойда ўсувчи ўтдан бўлак нарса кимёгарлик хунари учун ярамайди”<sup>1</sup>, – дейди. Ҳасанни терида Қартол қуши тепага олиб учиб тоғ тепасига қўяди ва эпик қаҳрамон денгизга сакраб қутулиб қолади, жин подшоларининг қизларига йўлиқади. “Жоншоҳ” ҳақидаги эртақда ҳам Жоншоҳ яхудий савдогарга ишга ёлланади, савдогар уни хачирнинг сўйилган қорнига тикиб қўяди ва яна катта қуш уни кўтариб тоғ чўққисига қўнади. Бу эртақда ҳам ғайб оламига йўл – тоғ чўққиси орқали амалга ошади. “...савдогар Жоншоҳ ётган хачирнинг қорнини тикиб, ўзи ундан нари кетди, тоғ этагига беркинди. Бир оздан кейин бир катта қуш учиб келиб хачирнинг устига қўнди, уни чангаллаб олиб учиб тоғ чўққисига қўнди ва емоқчи бўлди. Жоншоҳ қуш келганини ҳис қилиб хачирнинг қорнини ёриб, ундан чиқди”<sup>2</sup>. Жоншоҳ сафари мобайнида жинлар шохининг қизи Саидату Шамсани севиб қолди ва қушлар шохи ёрдамида нажот топади. Ўзбек халқ эртақларидан “Сирли гиламча” ва “Хўжа Бозиргон ва ўтинчи”да ҳам айнан шу воқеалар такрорланади. Барча эртақларда ғайб оламига йўл – жуда баланд тоғнинг чўққиси орқали амалга оширилади. Чўққига олиб чиқувчи восита – Қартол қуш ёки катта қуш қисобланади. Ўзбек халқ эртақларидаги Семурғ қуши ҳам ўзга – ғайб оламига олиб борувчи восита сифатида эртақларимизда сақланиб қолган.

**1.2.** Ер ости мамлакатларига саёҳатлар ҳам маълум маънода ғайб оламини англатади. Ўзбек халқ эртақларида ҳам ер ости мамлакатларига

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 7-жилд. – Тошкент, 2015. – Б.232-233.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 2015. – Б.173.

сафар мотиви кўплаб учрайди. “Айрим эртақларда қаҳрамоннинг ер ости мамлакатларига қилган сафари дostonлардаги шу хил сафарларга ўхшайди. Буни антик дунё адабиётида Гомернинг “Одиссея”сида ҳам учратиш мумкин”<sup>1</sup>. Сафар мотивининг илдизлари қадимий бўлса-да, аммо ҳар бир халқ фольклорида ва адабиётида турли хил кўринишларда мавжуд. Ўзбек халқининг “Кенжа ботир”, “Қуёш ерининг паҳлавони”, “Беш қиз” номли эртақларида ер остига сафар қилиш мотиви учрайди. “Кенжа ботир” эртагида Серка ботирнинг хизматкори, ер ости бойлигининг эгаси бўлган бўйи бир қарич, соқоли ўн қарич махлуқни Кенжа ботир ўлдиргач, калла думалаб ўрмон четидаги ўрага тушади. Акалари Кенжа ботирни чуқур ўрага туширади. “Бир вақт узун арқон ҳам тугабди, йигит ҳам ер остига етибди. Ер ости қоп-қоронғи, зим-зиё экан. Йигит нима қилишини билмай, тимирскилаб, эмаклаб сўқмоқ йўл билан бораверибди. Бироз юргач, бир шуъла кўринибди. Шуълага қараб эмаклаб бораверибди. Кенжа ботир юриб-юриб шуъла тушиб турган тешиқдан ёруғ бир ҳовлига чиқибди”<sup>2</sup>. Чуқур ўрага тушган Кенжа ботир ер остига - девлар маконига бориб қолади. “Қуёш ерининг паҳлавони” номли эртақда ҳам эпик қаҳрамон Рустамни Шайтонтепа тоғидаги “таги йўқ” ғорга ташлайдилар. “Рустам “таги йўқ” ғорда бир кеча-ю кундуз ётиб, аста-секин ҳушига келиб қараса, қўл-оёқлари йўғон арқон билан боғланган ҳолда зулмат ичида ётган эмиш. Фақат ваҳимали овозлар, узоқлардан оҳ-фарёд, инграган товушлар эшитилиб турган эмиш... Бироз юргандан кейин чап томонда бир ғор кўрибди”<sup>3</sup>. Рустам ўтинчи ер остидаги аҳолини букри дев зулмидан қутқаради. Иккала эртақда ҳам ер ости девлар макони сифатида тасвирланади. Шунингдек, “Ҳаммол ва қизлар” араб эртагидаги иккинчи кўр қаландар ҳикояти билан “Беш қиз” номли ўзбек эртагидаги “Иккинчи кўр ҳикояти” айнан ўхшаш. “Беш қиз” эртагида Канъон шаҳри подшоҳининг ўғли шаҳзода Ғолиб

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.51.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.236.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.351.

тақдир тақозоси билан бошига кулфатлар тушади ва ўтинчилик билан шуғулланишга мажбур бўлади. Ўтинчи йигит дарахтни илдизлари билан кўпорганида дарахт илдизи тагидан ғор чиқади. Йигит “ Бу қандай ғор экан деб, ичига кирсам, йўл бор экан, нарироқда бир эшик кўринди”<sup>1</sup> . Бу ер ҳам девнинг макони бўлиб, ғорда ўн беш ёшида дев томонидан ўғирлаб келтирилган Форс юрти подшоҳининг қизи Кумушхон яшар эди. “Ҳаммол ва қизлар” араб эртагидаги “Иккинчи кўр қаландар” ҳикоятида ҳам шаҳзода ўтинчилик қилишга мажбур бўлади. Бир куни тўнка қовлаётганда дарахтнинг йўғон бир илдизига дуч келади ва илдиз жуда пастга чўзилганлиги сабабли чуқур қавлашга тўғри келади. Йигит қавлаганда “...Бирдан болтанинг юзи бир темирга бориб теккандай бўлди. Яна чуқурроқ қавлаб, тупроқни юқорига тортдим. Ҳалиги темир ер остига ўрнатилган бир эшикнинг ҳалқаси экан. Эшикни кўтардим. Қарасам эшик остига нарвон қўйилган эди. Нарвондан пастга тушдим. Катта бир дарвоза бор экан”<sup>2</sup>. Бу манзил ҳам иблис Холаснинг набираси Жиржис ибни Ражмус девнинг макони эди. “Ҳосиб Карамиддин ва илонлар маликаси” ҳақидаги араб эртагида ҳам ўтинчи Ҳосиб Карамиддин ёмғирдан қочиб ғорга киради. Ҳосиб болтаси билан ерни уриб қавлаганда ғилдирак бир тош кўринади ва тошни ўрнидан кўчирганда остидан бир эшик чиқди. Эшикни очиб қарашса асал тўла қудуқ эди<sup>3</sup>. Ҳосиб охири ер остидаги илонлар мамлакатига бориб қолади. Қарийб барча эртақларда ўтинчи йигит образи мавжуд. Ер ости девлар макони сифатида берилиб, зим-зиё зулматли ҳолатда тасвирланади. Ер ости дунёсига йўл - чуқур ўра, ғор, йўлак, сўқмоқ, чуқур кетган дарахт илдизини қовлаш орқали амалга ошади. “Минг бир кеча”даги араб эртақларида ер ости йўли аниқ, реал ҳолатда тасвирлашга ҳаракат қилинса, ўзбек халқ эртақларида бироз мавҳумлик мавжуд. Аммо барча эртақларда

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.12.

<sup>2</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.102-103.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.115-116.

ер ости девларнинг макони сифатида берилдики, бунда ўзаро муштараклик мавжуд.

**1.3.** Сув ости саёхатлари ҳақида ҳикоя қилувчи эртақлар ҳам учрайди. “Минг бир кеча”даги “Абдулло бадри ва Абдулло баҳри”, “Жуланор” каби эртақларда сув ости дунёси тасвирланади. “Абдулло бадри ва Абдулло баҳри” номли араб эртагида камбағал балиқчи Абдулло бадри(ердаги)нинг тўрига сув авлодидан бўлган Абдулло баҳри (сувдаги) - дев илиниб қолади ва денгиз Абдуллоси билан ердаги Абдулло дўстлашиб қолади. Абдулло баҳри дўстини денгиз остига пайғамбарга бериши керак бўлган омонатини топшириш учун олиб боради. Абдулло бадри сувга тушса зарар қилмайдиган дандон балиғининг жигар ёғини суртиб сув остига саёхатга отланади. Бадри сув остидаги тоғларни, сузиб юрган турли балиқларни кўриб ҳайрон бўлди. “Балиқларнинг баъзилари катта, баъзилари кичик, баъзилари кўтосга ўхшаса, баъзилари сигирга ўхшар, баъзилари итга ўхшаса, баъзилари одамга ўхшар эди”<sup>1</sup>. Фақат қизлар яшайдиган шаҳарни кўради, бошқа шаҳарда эркақлар ва аёллар ҳам борлигини, лекин эркақлар аёлларга ўхшашлигини томоша қилиб саксон шаҳарни кўради. “Минг бир кеча”да сув остидаги мамлакатлар ҳақида ҳикоя қилувчи “Жуланор” ёки “Бадрбосим ва малика Жавҳара” қиссаси ҳам мавжуд. Ер усти ҳукмдори подшоҳ ер ости подшоҳининг қизини севиб қолади ва уйланади, аммо улардан туғилган шахзода бошига кўплаб синовлар тушадики, айрим ўринлар “Сув қиз” эртагига ўхшайди. Ўзбек халқ эртақларидан сув остига саёхатлар туркум эртақларига қуйидагиларни киритиш мумкин: “Сув қизи”, “Луқмони ҳаким”. “Сув қизи” эртагини фольклоршунос олим Ғайрат Жалолов “Веталининг йигирма беш ҳикояси” китобидаги биринчи ҳикоя билан таққослайди. “Мисол тариқасида ҳинд халқ китобидаги биринчи ҳикоя билан ўзбек халқ орасида тарқалган “Сув қизи” сеҳрли-фантастик эртагининг мотив, образларини солиштириб кўрайлик. Масалан: подшо ва

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 8-жилд. – Тошкент, 1963. – Б.324-325.

вазир ўғилларининг овга чиқиши, гўзал қизни кўриб қолиши, подшо ўғлининг шу қизга ошиқ бўлиши, вазирнинг ўғли эса содиқ дўст сифатида подшо ўғлини мақсадга интилишида ёрдам бериши каби. “Сув қизи”да воқеа подшонинг сув қизини кўриб, унга ошиқ бўлиб қолиши каби экспозицион мотив билан бошланади. “Сув қизи” эртагида образлар ва воқеалар анча умумлаштирилган, денгиз остидаги фантастик шаҳарлар ва уларнинг шоҳи каби мотивлар тасвирланган”<sup>1</sup>. Подшонинг ўғли Турсун вазирнинг ўғли Ғайрат билан сув остига тушади. “Иккови қўлларини маҳкам ушлашиб, ўзларини дарёга ташлабдилар. Иккаласи сувда оқиб-оқиб бир ерга бориб, сувнинг тагига тушиб кетишибди. Қарасалар сувнинг тагида бир уй бор экан”<sup>2</sup>. Икки дўст сувнинг остидаги шаҳарда сув қизини, шаҳар шоҳини кўришиб, бир қанча саргузаштларни бошдан кечиришади.

“Искандарнинг сув ости одамларини бўйсундиришга ҳаракатини тасвирловчи мотив кўп халқ орасида машҳурдир”<sup>3</sup> “Лукмони ҳаким” номли ўзбек халқ эртагида подшо Искандар бутун дунёнинг - осмоннинг устидаги ва ернинг остидаги одамларнинг ихтиёрини ўз қўлига олмоқчи бўлади. Шунда Тойир вазир шўр дарёнинг тагида одамлар борлиги айтади ва бир маҳбусни шиша уйга солиб сув остига туширадилар. “Шундай қилиб, зиндондан олиб чиқилган одамни шиша уйга солиб, занжир билан боғлаб, тош ташлагандай қилиб дарёга ташлаб юбордилар. Дарёга ташланган одам дарёнинг энг тагига етганда, дарё тубидаги одами оби, одами лоби, одами собилар”<sup>4</sup>ни кўрди. Алишер Навоийнинг “Садди Искандар” достонида ҳам бутун дунёни эгаллаган Искандар сув остини ҳам кўрмоқ истади ва сандикқа ўхшаш шиша ясатиб сув остига тушади: “Шунда шоҳ одамларига дедики:- Сиз энди хурсандчилик билан шу ерда тулинг. Денгиз қаърига тушишни ҳавас қилган эдим, ҳозирги соатда шу ниятимга етиб турибман. Орзу қилган муродим ушалгандай бўлди, сув тагига тушиб, у ердаги ҳаётни томоша

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.32-33.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртаклар. – Тошкент, 1966. – Б.161.

<sup>3</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.46.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртаклари. Уч жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.268.

килайин!”<sup>1</sup>. Искандарнинг сув остига тушгани ҳақида икки ривоят бўлиб, бир ривоятда сандиққа ўхшаш бир шиша ясаиб сув остига тушган бўлса, иккинчи ривоятда Искандар қаттиқ риёзат ва заҳмат чеккандан кейин дили покизаланиб кетди, валийлик даражасига етди, кўзини пайғамбарлик чироғи ёритгач сувдаги махлуқларнинг пардадаги ҳаёти ҳам унга аён ва намоён бўлиб қолди. Искандар сув остини томоша қилди: “...Лекин сувдаги махлуқлар турли-туман бўлиб, уларнинг кўпчилиги зўр жуссали ва ажойиб қиёфали эдилар. Шундай баҳайбатлари ҳам борки, агар улардан биронтаси тасодифан ер юзига чиқиб қолса, уни кўрган одамлар даҳшатдан ўлар эди. Шунча кўп балиқлар борки, улар жунбушга келганда ҳаракат қилиб, суръат билан бир ой юрилганда ҳам уларнинг орасидан ўтиб бўлмас эди. Шундай наҳанг ва тимсоҳлар ҳам борки, улар кунига катта балиқлардан иккитасини еб овқатланар эдилар. У ернинг қисқичбақаю сув тошбақалари ҳам шуларга мувофиқ эди”<sup>2</sup>. Демак, халқ эртақларидаги мотивлар ўзаро муштарак бўлиб, ёзма адабиётга ҳам таъсир этган ва шу асосда англаш мумкинки, “Минг бир кеча” сюжетлари нафақат халқ оғзаки ижодига, балки ёзма адабиётнинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатган.

“Абдулло бадри ва Абдулло баҳри” араб эртагида сув остига туриш воситаси дандон балиғининг жигари ёғи бўлса, “Луқмони ҳаким” эртагида шиша уй, “Сув қизи”да Турсун ва Ғайратнинг бирга шундай қўл ушлашиб бирга сувга тушадилар. Сув остидаги маконда ҳам дев ва ғор тимсоли мавжуд. “Абдулло бадри ва Абдулло баҳри” араб эртагида тўрға тушган одам дев деб таърифланади ва балиқлар ғорда яшайдилар. “Луқмони ҳаким” ўзбек халқ эртагида дарё тубидаги одами оби, одами лоби, одами собилар, балки, девларнинг бошқача кўринишларидир. “Сув қизи”да ҳам кампир тимсоли мавжуд, Турсун билан Ғайрат уларнинг сирини айтиб қўймаслиги учун кампирни ўлдириб, сандал ичидаги чуқурга кўмадилар. Балки бу кампир

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Тошкент, 2006. – Б.640.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.641.

тимсоли девнинг ўзгаришга учраган кўриниши бўлиши мумкин. Умуман олганда, араб эртақларида ҳам, ўзбек халқ эртақларида ҳам, сув ости дунёси тасвири мавжуд бўлиб, “Минг бир кеча”да реалистик тасвирлар кўпроқ ва сув ости шаҳарларининг кўриниши батафсил берилган. Ўзбек халқ эртақларида фантастик шаҳарлар ҳақида гапирилса-да, аммо бу шаҳарларнинг кўриниши тасвирланмайди. Аммо барча эртақларда ҳам ғайритабиий жонзотлар ҳақидаги ўринлар мавжуд.

II. Ғаройиб мамлакатларга саёҳат қилиш. “Минг бир кеча”даги “Тилсим шаҳар қиссаси”, “Синдбоднинг саргузаштлари”, “Абуқир ва Абусир”, “Булуқийё”, “Жоншоҳ” каби эртақларда ажойиб-ғаройиб ўлкаларга саёҳат қилиш мотиви устунлик қилади. Ўзбек халқ эртақлари орасида гарчи тўлиқ такрорланувчи ва айнан ўхшаш сюжетли эртақлар учрамаса-да, аммо ўзаро яқин бўлган саёҳат мотивлари ўзаро қиёсланадиган эртақларни учратиш мумкин. Ўзбек халқ эртақларидан “Сув қизи”, “Моҳистара”, “Булбулигўё”, “Бадалқорачи”, “Аҳмадлар” ва “Гул узук” каби эртақларда саёҳат мотиви устунлик қилади. “Абуқир ва Абусир” араб эртагидаги саёҳатлар “Эгрибой ва Тўғрибой” номли ўзбек халқ эртагидаги айрим мотивларга ўхшайди. “Абдулло баҳри ва Абдулло бадри” ҳикояти “Сув қизи”, “Луқмони ҳаким” эртаги мотивларига қиёсланади.

“Тилсим шаҳар қиссаси”да Дамашқ шаҳри халифаси Абдулмалик ибн Марвон Толиб ибн Саҳлга ғаройиб ўлкаларга бориб, Сулаймон ғазаб қилиб жинларни кўзага қамаган ва устига кўрғошин қуйиб дарёга ташлаган мана шундай кўзаларни олиб келишини буюради. Шунда кўзаларни олиб келиш мақсадда сафарга отланади ва унга амир Мусо ибн Наср ҳам ҳамроҳлик қилади. Йўл бошловчи қилиб шайх Абдуссамадни оладилар. Жин қамалган кўзани излаб сафарга чиққанлар йўлда мисгарлар шаҳрига учрайдилар. Жазога тортилган жиндан шаҳар йўлини сўрадилар: “Шаҳар билан бизнинг ўртамизда йигирма беш дарвоза бор. Бу дарвозаларнинг биттаси ҳам кўзга кўринмайди, ҳеч ким билмас шаҳар кўрғони эса тоғдек ё қолипга қуйилган темирдек мустаҳкам. Амир Мусо шайх Абдуссамад билан мискарлар



шаҳрига келиб тушди. Қалъанинг эшигини топишга ҳаракат қилдилар. Лекин тополмадилар”<sup>1</sup>. Мисгарлар шаҳарга кириш йўли – дарвозаси топилмагач нарвон ясаттириб шаҳарга кирдилар. “Ҳасан ва Ҳусан” ўзбек халқ эртагида ҳам Ҳусан зағизғон олиб қочган узук ортидан қувиб равогга бориб қолади: “Тонготар пайтида зағизғон бир равогга келиб тушибди. Ҳусан равотни айланиб юриб киришга на эшик, на дарича топа олмабди”<sup>2</sup>. Равог ёки равог – мусофирхона, карвонсарой, истехком, кўрғон<sup>3</sup>. Демак, бу кўрғонга ҳам кириш йўли йўқ. Агар Мисгарлар шаҳрига нарвон орқали кирган бўлсалар, эпик қахрамон равогга сув йўли билан – равогга оқиб кираётган ариқ орқали киради. Ҳар иккала эртақда характерли ўрин кириш эшигининг йўқлигидир. Шунингдек, “Тилсим шаҳар” қиссасида мисгарлар шаҳрига борадиган йўлни топиш учун мис отликнинг ҳайкалини кўрадилар. “...бир баландликда мисдан ишланган бир отликнинг ҳайкалини кўрдилар”<sup>4</sup>. “Минг бир кеча”даги “Учинчи қаландар” ҳикоясида ҳам шундай тасвирлар бор: “Денгиз қирғоғида ўнта устунга ўрнатилган, сариқ мисдан ясалган гумбаз бор. Қўлида мис найзали бир киши гумбаз устидаги сариқ мисдан ясалаган от устига миниб ўтирибди”<sup>5</sup>. “Беш қиз” ўзбек халқ эртагидаги учинчи кўр ҳикоятида “...бир тепаликда мисдан ясалган от устида қалқон тутган одам”<sup>6</sup> тасвири келтирилади. “Минг бир кеча” эртақларида ҳам, ўзбек халқ эртагида ҳам мис отлик ҳайкали, мисдан ясалган от тасвирлари мавжудки, бу ҳолат ҳам бу эртақлар ўзаро муштарак ҳолатда бир ўзак илдиздан келиб чиққанлигини англатади.

“Минг бир кеча”даги энг қизиқарли ва ғаройиб саргузаштларга бой эртақлардан бири “Синдбод баҳрий ҳикоялари”дир. Бу туркумдаги еттита эртақда ғаройиб ўлкаларга сафарлар тасвирланади. Синдбод тимсоли дастлаб ҳаммол сифатида киритилган бўлиб, кейинчалик унинг вазифалари ошиб

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.345.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.141.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.332.

<sup>4</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.339.

<sup>5</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1959. – Б.120.

<sup>6</sup> Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.16.

борган. Бу эртақда Синдбод ҳаммол ва Синдбод баҳрий тимсоллари мавжуд бўлиб, бир-биридан қизиқарли ҳикоялар баён этилади. “Синдбод баҳрий”нинг бешинчи ҳикоясида жазира - оролда савдогарлар рух қушининг жўжасини сўйиб ейдилар ва рух қуши кемага тош отиб ғарқ қилади. Тахта устида жазирага келиб қолган Синдбод оқар чашмадан чиқаётган ариқ бўйида бир нуроний кексани кўради ва елкасига кўтариб иккинчи ариқ ёнига олиб бормоқчи бўлади: “Бунга яхшилик қилиб истаган жойига олиб бориб кўяй, шояд савоби тегса”, – деб, елкамга кўтариб, ишорат қилган жойига олиб бордим. Унга секингина “туш” дегандим”, елкамдан тушмай икки оёғини бўйнимга ўраб олди, оёғига қарасам говмишнинг терисига ўхшаган қора ва қаттиқ экан, кўрқиб кетдим, елкамдан ирғитиб ташламоқчи бўлсам, икки оёғи билан гарданимни сиқиб буғди, дунё кўзимга қоронғи бўлиб хушсизланиб ўликдек ерга йиқилдим”<sup>1</sup>. Синдбоднинг елкасига минган Шайхул баҳр экан. Ўзбек халқ эртақларидан “Паҳлавон Рустам” номли эртақда ҳам Рустамнинг орқасига минган чолнинг кўрқинчли махлуққа айланиши мотиви мавжуд. “Рустам чолни елкасига миндирибди. Чол ўзининг гавдасига қараганда минг марта оғир экан. Рустам уни кўтариб зўрға ўрнидан турибди. Рустам: “Қани, ота, энди тушинг!”, - дебди”. Шунда чол йигитнинг елкасига ўрнашиброқ ўтириб, қаҳ-қаҳ кулибди-да, “Ҳаҳ, ит ўғли! Кўлимга тушмас экансанми! Мен сени шу минг ботмон оғирлигим билан босиб қолиб ўлдирмоқчиман”, - дебди. Рустам уни силтаб ташламоқчи бўлган экан, чолнинг баданидан саноксиз томирлар ўсиб чиқиб, йигитни ўраб ташлабди”<sup>2</sup>. Бу мотив эртақларда биров ўзгаришларга учраган бўлса ҳам, асос битта - эпик қаҳрамоннинг орқасига минган жонзотнинг ғайритабиий мавжудот эканлиги тасвирланади ва бу мавжудот одамзотга душманлик қилиб уни ҳалокатга юзлаштирамоқчи бўлади. Аммо эпик қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракати туфайли қаҳрамонлар бу ғайритабиий мавжудотдан қутулиб қоладилар. Иккала эртақда қаҳрамонлар базўр бу фалокатдан қутулиб қолади.

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.300-301.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртақлар. – Тошкент, 1985. – Б.9.

“Ҳосиб ва илонлар маликаси” эртагидаги айрим саргузаштлар “Чинор нега кўп яшайди?”, “Гул узук” ва “Моҳистара” номли ўзбек халқ эртақларида учрайди. “Ҳосиб ва илонлар маликаси” эртагида Булуқийнинг сафарга пайғамбарни излаб чиқиши, боқий ҳаёт сувини ахтариши<sup>1</sup> ҳам қадимий мотив бўлиб, “Билгамиш” достонида учрайди. Билгамиш боқий яшаш сирини излаб сафарга чиқади. Бу боқий яшаш сирини мотиви юнон манбаларига ҳам, улар орқали форс ва араб эртақларига ҳам ўтган. Диний руҳдаги бу эртақда Муҳаммад пайғамбарнинг сифатларини билиб олиш учун Муҳаммад пайғамбарни излаб сафарга чиқиш, пайғамбарнинг охир замон пайғамбари эканлиги ва пайғамбарни кўриш учун боқий умр зарурлиги, боқий умр кўриш учун оби ҳаётга етишиш зарур эди. Бу ҳам энг қадимги манбалардан “Минг бир кеча”га ўтган мотивлар кўплигини исботлайди. “Чинор нега кўп яшайди?”<sup>2</sup> номли ўзбек халқ эртагида ҳам ҳаёт сувини излаб сафарга чиқиш мотиви учрайди. Чинор боқий ҳаёт сувини ичганлиги сабабли кўп яшашига урғу берилади. Бундай руҳдаги эртақларнинг илдизлари ниҳоятда қадимий бўлиб, дунёнинг қарийб барча халқлари эртақларида боқий яшаш сирларини билиш учун сафарга отланиш мотиви мавжуд.

“Ҳосиб ва илонлар маликаси” араб эртагида Ҳосиб Карамиддин ер остига илонлар мамлакатига бориб қолади. “Бир оз ухлаганди, бирдан пихиллаган, шипиллаган шов-шув овозлар эшитилди; у кўзини очиб қараса, курсилар устида катта-катта илонлар ётибди, ҳар бирининг узунлиги юз газ келарди”<sup>3</sup>. “Булуқий ҳақида”ги эртақда ҳам жазирада қолиб кетган Булуқий “...хурмо дарахтидай, туядай илонларни кўрди”<sup>4</sup>. Худди шундай тасвирлар “Гул узук” ва “Моҳистара” номли ўзбек халқ эртақларида ҳам мавжуд. “Моҳистара” номли ўзбек халқ эртагида Шавкат шаҳзода малика Моҳистарани излаб сафарга чиққан пайтида қизиган кимсасиз чўлда жуда қийналади: “Бир куни кечаси бир нарсанинг товуши эшитилди. Орқасига

---

<sup>1</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.121.

<sup>2</sup> Энг яхши совға. Эртақлар. – Тошкент, 1973. – Б.13-14.

<sup>3</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.118.

<sup>4</sup> Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 1962. – Б.123.

бурилиб қараса, бутун атрофдан чийиллаган овоз келди. Бу овоз тобора яқинлаша бошлади. Шаҳзода ваҳимага тушиб тез-тез юрди ва бир қумтепа устига бориб етди. Унинг олдидан баҳайбат илонлар ўта берди”<sup>1</sup>. Иккала эртақда ҳам чийиллаган овозлар ва баҳайбат илонлар тасвири келтирилади. “Гул узук” эртагида ҳам илонни қутқарган бола илонлар мамлакатига саёҳатга боради. “Охири илонлар подшоси турадиган ерга етибдилар. Бола қараса, бу ерда одамлар жуда баҳайбат, ярмиси одамга ўхшайди, ярмиси худди қўтосга ўхшайди. Шунда бола: “Бу қандай махлуқлар?” - деб сўрабди. “Қўрқма, бизнинг юртимизда одамлар шунақа бўлади, булар отамнинг фуқароси”, - дебди илонинг боласи. Бола бир қанча вақтларгача шу ерда қолиб кетибди, жуда кўп ажойибот-ғаройиботларни кўрибди. Шохи бор одамлар, тўрт бошли аждаҳолар, бир чақирим ерга соя берадиган катта қушлар, одам ютар балиқларни кўрибди”<sup>2</sup>. Бу эртақда ҳам илонлар мамлакати ҳақида гап борсада, ғаройиб жонзотлар тасвирланади.

Вазият ва шароит тақозоси туфайли эпик қаҳрамон сафарга мажбур бўлиб чиқиши мотивини ҳам шартли равишда уч турга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Севгилисини излаб сафарга чиқиш.
2. Беморнинг дардига шифо излаб сафарга отланиш.
3. Бирор бир мушкул ишни ҳал этиш мақсадида сафарга отланиш.

1. ***Севгилисини излаб сафарга чиқиш*** мотиви жуда кўплаб эртақларнинг бошловчи экспозицион мотиви ҳисобланади. “Минг бир кеча”даги “Жоншоҳ”, “Қамаруззамон”, “Абу Муҳаммад танбал ва халифа”, “Басралик Ҳасан”, “Ардашер ва Ҳаётуннуфус”, “Тоҷулмулук” каби ўнлаб эртақларда севгилисининг ишқида оғир изтиробга тушган эпик қаҳрамонлар олис ўлкаларга сафарга отланади ва турли қийинчиликлари бошдан кечириб, ўз мақсадига эришади. Ўзбек халқ эртақларидан “Мислабу”, “Сув қизи”, “Орзижон ва Қамбаржон”, “Қорасоч пари”, “Моҳистара”,

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.50.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. – Тошкент, 1985. – Б.150.

“Воспирохун” каби эрталарда ҳам севгилисини излаб сафарга отланиш мотиви етакчилик қилади.

## **2. Беморнинг дардига шифо излаб сафарга отланиш.**

“Минг бир кеча” таркибидаги эртаклар ичида айнан беморнинг дардига шифо излаб сафарга чиқиш мотивлари иштирок этган эртаклар учрамаса-да, аммо “Одил Ануширвон” араб эртагида Ануширвон ўзини ёлғондан касалликка солади ва давоси - бузилиб вайрон бўлган қишлоқдаги эски ғиштни келтиришни сўрайди. Вазирлар бутун мамлакат бўйлаб сафарга отланади ва бундай ғиштни тополмайди. Бу орқали одил подшо юртида биронта ҳам вайрона учрамаслиги мақталади.

Ўзбек халқ эртакларидан “Ақлли қиз”да чолнинг қизи кўзи ожиз бўлиб қолган отасининг тузатиш учун сафарга чиқади. “Рум вилоятининг подшосининг хазинасида кўр кўзни очадиган дори бор эмиш”<sup>1</sup>. Қиз қийинчиликларга учраб ўз мақсадига етади. “Эгрибой ва Тўғрибой” ўзбек халқ эртагида ҳам иш излаб сафарга чиққан Тўғрибой йўлда кўп саргузаштларга дуч келади. “...ўрмонда бир қайрағоч бор, унинг пастроғида иккита шохчаси бор. Шу шохчаларнинг япроқлари бутун касалларга даво. Мана шу шаҳардаги подшоҳнинг қизи етти йилдан буён касал. Агар ўша қайрағоч япроғини эзиб, шу қизга ичирилса, у дарров соғаяр ва шу ишни қилган киши подшоҳ қизини олар эди”<sup>2</sup>. Тўғрибой шу шартни бажариб подшо қизига уйланади.

## **3. Бирор бир мушкул ишни ҳал этиш мақсадида сафарга отланиш.**

“Минг бир кеча”даги “Тилсим шаҳар қиссаси”да Сулаймон пайғамбар сеҳрлаган кўзаларни, “Булуқиё”да Муҳаммад пайғамбарни излаб сафарга чиқиш мотиви етакчилик қилади. “Ажиб ва Ғариб” қиссасида Ғариб ўзини асраб олган Мирдос подшо ўғлининг қасосини олиш учун Ғуллар водийсига сафарга отланади. Қисса Бағдод эртаклари туркумига киради, унда ислом динини ёйиш ҳақидаги ғоялар улуғланади. Бу водийда яшовчи Ғул жуда

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртаклари. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.227.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртаклари. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент, 2007. – Б.338.

кучли бўлиб, кўп одамнинг бошига етади. Ғариб ўз акаси Ажибни енгиш учун турли ўлкаларга сафарга боради, ислом динини ёйади, мусулмонликка даъват этади. Ғариб дашт мамлакатига бориб, Аҳвоз шаҳри подшоси Жамарқонни енгади, Ироқ, Куфа шаҳарларига боради. Мирдос шох ваъдасида турмай ўз қизини Ажибга бермоқчи бўлганида, Ғариб акасига қарши жанг қилади. “Али Нуриддин ва Марям Зуннория” қиссасида савдогар ўғли Нуриддин ёшлик туфайли ичкилик ичиб отаси Тожиддинни уради, отасининг кўзи оқиб тушади. Бу воқеани эшитиб кўрққан Нуриддин тонгда туриб денгиз саёҳатида қочиб кетади. Ўзбек халқ эртакларида эпик қаҳрамонлар “Чинор нега кўп яшайди?” эртагида боқий ҳаёт сувини, “Булбулигўё”да сеҳрли қушни, “Бадалқора”да дев томонидан ўғирланган сеҳрли тойчоқларни, “Қаҳрамон”да девни енгиш учун, “Ялтиллама сопол товоқ” эртагида ялтиллама сопол товоқни, “Ойнайи жаҳоннома”ни топиб келиш учун хатарли сафарларга отланади. Мушкул ишни ҳал қилиш учун сафарга отланиш ҳам кўплаб эртакларда учрайди. Кўплаб эртаклар бефарзандлик мотиви билан бошланади ва сеҳрли кучлар воситасида фарзанд ато этилади. Туғилган фарзанднинг жисмоний ва руҳий камолоти йўлида турли мушкулларга дуч келиши, турли-туман қийинчиликларни енгиш орқали ўз ниятларига етиши, энг аввало унинг сафарга отланиши ва сафар чоғида товланиши эртакларнинг асосий сюжети ташкил этади. Сафар - эртакларда жисмоний ва руҳий камолот воситаси ҳисобланади. Чунки, эпик қаҳрамоннинг ботирлиги, мардлиги, инсонпарварлиги турли сафарлар чоғида яққол кўзга ташланади. Эртакларда сафар кўпинча тугун вазифасини ҳам ўтайди. Сюжетнинг ривожланишига туртки берувчи сафар мотиви ажойиб-ғаройиб воқеалар орқали ифодаланса-да, аммо унинг ўзига хос поэтик вазифаси мавжуд. Чунки, эпик қаҳрамон бирор мушкулни ҳал қилиш учун сафарга отланганими, беморга даво излаб сафарга чиқадими ёки севгилисини излаб йўлга отланганими, барибир, қандайдир бирор мақсадни кўзлайди, воқеа-ҳодисалар шунчаки юз бермайди. “Минг бир кеча” эртакларида эпик қаҳрамонларнинг сафари баёни батафсил ва реалистик, ишонарли ва

воқеликка мос равишда тасвирланишига катта эътибор берилса, ўзбек халқ эртакларида бу жараён ўзига хос ҳолатда намоён бўлади. Араб эртакларида воқеалар баёнидаги тўлиқлик, жой номларининг тасвирида мукамаллик кўзга ташланса, ўзбек халқ эртакларида халқчиллик, соддалик, оддийлик ва қисқалик асосий мезон саналади. Араб эртаклари ҳажм жиҳатидан анча салмоқли. “Минг бир кеча” эртакларида ҳам, ўзбек халқ эртакларида ҳам такрорий ва бир-бирига ўхшаш сюжетли эртаклар кўплаб учрайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Минг бир кеча” мажмуасидаги эртаклар таркибида учрайдиган сафар мотивларининг структураси билан ўзбек халқ эртакларида учрайдиган сафар мотивлари ўртасида ўзаро муштараклик мавжуд бўлиб, бундай муштаракликлар ўртасида ўзаро алоқадорлик кузатилади. Сафардан кўзланган мақсадни амалга оширишда бажариладиган мушкул ишлар ўртасида ҳам ўзаро мутаносибликни кўриш мумкин. Сафар мотиви эртак структурасининг шаклланишида ўзига хос муҳим ўрин тутди ва сюжетнинг ранг-баранглиги, ажойиб-ғаройиб воқеалар тавсилоти эртакларнинг янада жозибадорлигини таъминлайди. Демак, айтиш мумкинки, “Минг бир кеча” эртаклари таъсирида яратилган ўзбек халқ эртаклар таркибида ҳам сафар мотивлари иштирок этган қизиқарли ва ажойиб саёхатлар тасвири учрайди ва бундай таъсир натижасида ўзбек халқ эртакларининг структурасида сюжет тизими ривожланишига кенг йўл очилади.

Диссертациянинг учинчи бобида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Эврилиш мотиви қадимги мифологик қарашлар асосида пайдо бўлган бўлиб, унинг тарихий-генетик асослари қадимги тотемистик тасаввурларга бориб тақалади. Қадимги одамларнинг тотем-аждод қиёфасига киришдан иборат магик хатти-ҳаракатлардан иборат маросимий амаллари ҳамда жоннинг турли шакл ва кўринишда намоён бўлиши тўғрисидаги анимистик қарашлари таъсирида юзага

келган бу мотивнинг бадий эволюциясида шомонларнинг ҳомий рухлар оламига сафари ҳақидаги тасаввурлар ҳам муҳим роль ўйнаган.

2. Қаҳрамоннинг сеҳрли-магик ҳомийлар мададидан баҳраманд бўлиш, ёвуз кучлардан ҳимояланиш, ўзининг ғаройиб хусусиятларини намойиш этиш, муайян хатти-ҳаракатлари учун жазога лойиқ кўрилиш ва бошқа ҳолатлардаги эврилиши мотиви сеҳрли эртак сюжетини ҳаракатга келтирувчи ва эпик асар композицион қурилишини шакллантирувчи асосий сюжет ҳалқаларидан бири ҳисобланади.

3. “Минг бир кеча” таркибидаги эртак сюжетларининг миграцияси натижасида шаклланган ўзбек халқ сеҳрли эртакларида эврилиш мотивининг қуйидаги уч типи мавжуд: а) хиёнаткорлиги сабабли жазоланган эртак қаҳрамонининг асл кўринишини ўзгартиришга сабаб бўладиган эврилиш мотиви; б) қаҳрамонинг душман таъқибидан ўзини ҳимоя қилиши мақсадида ўз кўринишини ўзгартириши ҳамда душман томонидан сеҳрланиш оқибатида бошқа шаклга ўтишга сабаб бўладиган эврилиш мотиви; в) кабутар-париларнинг гўзал қизларга айланишидан иборат эврилиш мотиви.

4. “Минг бир кеча” таркибидаги эртакларда қайд этилган эврилиш мотивида қаҳрамоннинг ўз кўринишини ўзгартириши муайян нарса-ҳодисалар (масалан, сув, тупроқ) ҳамда сеҳрли-магик кучга эга деб тасаввур қилинган сўз (афсун) воситасида амалга ошиши тасвирланган бўлса, ушбу манба таъсирида юзага келган ўзбек халқ эртакларида қаҳрамоннинг ўз шаклу шамойилини ўзгартириши кўпинча сўз магияси (дуо, афсун) орқали воқеланиши кузатилади. Халқ эртаклари композицион қурилишидаги эврилиш мотиви сюжетни шакллантирувчи семантик бирлик вазифасини бажаради.

5. “Минг бир кеча” ва ўзбек халқ эртаклари сюжет қурилишидаги сафар мотивларининг эпик талқинида ўхшашликлар, жумладан, ер ости ва сув ости дунёсига қилинган сафарлар ўртасида,



Ўзга оламларга бориш йўлларида ҳам ўзаро ўхшашликлар ва муштаракликлар мавжуд. Сафар мотиви бундай ўзлашган эртаклар структурасининг шаклланишида муҳим ўрин тутган ва сюжет тизимининг ривожланишига таъсир кўрсатган.

6. “Минг бир кеча” таркибидаги сафарлар тавсилотида мукамаллик ва ғаройиб воқеалар тасвирида аниқлик кузатилса, ўзбек халқ эртаклари таркибидаги сафарлар таркибида қисқалик ва бироз мавҳумлик хусусиятлари акс этади. Сеҳрли эртаклар таркибидаги сафар мотиви эпик қаҳрамоннинг саргузаштларини қизиқарли баён қилиш баробарида сюжет структурасидаги композицион ҳалқаларни ўзаро бирлаштириб турувчи ўзак функцияларни бажаради ва эртаклар сюжет тизимининг ривожланишига асос бўлади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Шарқ халқлари фольклори ва ёзма адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган адабий ёдгорликлардан бири “Минг бир кеча” бўлиб, у бевосита жонли ижро ҳолатида ёзиб олинган эртақлардан тузилган жамланма эмас, балки шаклланиш тарихига кўра турли даврларни ўз ичига қамраб олган кўпқатламли эпик сюжетлар асосига қурилган халқ эртақларининг бадиий жиҳатдан қайта ишланган мажмуасидир. Жаҳон халқлари бадиий тафаккури тараққиётига катта таъсир кўрсатган бу адабий ёдгорлик таркибидаги эртақлар шаклланиш тарихига кўра кўпқатламли бўлиб, ҳинд-форс-араб эртақчилиги анъаналарини ўзида мужассамлаштирганлиги билан характерланади;

2. “Минг бир кеча”нинг яратилишига асос бўлган манбалар ва бу адабий мажмуанинг шаклланиш босқичларига доир илмий қарашларни умумлаштирган ҳолда бу жараён X асрда бошланиб, XIV аср охири – XV аср бошларида Қоҳирада ўз ниҳоясига етказилган, деган хулосага келдик. Бу жараённи қуйидаги уч босқичга бўлиб тавсифлаш мумкин: а) қадимги ҳинд фольклорининг таъсирида юзага келган форс мажозий эртақлари; б) X-XII асрларда Бағдодда яратилган саргузашт характеридаги араб эртақлари; в) XIII-XV асрларда Қоҳира ва унинг атрофида юзага келган араб новеллистик эртақлари.

3. “Минг бир кеча” мажмуаси таркибидаги эртақлар сюжетининг этномаданий асослари ва эпик трансформациясини ўрганиш асосида ушбу ёдгорликнинг шаклланишига асос бўлган дастлабки манба ҳинд фольклори бўлиб, қадимги ҳинд эртақлари таъсирида юзага келган форс мажозий эртақлари мажмуаси “Ҳазор афсона”нинг X асрда араб тилига таржима қилиниши натижасида бу мухташам адабий ёдгорликнинг илк асоси шаклланган.

4. “Минг бир кеча”нинг туркий ва ўзбек филологиясида ўрганилиши тарихи ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган бўлиб, “Минг бир кеча”нинг

қозоқ фольклори ва ёзма адабиётига кўрсатган таъсири С.Қасқабасов, А.Дербисалиев, М.Салқинбаев, Н.К.Жармагамбетов томонидан тадқиқ этилган. Араб эртакларининг таржима қилиниши натижасида қозоқ фольклорига ўзлашган эпик сюжетларнинг поэтик трансформацияси ва адаптация жараёнларига хос хусусиятларни ойдинлаштирган С.А.Тулеубаева “Минг бир кеча” ва қозоқ халқ эртакларини қиёсий-текстологик таҳлил қилиш асосида ҳар икки халқ эртакчилиги анъанаси учун муштарак ҳисобланган сюжет, мотив ва образлар тизими, шунингдек, бир-бирига ўхшаш бадиий воситалар ифодасини аниқлаган.

5. Сидқий Хондайлиқий, Саид Аҳрор маҳдум, Шохмардон Иброҳимов каби моҳир мутаржимлар томонидан XIX аср охири – XX аср бошларидаёқ “Минг бир кеча” ўзбек тилига ўгирилиб, Ўрта Осиёга кенг тарқалгач, ўзбек халқ эртакларининг маълум бир қисми ана шу манбага бориб тақалувчи сюжетлар асосида шакллана бошлаган. 1960 йилларда “Алф лайла ва лайла”нинг Қоҳирада босилган энг мукаммал “Булоқ” нусхаси асосида Солиҳ Муталибов, Юнусхон Ҳакимжонов, Абдусодиқ Ирисов ва Абдуфаттоҳ Расуловлар томонидан ўзбек тилига ўгирилган тўлиқ таржимаси юзага келган.

6. “Минг бир кеча”даги ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклар сюжети тизимли, бир неча воқеалар тартибли ва кетма-кетликда баён этилган, маълум бир қолипга эга, ҳажман катта. Ўзбек халқ эртакларида эса асосан сюжети ихчам, кўпинча икки эпизоддан ташкил топади, сюжетда эркин ўзгаришлар бўлиши мумкин, ягона қолипга бўйсунмаслиги аниқланди. Қиёсий-тарихий таҳлил натижасида “Минг бир кеча” таркибидаги ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклар ўзбек халқ эртакларига таъсир кўрсатганлиги далилланди.

7. Араб сеҳрли эртакларида, айниқса, ҳаётий-маший эртакларда воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотларини баён этишда реал ҳаётий тасвирлар ҳам мавжуд. Эртак қаҳрамонларининг номлари, мамлакатлар номлари, сеҳрли ҳодисалар билан боғлиқ тавсилотлар мукаммал ҳолатда баён этилган. Ўзбек

халқ сеҳрли эртақларида эса воқеликнинг муайян конкрет жўғрофий атамалар, реал тарихий шахс номи ва конкрет макон билан боғлиқлиги ҳолати деярли учрамайди, яъни эртақ фантастикасининг асосини хаёлий уйдирма ташкил этади.

8. Эртақларнинг яқунланма қисми талқинига кўра ҳам “Минг бир кеча” ва ўзбек халқ эртақлари бир-биридан фарқланувчи хусусиятларга эга. “Минг бир кеча”даги баъзи бир эртақларда кишиларни алдаш, хиёнат қилишга нисбатан енгил юмористик кулгу билан муносабат билдирилса (масалан, “Далила жодугар ва қизи Зайнаб” каби), ўзбек халқ эртақларининг қарийб барчасида адолат, софлик, тўғрилиқ улуғланади, алдамчи, маккор ва доғули персонажларнинг кирдикорлар фош этилади, халқона рух устунлик қилиши кузатилади.

9. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларининг асосий қисми тарихий асосларига кўра қадимги ҳинд, форс ва араб эртақчилиги анъаналарининг таъсирини ўзида мужассамлаштирган “сайёр сюжетлар” асосида яратилган бўлса-да, тарихий-фольклорий жараён давомида бундай ўзлашма эпик қатлам эртақчиларнинг бадиҳагўйлиги ва ижодкорлиги туфайли бадиий сайқал берилиб, ўзига хос миллий рух бахш этилган. “Минг бир кеча”дан ўзлашган “сайёр сюжетлар” натижасида ўзбек халқ сеҳрли эртақларининг янгидан-янги вариантлари яратилганлиги, бунинг натижасида ўзбек халқ эртақчилиги анъаналари такомиллашиб ривожланиб борганлиги аниқланди.

10. Сеҳрли эртақ бадиий структурасида муҳим композицион функция бажарувчи эврилиш мотиви қадимги давр фольклоридаги тотемистик, анимистик ва шомонистик қарашларнинг мифопоэтик интерпретацияси натижасида шаклланган. Бу мотив генезиси қадимги одамларнинг тотем-аждод қиёфасига киришдан иборат магик хатти-ҳаракатлардан иборат маросимий амаллари ҳамда жоннинг турли шакл ва кўринишда намоён бўлиши тўғрисидаги анимистик қарашларга бориб тақалади.

11. “Минг бир кеча” таркибидаги сеҳрли эртақлар таъсирида шаклланган ўзбек халқ эртақларидаги эврилиш мотивининг ўзига хос эпик талқинлари

қахрамоннинг сеҳрли-магик ҳомийлар мададидан баҳраманд бўлиш, ёвуз кучлардан ҳимояланиш, ўзининг ғаройиб хусусиятларини намойиш этиш, муайян хатти-ҳаракатлари учун жазога лойиқ кўрилиш ва ўз кўринишини ўзгартириш каби ҳолатларни ўз ичига олиши билан характерланади. Сеҳрли эртак сюжет тузилишида функционал-семантик вазифа ўтайдиган эврилиш мотивининг асосий вазифаси эпик қахрамон ўз кўринишини ўзгартириши орқали мақсадига етишига хизмат қилишдан иборатдир.

12. Сафар мотивининг “Минг бир кеча” ва ўзбек халқ эртаклари структурасидаги ўрнини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, сафар мотивининг генетик асослари қадимги жамиятдаги йигитларни бир ёш-табақа мансубиятидан навбатдагисига ўтказиш мақсадида бажариладиган ритуал хатти-ҳаракатлар ва магик амаллардан иборат синов-инициация маросимларига боғланади. Бу мотивнинг ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжет структурасидаги эпик функцияси қахрамон саргузаштларини қизиқарли баён қилиш ҳамда сюжетни ташкил этувчи турли композицион бирликларни ўзаро бирлаштиришдан иборатдир.

## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Назарий-методологик манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи”. – Тошкент, 2017, 25 май.

### II. Илмий-назарий адабиётлар

2. Абдурахмонов А. Туркий адабиётнинг қадимги даври. – Тошкент, 2005.

3. Абу-л-Хасан `Али ибн ал-Хусайн ибн `Али ал-Масъуди. Золотые копи и россыпи самоцветов [История Аббасидской династии: 749—947 гг.] / сост., пер. с араб., прим., комм. и указатели Д. В. Микульского. – М.: Наталис, 2002. – С.176.

4. Арабская средневековая культура и литература. – М.: Наука, 1978.

5. Аширов А. Мотивы мира в узбекских народных эпических сказаниях // Вестник Северо-Восточного федерального университета имени М.К.Аммосова: Серия Эпосоведение. – Якутск, 2016. – №4 (04). – С.13-18.

6. Бараг Л.Г. Об отношении башкирских волшебных сказок к русским / Отражение межэтнических процессов в устной прозе. – М., 1979. – С.86.

7. Беляев В.И. Арабская историческая диалектология и арабские рукописи в Ленинграде // Вопросы филологии стран Азии и Африки. – Л.: Наука, 1973.

8. Беляев В.И. Диалектизмы в “Тысяча и одной ночи” // Вопросы филологии Азии и Африки. Вып.1. Сборник в честь проф. И.Н.Винникова. – Л., 1971. – С.19-27.
9. Бобожонова У.Б. Странствующие мотивы фольклора / Филология и лингвистика в современном обществе. – М: Буки - Веди, 2016. – С.21-22.
10. Борхес Х.Л. Переводчики “Тысяча и одной ночи” / Борхес Х.Л. Письмена Бога. – М.: Издательство “Республика”, 1992. – С.119-138.
11. Веселовский А.Н. Сказки “Тысяча и одной ночи” в переводе Галлана / Веселовский А.Н. Собрание сочинений. – М.-Л.: Издательство Академии наук СССР, 1938.
12. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л., 1940.
13. Герхард М. Искусство повествования. Литературное исследование “1001 ночи”. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1984.
14. Гилемшин Ф.Ф. “Мынг бир кече” хем татар адебияты // Мирас. – Казан, 1998. – №12.
15. Гилемшин Ф.Ф. Антропонимическая лексика татарского перевода произведения “Тысяча и одна ночь” // Казанская наука. – Казань, 2018. – №7. – С.59-61.
16. Гилемшин Ф.Ф. Арабские сказки в системе татарской культуры и языка: татарские переводы сборника “Тысяча и одна ночь”: язык, образы, стиль. – Казань: Казанский гос. ун-т, 2008. – 113 с.
17. Гилемшин Ф.Ф. Изучение “Тысячи и одной ночи” на Западе и на Востоке / Казанское востоковедение: традиции, современность и перспективы. – Казан, 1992. – С.22-25.
18. Гилемшин Ф.Ф. Лексика сказок “Тысяча и одна ночь”: аксиологический и когнитивный аспекты // Казанская наука. – Казань, 2015. – №12. – С.115-117.

19. Гилемшин Ф.Ф. Семантика компонентов цветовой гаммы в сказках “Тысяча и одна ночь” // Казанская наука. – Казань, 2018. – №7. – С.62-64.
20. Гилемшин Ф.Ф. Эмоциональная лексика в татарском переводе сказок “Тысяча и одна ночь” // Казанская наука. – Казань, 2018. – №6. – С.53-56.
21. Горстер А.К. К литературной истории “Тысяча и одна ночи” / Юбилейный сборник в честь Всеволода Миллера. – М.: Типография А.Васильева, 1892. – С.231-240.
22. Горстер А.К. Статья А.Сальхани / Юбилейный сборник в честь Всеволода Миллера. – М.: Типография А.Васильева, 1892. – С.231-240.
23. Горький М. О сказках / Книга тысячи и одной ночи. – Ленинград: Академия, 1932. – С.8-12.
24. Горький М. Эртақлар ҳақида / Минг бир кеча. – Тошкент, 1959. – Б.4-5.
25. Грюнебаум Г.Э.Элементы греческой формы в сказках “1001 ночи” / Арабская средневековая культура и литература. – М.: Наука, 1978. – С.163-190.
26. Дербісәлиев Ә. “Мың бір түн” елінде / Очерктер, әңгімелер. – Алматы: Жалын, 1986. – 184 б.
27. Дербісәлиев Ә. Араб әдебиеті (классикалық дәуір). – Алматы, 1982.
28. Жалолов Ғ. Эртақ ва ҳаёт. – Тошкент, 1975.
29. Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлааро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979.
30. Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976.
31. Жалолов Ғ. Узбеский народный сказочный эпос. – Ташкент: Ўқитувчи, 1980.



32. Жалолов Ғ. Сўзбоши / Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1990. – Б.11.
33. Жирмунский В.М. К вопросу о международных сказочных сюжетах / Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л., 1979. – С.336-343.
34. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979.
35. Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг сюжет ва мотивлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 5-сон. – Б.37.
36. Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 5-сон. – Б.31.
37. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009.
38. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001.
39. Жўраева М.Ю. Эврилиш мотивининг тарихий асослари / Фольклоршунослик. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиётига доир тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.78-82.
40. Ziyat Abdülmecit Akkoyunlu. “Binbir gece” masallarının türk masallarına tesiri // PAÜ. Eğitim Fak. Derg.. – Denizli, 1996. Sayı:1. – S.1-11
41. Ziyat Abdülmecit Akkoyunlu. Arapça Kaynaklarından Binbir Gece Masalları Ve Türk Masallarına Tesiri. – Ankara, 2013.
42. Зиновьева А.Ю. Бродячие сюжеты / Литературная энциклопедия терминов и понятий. – М.: Интелвак, 2001. – С.99-100.
43. Зулкарнаев С.Ш. Арабские заимствования в татарских фольклорных жанрах (на примере баитов) // Вестник Чувашского государственного университета. – Чебоксары, 2008. – С.285-287.

44. Имомов К ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
45. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент, 2008.
46. Имомов К. Эртақлар / Ўзбек фольклори очерклари. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 1989.
47. Калягина-Кондратьева М. Сўзбоши / Ҳинд халқ эртақлари. – Тошкент, 1956. – Б.3.
48. Кәмалә Ёсламзадә. “Min bir gecә” ilә Azәрbaycan nağılları arasında paralellәр vә yaxud әrәb mәнşәli süjetlәр // Azәрbaycan şifahi хalq әdәbiyyatına dair tәdqiqләр. – Bakı: Elm vә tәhsil, 2017. – №2 (51). – С.91-104.
49. Кароматов Ҳ. “Қуръон” ва ўзбек адабиёти. – Тошкент, 1993.
50. Карутц Р. Среди киргизов и туркмен на Мангышлаке. – СПб., 1911.
51. Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М: Изд-во иностранной литературы, 1960.
52. Коломакина Б.А. Мотив превращения человека в животное в волшебных сказках бурят и шорцев. Сибирский филологический журнал. – Новосибирск, 2012. – С.19-23.
53. Коломакина Б.А. Мотив превращения в сибирских сказаниях: структура, классификация // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2017. – №7 (73): в 3-х ч. Ч.1. – С.34-44.
54. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999.
55. Костюхин Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. – М.: Наука, 1972.
56. Крачковский И.Ю. Датский перевод «1001 ночи» / Избранные сочинения. Т.2. – М.-Л., 1956.

57. Крачковский И.Ю. Одна из арабских версий сказки про женскую хитрость // Доклады Академии наук. Серия В. – М., 1926. – С.23-26.
58. Краюшкина Т.В. Группа мотивов изменения внешнего облика человека русских народных сказках: типы и функции // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2008. – №12. – С.73-78.
59. Крымский А. Прибавление Горстер А.К. К литературной истории “Тысяча и одна ночь” / Юбилейный сборник в честь Всеволода Миллера. – М.: Типография А.Васильева, 1892. – С.231-240.
60. Крымский А.Е. История новой арабской литературы (XIX–начало XX века). – М.: Гл. ред. вост. лит., 1971.
61. Крымский А.Е. Тысяча и одна ночь. Общий историко-литературный очерк. Труды Лазаревского института восточных языков. Вып. 8. – М., 1904.
62. Кузнецова П. Мотив превращения в мифе и в сказке / Актуальная классика. – М., 2018. – С 27-32.
63. Курова О.Т. Австрийский ориенталист Йозеф фон Гаммер-Пургшталь как источниковед. – СПб., 2019.
64. Қасқабасов С. Таңдамалы. Т.3. Фольклорная проза казахов (Избранные исследования). – Астана: Фолиант, 2014.
65. Қаюмов О. Пари ва амазонка образлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – 2-сон. – Б.54.
66. Лебедев В.В. Словесное искусство наследников Шахразады / Арабские народные сказки. Пер. с араб., предисл. и примеч. В.В.Лебедева. – М.: Наука, 1990. – С.5.
67. Лебедев В.В. Записи средневекового арабского фольклора в рукописном собрании Государственной Публичной библиотеки им. М.Е. Салтыкова-Щедрина / Письменные памятники Востока. Ежегодно - 1973. – М., 1979. – С.125-145.

68. Лебедев В.В. Средневековые арабские рукописи и фольклор / Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. Часть II. – Л., 1981. – С.75-83.
69. Лейн Э. Арабский мир в эпоху “Тысячи и одной ночи”. – М.: Центрполиграф, 2009.
70. Липатова И.А., Назарова А.И. Сказки. “Тысяча и одна ночь” как источник по истории ментальности Востока // Вестник Чувашского государственного университета. – Чебоксары, 2003. – №1. –С.94-105.
71. Məmmədov M. Azərbaycan nağıllarında “Min bir gecə” süjetləri // Dil ədəbiyyat jurnalı. – Bakı: 2011. – №3. – S.190-195.
72. Мансков А.А. Арабские сказки “Тысяча и одна ночь” и новелла С.Д. Кржижановского “Некто”: особенности интертекстуальных связей // Филология и человек. – Барнаул, 2016. – С.28-36.
73. Михаил Салье. Забытые страницы “1001 ночи”. Халиф на час. Новые сказки из книги “Тысячи и одной ночи”. Предисловие и примечания М.Салье. – М., 1961. – С.5-17.
74. Мунира Кхерибиш. Национально-культурная специфика русских и арабских народных сказок // Русский язык за рубежом. – М., 2007. – №2. – С.76-83.
75. Мунира Кхерибиш. Сборник “Тысяча и одна ночь” как отражение арабской культурно-языковой традиции // VI Степановские чтения. Язык и культура. – М.: РУДН. 2007. – С.477-478.
76. Муродов М., Шайхов Ҳ. Ҳаётбахш хаёллар. – Тошкент, 1985.
77. Мухтаров Т.А. Сказки сто одной ночи // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2005. – №10. – Вып.1. – С.110-116.

78. Османов М.Н., Шомухаммедов Ш. Шоҳ китоб (“Шоҳнома”га ёзилган с ўзбоши\_ / Шоҳнома. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б.12.
79. Останова Г.М., Рахимова Н.К. “Минг бир кеча” асарида Ироқ ҳикоятлари таснифи // Сўз санъати. – Тошкент, 2019. – №4. – Б.88.
80. Остонова Г. “Минг бир кеча” асарида ривоят услуби // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – 2-сон. – Б.55-56.
81. Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари ҳикоятлари таснифи // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2008. – №2. – Б.54-56.
82. Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асаридаги Миср ҳикоятлари таҳлили // БухДУ. Илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ нашри, 2011. – №1. – Б.36-39.
83. Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари таҳлили (давр, таржима аниқлиги, услуб; таржимада аёллар характери акс эттириш муаммолари). – Тошкент: Фан, 2008. – 147 бет.
84. Остонова Г.А. “Минг бир кеча”асарининг яратилиши хусусида // Филология масалалари. – Тошкент, 2013. –№6. – Б.100-102.
85. Остонова Г.А. “Минг бир кеча”да тарихий воқеаларнинг бадиий ифодаси // БухДУ. Илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ нашри, 2009. – №1. – Б.15-17.
86. Померанцева Э.В. Теодор Бенфей / Большая советская энциклопедия. Т.3. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С.70.
87. Потапов А.П. Пережитки культ медведя у алтайских турок // Этнограф-исследователь. – Л., 1928. – №2-3. – С.7.
88. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки / [www.gumer.info.Propp..2](http://www.gumer.info/Propp..2)
89. Rüstəmzadə İ. Azərbaycan nağıllarının süjet göstəricisi (Aarne-Tompson sistemi əsasında). – Bakı: Elm və təhsil, 2013. – S.190-195.

90. Сакали М.А. Туркменский сказочный эпос. – Ашхабад, 1959.
91. Салкынбаев М. “Мың бір түннің” генезисіне байланысты кейбір ойлар // Ақиқат. – Алматы, 2011. – №2. – С.66-70.
92. Салье М. Предисловие / Тысяча и одна ночь. Избранные сказки. – М., 1929. – С.6.
93. Салье М. Предисловие / Халиф на час. Новые сказки из книги “Тысячи и одной ночи”. М.: Издательство восточной литературы, 1961. – С.7.
94. Салье М.А. Ленинградская рукопись «1001 ночи» // Известия АН СССР. VII серия. – М., 1928. – №3. – С.185-196.
95. Салье М.А. Материалы для датировки сказки об Ала ад-Дине Абду-ш-Шамате // Известия АН СССР. VII серия. – М., 1928. – №4. – С.299-310.
96. Салье М.А. Неизвестный вариант сказки о рыбаке и духе из «1001 ночи» // Записки коллегии востоковедов. Т.5. – М., 1930. – С.405-428.
97. Салье М.А. Предисловие / "Книга тысячи и одной ночи" в восьми томах. – Т.1. – Ташкент: "Гослитиздат", 1959. – №-12.
98. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент, 1997.
99. Тулеубаева С.А. К вопросу о сказочной традиции казахов и арабов (на примере сюжетов казахского фольклора, заимствованных из «1001 ночи») // Шығыс. – Алматы, 2004. – №1. – С.268-269.
100. Тулеубаева С.А. “Тысяча и одна ночь” в казахской фольклорной традиции. – Алматы: Арыс, 2009. – 199 с.
101. Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент, 1956.
102. Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М.: Наука, 1965.
103. Фильштинский И.М. Бессмертное творение многих народов и поколений / Избранные сказки, рассказы и повести из “Тысяча и одна

ночь”: Царевич Камар аз-Заман и царица Будур. Пер.с арабского М.Салье. Сост., вступ. ст. и прим. И.М.Фильштинского. – М.: Правда, 1986. – Т.3. – С.3-18.

104. Фильштинский И.М. Вступительная статья / Тысяча и одна ночь. – Ашгабад: Туран, 1992. – С.8.

105. Фильштинский И.М. Замечательные памятники народов словестности / Избранные сказки, рассказы и повести из “Тысяча и одна ночь”: Маъруф башмачник. Пер. с арабского М.Салье. Сост., вступ. ст. и прим. И.М.Фильштинского. – М.: Правда, 1986. – Т.4. – С.3-20.

106. Фильштинский И.М. Историческая почва “1001 ночи” / Герхард М. Искусство повествования. Литературное исследование «1001 ночи». – М.: Главная редакция восточной литературы, 1984. – С.424-445.

107. Фильштинский И.М. Арабская литература [XIII—XVI вв.] // История всемирной литературы: В 8 томах. Т.3. – М.: Наука, 1985. – С. 554-561.

108. Фильштинский И.М. Проза: [Арабская литература XIII-XVI вв.]. “Тысяча и одна ночь” // История всемирной литературы: В 8 томах. Т.3. – М.: Наука, 1985. – С. 556-561.

109. Фильштинский И.М., Шидфар Б.Я. Очерк арабомусульманской культуры. – М., 1972.

110. Ханаева З.К. Мотив путешествия в загробный мир в сюжетосложении осетинского эпоса // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – М., 2017. – №10. – С.152-154.

111. Хасен Ш. “Тысяча и одна ночь”: история и переводы // Филология и культура. – СПб., 2018. – №3(53). – С.242-246.

112. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
113. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965.
114. Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №5. – Б.24-28.
115. Шомусаров Ш. Араб фольклори. – Тошкент, 1992. – 86 б.
116. Шамусаров Ш. Арабский фольклор. – Тошкент: Фан, 1992.
117. Шомусаров Ш. Арабская новеллистическая сказка (идеи образы) / Материалы международной научной конференции. – Бишкек, 1996. – С.108-112.
118. Шомусаров Ш. Араб-ўзбек алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 3-сон. – Б.38-41.
119. Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №4. – Б.38-44.
120. Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқалари // Республика илмий коллоквиуми маърузалари тўплами. – Тошкент, 1997. –Б.125-127.
121. Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002.
122. Шомусаров Ш. Сравнительно-типологическое изучение современных арабских сказок и сказок арабов Средней Азии // Восток. – М., 2003. – №1. –С.112-124.
123. Шомусаров Ш. Поэтика арабских народных сказок. – Тошкент, 2020. – 320 с.



124. Шомусаров Ш. Поэтика и типология арабской народной сказки. – Ташкент, 2019. – 238 с.
125. Шомусаров Ш. Специфические особенности фольклорных связей тюркских народов Центральной Азии и среднеазиатских арабов // Восток. – М., 2009. – №1. – Б.124-132;
126. Шомусаров Ш. Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – 304 с.
127. Шомусаров Ш. Араб ва туркий халқлар эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳарир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.521-533.
128. Шомухамедов Ш. Сўзбоши / Минг бир кеча. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.10.
129. Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
130. Эструп И. Исследование о “1001 ночи”, ее состав, возникновение и развитие. Перевод с датского Т.Ланге. – М., 1904.
131. Yusuf Karataş. Binbir Gece Masalları Üzerinde Bir Değerlendirme // Nüsha.Şarkiyat Araştırmaları Dergisi. – Ankara, 2009. – Vol.IX. Sayı/Issue: 28. – S.73-86.

### **III.Диссертация ва авторефератлар**

132. Абдалла Абдель Ати Ханафи Мухаммад. Сборник "Тысяча и одна ночь" и русская литература и фольклор (переводы, изучение, отношение с литературы и фольклором): Автореф. дис. канд. филол. наук. – М., 1977. – 48 с.
133. Асқарова Ж.Б. Ўзбек халқ эртақчилиги ва эртақ нашрларининг қиёсий тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2020.

134. Atiye Nazli. “Binbir gece” masallarının anadolu türk masallarına etkileri üzerine bir araştırma (doktora tezi). – Konya, 2011.
135. Bayramova L.M. “Min bir gecə” ərəb ədəbiyyatının mədəni-tarixi abidəsi kimi: Filol. elmləri namizədi alimlik dərəcəsi almaq üçün təqdim edilmiş dissertasiyanın avtoref. – Bakı, 2006. – 28 s.
136. Гезалов Ф. Структура азербайджанской волшебной сказки: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1990.
137. Гилемшин Ф.Ф. Татарский перевод “Тысяча и одной ночи” (языковые и стилистические особенности): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1998. – 21 с.
138. Жармагамбетов Н.К. Поэтическая трансформация сюжетов “Тысячи и одной ночи” и “Калилы и Димны” в казахской литературе XIX – начала XX в.: автореф. дисс... канд. филол. наук. -- Алма-Ата, 1985. – 26 с.
139. Жўраева М.Ю. Ўзбек халқ оғзаки ижодида эврилиш мотивини ўрганиш: Адабиётшунослик ихтисослигида бажарилган магистрлик диссертацияси. – Тошкент, 2004.
140. Ziyat Abdülmecit Akkoyunlu. “Binbir Gece” Masallannın Türk Masallanna Tesiri. Hacettepe Üniv. Basılmamış Doktora Tezi. – Ankara, 1982.
141. Исаева Ф.А. Диалектизмы в “Тысячи и одной ночи”: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1978. – 23 с.
142. Лебедев В.В. Проблемы источниковедения средневекового арабского фольклора: По материалам арабоязычных письменных памятников VII-XVIII вв.: Автореф. дисс ... доктора филол. наук. – Л., 1979.
143. Назарова Ш. Ўзбек халқ эртақларида синов мотивининг генезиси ва поэтикаси: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

144. Остонова Г.А. “Минг бир кеча” асари ўзбекча таржималарининг қиёсий тадқиқи (давр, услуб ва таржима аниқлиги муаммолари): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2003.

145. Темуров Дж.Р. Антропонимия “Тысяча и одна ночь”: лингвистический аспект: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2018. – 22 с.

146. Тулеубаева С.А. “Тысяча и одна ночь” в казахской фольклорной традиции (на примере казахского сказочного эпоса): Автореф. дисс. канд филол. наук. – Алматы, 2004.

147. Шомусаров Ш. Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили: Филол. фанлари док. дисс. автореф. – Тошкент, 1998.

148. Янковская А.А. Историко-этнографические сюжеты в средневековых арабских источниках по малайско-индонезийскому региону: Дисс. канд. истор. наук. – СПб., 2016.

#### **IV. Манбалар ва бадий асарлар**

149. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент, 1983.

150. Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Тошкент, 2006.

151. Бир соатлик халифа. – Тошкент, 1989.

152. Боболардан қолган нақллар. Ёзиб олувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчилар М.Жўраев, У.Сатторов. – Тошкент, 1998.

153. Зумрад ва Қиммат. Ўзбек халқ ижоди / Ўзбек халқ эртаклари. –Тошкент, 1990– Б.42-46.

154. Калила ва Димна. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

155. Минг бир кеча. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1959.

156. Минг бир кеча (араб эртаклари). Т.1. – Тошкент, 1963.

157. Минг бир кеча. 1-жилд. – Тошкент, 2015.

158. Минг бир кеча. 3-жилд. – Тошкент: Бадийй адабиёт нашриёти, 1960.
159. Минг бир кеча. 8 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Бадийй адабиёт нашриёти, 2015.
160. Минг бир кеча. 8 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: Бадийй адабиёт нашриёти, 1962.
161. Минг бир кеча. 6-жилд. – Тошкент: Бадийй адабиёт нашриёти, 1962.
162. Минг бир кеча. 7-жилд. – Тошкент: Бадийй адабиёт нашриёти, 1963.
163. Минг бир кеча. 8 жилдлик. 8-жилд. – Тошкент: Бадийй адабиёт нашриёти, 1963.
164. Минг бир кеча. 8 жилдлик. 7-жилд. – Тошкент, 2015.
165. Минг бир кеча. Тошкент, 1986.
166. Сехрли узук. Эртақлар. – Тошкент, 1990. Тысяча и одна ночь. Пер. с араб. М.А.Салье. Предисл. И.М.Фильштинского. – М., 1972.
167. Тысяча одна ночь. Т 2. – Ашгабат, 1993.
168. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 2007.
169. Ўзбек халқ эртақлари. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1960.
170. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Олтин бешик. Эртақлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
171. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Сув қизи. Фантастик эртақлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.
172. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1990.
173. Ўзбек халқ эртақлари. 2 томлик. 1-том. – Тошкент: Шарқ, 1995.

174. Ўзбек халқ эртаклари. 2 томлик. 2-том. – Тошкент: Шарқ, 1995.
175. Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007
176. Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007.
177. Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007.
178. Халиф на час (новые сказки из книги “Тысячи и одной ночи). Предисловие и примечания М.Салье. – М., 1961.
179. Хоразм эртаклари. – Тошкент, 1961.
180. Энг яхши совға. Эртаклар. – Тошкент, 1973.

## **V. Интернет материаллари**

181. Бохман В. Евреи и “Тысяча и одна ночь” // Ариэль (электронный журнал). – 1996. – декабрь. <https://lechaim.ru/ARHIV/93/bohman.htm>.
182. Eyüp Akman. Binbir gece masallan kaynakli bir türk masali: Cihansah/Cevahir Dağı // <http://turkoloji.cu.edu.tr>
183. Hazār afsān / <https://iranicaonline.org/articles/hazar-afsan>.
184. Nabia Abbott. Studies in Arabic Literary Papyri. III: Language and Literature. – Chicago: The University of Chicago Oriental Institute Publications, 1972 (<https://oi.uchicago.edu/sites/oi.uchicago.edu/files/uploads/shared/docs/oip77.pdf>)